



M 242704

3
7
11 92


АКМАЛ ПЎЛАТ

Муҳаббат
юлдузи

*Шеър,
қўшиқ,
ҳажвиялар*

11.11.92

Уз
II 92



II $\frac{70403-131}{352(06)-P}$ P-77

Акмал Пўлат, мана қирқ беш йил бўладнки, тинимсиз қалам тебратиб келади. Давр — қайноқ ва оловли замон Акмал кўзини ҳам эртароқ очган эди. У 14 ёшга тўлмасданоқ комсомол сафига келганлардан, тўғрироғи, комсомол етакчиларидан. 14 ёшдан қишлоқ шўросида котиб, муштумзўр рўйхатини тўғри тузгувчи, янгиликка — янги замонга қарши кучларга комсомол ёшиданоқ ўч, кечалари уйқусиз қишлоқ мухбири, бора-бора республика кўламида комсомол ходими, журналист, партия ходими, редактор, қурилиш бошлиғи — мана у босиб ўтган йўлнинг қисқа тасвири.

Акмал Пўлат — республикада қурилишларнинг ҳаммасида қатнашганлардан. Деярли ҳаммасида! Лоғонда ҳам, Катта Фарғона каналида ҳам, Тошкент каналларида ҳам, Фарҳод ГЭСда ҳам!

Оғир ва даҳшатли уруш йиллари у Бекободда қурилиш бошлиғи бўлиб ишлар эди. Қиш, қора совуқда тўрт ёзувчи Фарҳод ГЭСга бордик. Канал қурувчилар билан учрашув ўтгач, кечқурун Акмал турган манзилга жўнадик. Чунки у:

— Кошонамни кўриб кетасизлар! — деб туриб олган эди. Гўристондан ўтиб, яйдоқ саҳрода бир ертўлага тушдик. Акмал турган кошона — ўша ертўла экан, қаранг. Лекин иссиқ эди, кенг-мўл.

Фарҳод ГЭС — энг оғир йилларда қурилгани оламга аён. Фарҳод ГЭС ўзбек халқининг ифтихори. Уша мангулик меҳнат монументида Акмал каби забардаст раҳбар ва камтар қаламкашларнинг ҳам улуши бор. Акмалнинг кошонасида Ҳамид Олимжон ҳам, Гафур Гулом ҳам, Мақсуд Шайхзода ҳам бўлгани, канал ва қурувчи қаҳрамонлар ҳақида суҳбат қургани эсимда.

Кейинги йилларда Акмал Пўлат Сирдарё область газетасида редакторлик рутбасида бўлди. Сирдарёда у билмаган бурчак йўқ, у танимаган одам кам. Куни-туни далада юганини кўрганман. Акмал колхозчи билан ҳам, раис билан ҳам, партия ходими билан

ҳам очиқ-ёруғ, ҳазилкаш, латифачи, жон аямас дўст, қадрдон. Акмал суҳбатига меҳнаткаш деҳқон ошиқ, узоқ кўрмаса, излашиб келади. Акмал ҳеч кимни аямай юзига айтгувчидир. Ҳа, фақат дўст шундоқ бўлади: ўрнида — кулги, ўрнида — ачитиб... Колхозчилар йиғинида Акмал сўз олса, ҳамма мириқиб қулоқ солади. Кейин оғизма-оғиз кетади. Акмал Пўлат очеркнавис, публицистик мақола битувчи, фелъетончи, назмгўй, бора-бора қўшиқ учун ғазал ёзгувчи шоир. Тўғри, Акмал шеърларида жимжима ва жумбоқ тасвирлар тошқини йўқ. Лекин, гапнинг тўғриси, Акмал назмлари ҳаётгўй, оммабоп, ўзидай содда, ўзидай жанговар. Акмал Пўлат шу ҳаётгўйлиги, ҳозиржавоблиги важдан қўшиқчи шоирлар ичиде энг популярлардан. У ёзган қўшиқ куйланмаган кун йўқ. Эрталаб ҳам, тунда ҳам, кечқурун ҳам, ярим тунда ҳам эфирда Акмал қўшиқлари жаранглаб туради. Шу қўшиқларни йиғинларда, тўйларда, маъракаларда ҳам эшитасиз. Чунки бу қўшиқлар замонга оҳангдош, қувноқ, халқ дилига яқин, ростгўй. Шу сабабдан Акмал Пўлат довуғи кетган, халқига таниғлиқ, иззат-ҳурмати бор, даврада ўрни бор шоирлардан.

Акмал Пўлат республика раҳбарларининг ҳаммаси билан жигаридай яқин эди. Уни Йўлдош ота билан ҳам, Усмон ота билан ҳам, илгарироқ Акмал оға Икромов билан ҳам ва бошқа етакчилар билан ҳам суҳбатда кўрганман.

Акмални ҳамма вақт ҳаёт қайнаётган жойда кўрардик. Ҳамма вақт олдинги қаторда.

Акмалдай қалам заҳматкашига мен ҳам бир қатордаги қаламкаш дўст сифатида умрзоқлик, ҳамиша рўшнолик, ҳамиша партиявийлик ва энг зарури — қаламига тағин бурролик ва омад тилайман.

МИРТЕМИР,
Ўзбекистон халқ шоири

ҚҰШИҒИМДА

Бахту қувноқ замонни,
Шодлик, кулги, хандонни,
Зафар тўла давронни
Куйлайман қўшиғимда.

Улуғ шонли Ватани,
Нурли, обод чаманни,
Билим, маърифат, фанни
Сўйлайман қўшиғимда.

Мустаҳкам дўстликни ҳам,
Бузилмас бирликни ҳам,
Халқимда мардликни ҳам
Қутлайман қўшиғимда.

Чўлни обод этгани,
Чўққиларга етгани,
Ростин, ҳалол айтгани
Мақтайман қўшиғимда.

Олтин қўлли пахтакор,
Туғанмас зўр кучинг бор,
Меҳнатда доим илгор
Сақлайман қўшиғимда.

Партиямиз жонажон,
Халққа чексиз меҳрибон.
Олқишлар уни замон,
Қўлайман қўшиғимда.

Халқим қандай валломат,
Меҳр, вафо, муҳаббат.
Эл-юртимга садоқат
Асрайман қўшиғимда.

Ўлкамда мангу баҳор,
Севинч, қувонч ҳар наҳор.
Акмал унутмас зинҳор,
Куйлайман қўшиғимда.

Кўкда учган турналар, эшитинг овозимни,
Юлдузлардан сўрангиз самода парвозимни.

Ватанимнинг шуҳратин кўринг еру осмонда,
Шундай ўлка бормикин, айтинг, ҳеч бу жаҳонда.

Дермидим деганларим бўлмаса гар ҳақиқат,
Дунё кезиб юрибсиз, ростини айтинг фақат.

Ер, осмонни ёритгай коммунизм қуёши,
Қанча-қанча дўст халқлар совет халқин йўлдоши.

Зафар устига зафар қувонтирар ўлкамни,
Қайдан ҳам тополурсиз бу ўлкадан кўркамни!

Бу диёрда ғам нима — билмас меҳнатқаш инсон,
Инсонларга ҳамиша партиямиз меҳрибон.

Акмал қўшиқ ёзади халқ учун, Ватан учун,
Оламни мафтун этган ҳур, обод чаман учун.

Кўкда учган турналар, эшитинг овозимни,
Юлдузлардан сўрангиз самода парвозимни.

МИЛЛИОНЛАР ОВОЗИ

Чексиз завққа тўлдим яна шонли съезд кунлари,
Хаёлимда жўшқин йиллар кундуз, ҳатто тунлари.

Чўққиларни босиб ўтдик, сигмайди ҳеч таърифга,
Зафарлардан зафарга деб ёздик олтин тарихга.

Куч-қудратга тўлди чунон жондан азна ҳур дийр,
Ҳур дийрим қучогида халқлар тинчу бахтиёр.

Дилимизда баҳор ўйнар, баҳор ўйнар чаманда,
Тўти, булбул хушнуд сайрар бизнинг севган Ватанда.

Тинчлик учун курашдик биз, йўқолсин, деб урушни,
Кенг дунёда бошлаб бердик тинчлик учун юришни.

Миллион-миллион қўлда баланд доҳий Ленин байроғи,
Қуёш каби нур сочмоқда ўлкамизнинг ҳар ёри.

Минг-минг яша, омон бўлгин шонли улуғ партиям,
Акмал дейди, сенга доим юракдаги мадҳиям.

Чексиз завққа тўлдим яна шонли съезд кунлари,
Хаёлимда жўшқин йиллар кундуз, ҳатто тунлари.

УЛУҒВОР КУНЛАР ҚҰШИҒИ

Кунлар ҳаётимиз каби мазмундор,
Қувноқ оҳангида нисон завқи бор.
Ҳар бир дам ғалаба, зафарга тўлиқ,
Партиямга қуллуқ, минг қуллуқ!
Қуллуқ, диллардаги ҳаяжон учун,
Қуллуқ, тиллардаги шўх дoston учун,
Мангу баҳор учун, сўлим ёз учун,
Дутор-тавбул учун, турмуш сoз учун!
Қуллуқ дейман, қўлим кўксимда мудом,
Ҳаётим, меҳнатим қилгумдир инъом.
Сирдарё тонгининг алангасида,
Мардлик, жасоратнинг жаранг сасида —
Оташин ёшликда, совумас қонда,
Чўл юзини очган боғу бўстонда,
Боболар ниятин розини кўрдим,
Бахтнинг мазмуни-ю созини кўрдим.
Дўстлар, тингланг шoвр қалбин назмини,
Шеърига сингдирган замон азмини,
Замонки, саодат, зафарга тўлиқ,
Замонки, ҳар йили бахтимдай бўлиқ!
Йиллар пиллапоя манзил йўлида,
Йиллар сайқал олур нисон қўлидан,
Бахтдан қанот боғлаб учган йиллар бу,
Ҳар зуми саодат қучган йиллар бу,
Ҳар нафас, ҳар дами — бир лавҳа эрур,
Ҳар лаҳза зафарга сарлавҳа эрур!

Ошпоқ пахтамининг ипак толаси,
Дўстларга армуғон дуру донаси.
Унда гўзал Сирнинг тиллоси бордир.
Унда хонатласнинг жилоси бордир.
Пахтадан қирларга ёндик поёндоз,
Шоир, чўл мардларин куйла, қайнаб ёз!
Меҳнатда етишди ажойиб шерлар,
Ажойиб шерларга тасанно дерлар.
Инобат, Кенжагул, Роза, Ошпоғой,
Меҳнат қучогида юз очган чирой.
Қувондиқ, Насибжон, машҳур Жавод ҳам,
Валентин сизгари меҳнатда шахдам.
Бугун ғолибларга, дўстлар, балли денг,
Забардаст ишлари юз дostonга тенг.
Саҳро ободликдан ажиб ранг олди,
Инсон шухрати-ла чўллар йўқолди.
Партия, бахт учун қуллуқ, минг қуллуқ,
Акмал дер, замоннинг ҳар дами улуг!

МОСКВАМ

Довруғи кўждан ошган,
Борсам қўйинини очган,
Ёвлари қўрқиб қочган,
Меҳрибоним Москвам.

Узи тинчлик макони,
Илм, ҳунар, фан кони.
Ургатди чин вафони,
Жонажоним Москвам.

Унга қойил кенг дунё,
Меҳри туганмас дарё.
Ой, қуёш ўзи гўё,
Қадрдоним Москвам.

Бизда ҳамма дўсту ёр,
Меҳнатда доим илгор,
Совет халқи байроқдор,
Зафардорим Москвам.

Раҳмат сенга, рус халқи,
Қуёшдай яшна, балқи.
Ҳамиша умри боқий,
Мададкорим Москвам.

Қуёш каби нур сочмоқда, жондан азиз элимиз,
Янги-янги зафарлардан завққа тўла дилимиз.
Ватанимиз қудратига қойил бу кун кенг жаҳон,
Ҳар бир ишда эллар-элга жонажондир, жонажон.

Довонларни ошиб ўтдик, юлдузларда йўлимиз,
Тонг юлдузи Зухро ила Марсга етди қўлимиз.
Бахту иқбол чашмасидир севиқли она диёр,
Бу диёрнинг зафарлари ҳар кўнгилга ифтихор.

Совет халқи яшнамоқда, туганмасдир мақтови,
Бошимизга нур сочмоқда ёрқин бахтнинг офтоби.
Яйраб-ййраб ўйнанг, дўстлар, шўх, ёқимли мақомга,
Давронимиз мадҳин куйлар Акмал тўлиб илҳомга.

Қуёш каби нур сочмоқда жондан азиз элимиз,
Янги-янги зафарлардан завққа тўла дилимиз.

КИШИЛИК БИР БОҒ БЎЛСА...

**Кишилик бир боғ бўлса, боғбонидир партиям,
Меҳнат аҳлининг қалби, виждонидир партиям,
Фахридир, ишончидир, дostonидир партиям,
Озодлик гулшанларини посбонидир партиям.**

**У туғилган кунданоқ халқларнинг кекса-ёши
Ном қўйиб, куйладилар: «Башарият Қўёши».
Коммунизм асрига партиямиз йўлбошчи,
Мазлум халқлар орауси — армонидир партиям.**

**У бор экан, дугёда ҳақлик бўлур барқарор.
Курашларда чиниқмоқ бизнинг улуг ифтихор.
Инсон яшаб-яшнашда барқ уриб мисли баҳор.
Юксалиш кунларининг имконидир партиям.**

**Партия номи билан чўллар бўлур боғу роғ,
Биз яратган боғларда сайрай олмас бирон зоғ,
Батан истиқболга ҳамिशалик бўлсин соғ —
Меҳнат аҳлининг қалби, виждонидир партиям.**

ШОНЛИ ПАРТИЯМ

Севишли партия, шоним-шуҳратим,
Сен борсан — яшнайдим бу азиз диёр.
Сен менинг йўлбошчим, қалбим, қудратим,
Сен борсан, ҳамма тинч, ҳамма бахтиёр.
Коммунистик партия — шонли партия,
Улғайдик, ўзингдан олиб тарбия.

Ўзинг имонимиз, ўзингсан устоз,
Ўзинг бор — халқ шоду юрт дориламон.
Йўл очдинг фазога, биз қилдик парвоз,
Советлар юртига қойилдир жаҳон.
Коммунистик партия — шонли партия,
Улғайдик, ўзингдан олиб тарбия.

Сени дер Ватаннинг кекса ва ёши,
Саҳроларда бўстон яратдик янги.
Ўзинг йўлчи, ўзинг йўлларнинг боши,
Кенг жаҳонга довруқ тартдик янги.
Коммунистик партия — шонли партия,
Улғайдик, ўзингдан олиб тарбия.

Покиза диллардан ҳайқириб учар
Халқлар тинчлигини куйлаган овоз.
Сафимиз урушнинг йўлини тўсар,
Тинчлик таронасин чалар жаранг соз.
Коммунистик партия — шонли партия,
Улғайдик, ўзингдан олиб тарбия.

Севикли партия, шоним-шуҳратим,
Сен борсан, яшнайти бу азиз диёр.
Сен менинг йўлбошчим, қалбим, қудратим,
Сен билан ҳамма тинч, ҳамма бахтиёр.
Коммунистик партия — шонли партия,
Улгайдик, ўзингдан олиб тарбия.

ЛЕНИНИ КУЙЛАЙМАН

Улуғ Ленин — шараф-шоним, устозим,
Фазоларни қучиб ўтди нарвозим.
Ҳақиқатни завққа тўлиб куйлайман,
Кенг жаҳонда жаранглайди овозим.

Коммунизм ижодкори Лениндир,
Бахтимизнинг гул-баҳори Лениндир.
Ҳар нафасда деймиз унга ташаккур,
Халқимизнинг ифтихори Лениндир.

Партиямиз кўрсатди бахт йўлини,
Баланд қилди меҳнаткаш халқ қўлини.
Эртақда ҳам топилмайди бу диёр,
Бўстон қилдик қадим Мирзачўлини.

Парваришда гул бўлди ҳар ёғимиз,
Сенсан дилда қувончу ардоғимиз,
Сен яшайсан токи ҳаёт бор экан,
Мангу норлар муқаддас байроғимиз.

МУҚАДДАС КИТОБ

Коммунистик партия, ўзинг раҳнамо,
Халқларга бахт берган ҳаётбахш офтоб.
Сен билан голибмиз ишда доимо,
Таълимнинг бизларга муқаддас китоб.

Сен билан очилди осмон сирлари,
Чўлларга жон бердик, шаҳарлар кўркем.
Кемалар учдилар юлдузлар сари,
Боглар кўкартирдик, мисоли кўклам.

Умримиз азиздир, яшиади диёр,
Яшнаган диёрнинг бахти сарфароз.
Халқлар тотувликда, қардош, бахтиёр,
Доно йўлбошчимиз, ўзингсан устоз.

Коммунистик партия, улуг раҳнамо,
Ўзингсан халқларга мисоли офтоб.
Сен билан голибмиз ишда доимо,
Таълимнинг бизларга муқаддас китоб.

Юракдан севаман сели, Ватаним,
Опадек азиэсан обод чаманим.
Халқларга тинчликдир қатъий шноринг,
Шуниинг-чун хазонсиз боғу баҳоринг.

Ҳар қанча мақташга лойиқ давронсан,
Бахт-иқбол, севинчга улуғ маконсан.
Фашистлар бошингга солди кўд савдо,
Одамхўр, босқинчи, сурбет, беҳаё.

Майдонда қизиди Ватан уруши,
Дунёга фош бўлди ёвлар қилмиши.
Гитлер солмоқчийди сени қулликка,
Ғам-алам, мусибат, очлик, йўқликка,

Ут қўйди шаҳар ҳам қишлоқларингга,
Бўридек ташланди аймоқларингга.
Сичқонлар ўйнашмоқ бўлди шер билан,
Дунёга нур сочган асл эр билан.

Сивдирдик душманнинг қора ниятин,
Сақладик курашда эллар ҳимматин.
Фашист жаллодларни қувдик ватандан,
Супуриб ташладик пзин чамандан.

Жангларда кўтардик номингни кўкка,
Бир киши тушмади душманга чўкка.
Оловли йилларда тобландик яна,
Ғарпхдан ўчмайди бу шонли сана.

Аъло бўлди жангда катта имтиҳон,
Советлар диёри оламга дoston.
Тўхтовсиз жанг билан Берлинга бордик,
Халқларни зулмдан мангу қутқардик.

Рейхстагга тикдик зафар байрогин,
Порлатдик яна ҳам элнинг чироғин.
Онадек азизсан, обод чамансан,
Акмалга камолот берган Ватансан.

Советлар юртида озод ҳамма халқ бахтиёр бўлди,
Қатордош, баб-баравар ҳам умрбод дўсту ёр бўлди,
Зилол сувлар тўлиб оқди, ҳаёт мангу баҳор бўлди,
Бутун эл шоду тинчлик мамлакатда барқарор бўлди.

Фаровонлик бўлиб олам аро, шонли Ватан обод,
Советлар халқи ғолибдир, жаҳонда то абад озод,
Ҳамиша халқ фароғатда, қилур меҳнат, бағоят шод,
Коммунизм сари мардона бормоқ чин шиор бўлди.

Ҳалол меҳнат бу кун дашту биёбонларга жон берди,
Қақир чўлга ҳаётбахш бир мусаффо тоза қон берди,
Қадимий ташна чўлларда оқ олтиндан нишон берди,
Ҳама қишлоқ, шаҳар, боғларда тўю ёр-ёр бўлди.

Совет Шарқи чароғон, барча Шарқ аҳлига ибратдир,
Ажойиб халқимизнинг меҳнати шавкатли меҳнатдир,
Акмалинг кўнглида доим шонли Ватанга чин муҳаббатдир,
Советлар юртида озод ҳама халқ бахтиёр бўлди.

Совет Шарқида яшна, мангу озод Ўзбекистоним,
Жасорат, қудратинг зўр, гулла, обод Ўзбекистоним.
Улуг шонли Ватанда, барча қардошлар қаторида —
Сенинг халқинг саодат топди, дил шод, Ўзбекистоним.

Гўзалсан, мўътабарсан, бахту давлат бирла ҳамдамсан,
Чарогон Москва янглиғ ажойиб, шонли, кўркамсан,
Менинг севган она-юртим, сен ўн беш дўст-ла бирдамсан,
Баҳодир пахтакорсан, яшна, обод Ўзбекистоним.

Вутулгансан кишанли жоҳилу хор — эски оламдан,
Ҳамиша улфатинг шодлик, узоқсан кулфату ғамдан,
Жаҳонда борми бахтли бу Ватанда ўсган одамдан,
Советлар юртисан, шодсан умрбод, Ўзбекистоним.

Мададкор бўлди рус халқи, ҳамиша бахтиёр бўлдинг,
Шу бепоён Ватанда шону шухратларга ёр бўлдинг,
Ажойиб нозу неъматларга тўлган гул диёр бўлдинг,
Шу Акмал бахтига кам бўлма, обод Ўзбекистоним.

РАҲМАТ СОВЕТЛАР ХАЛҚИГА

Ўзбекистон дейди ҳардам: раҳмат советлар халқига,
Тоғ каби дўстликда бардам, раҳмат советлар халқига.
Кенг қанот ёзди жаҳонда кўкдаги бургутсимон,
Чарчамас меҳнатда, ўктам, раҳмат советлар халқига.

Гуллаган обод диёрим — чин боғи роғимдир менинг,
Бағрида шурли қуёш бу ёққан чирогимдир менинг,
Кўз қарогимдир менинг бу, ёвга яроғимдир менинг,
Тан берар ҳуснига олам, раҳмат советлар халқига.

Мақтасам қайнар юракда завқли илҳом денгизи,
Томчиси малҳам танамга, тотли илҳом денгизи,
Байраминг табриклар Акмал икки қўли кўксига,
Тўхтамас суръатда шаҳдам, раҳмат советлар халқига.

Дўстлар сўрашади:— Кездинг кўп эли,
Мулки Ҳинд, Турк, Эрон, Рим, Миср, Юнон,
Хельсинки, Парижу ҳам Брюссели,
Хўш, айт-чи, қайсиси гўзалдир чунон?

Билингиз, дўстларим, қалбим амрини,
Чертиб дил торини бераман жавоб:
— Хорижий элларнинг кўрдим бэрини,
Улар учқун бўлса, Ватаним — офтоб.

Ўзга ўлкаларда жуда кўп юрдим,
Мафтун этолмади ўзга эл сеҳри.
Ҳа, Акмал, соғиниб, қўмсадим юртим,
Баридан гўзалдир Ватаним меҳри!

ОКтяБРГА ШАРАФЛАР

Кенг жаҳонга нур сочган,
Саодатга йўл очган,
Қўллик кешанин янчган
Октябрга шарафлар!

Номия улуг инқилоб,
Бошимизда офтоб,
Тарихи машҳур китоб,
Октябрга шарафлар!

Элликка кирди ёши,
Вашарият қуёши,
Доим зафар йўлдоши —
Октябрга шарафлар!

Ойдек равшан йўлимиз,
Кўнка етар қўлимиз.
Бўстон бўлди чўлимиз,
Октябрга шарафлар!

Мусаффо осмонимиз,
Янгроқ қўшиқ созимиз.
Қувноқ қишу ёзимиз,
Октябрга шарафлар!

Партиямиз байроқдор,
Ҳар ишда бўлдик илғор.
Евни қилдик тор-мор,
Октябрга шарафлар!

Кенг жаҳонга нур сочган,
Саодатга йўл очган,
Акмалинг иқбол қучган,
Октябрга шарафлар!

КОМСОМОЛ МАРШИ

Меҳнат билан шон таратган комсомол,
Саҳроларда бог яратган комсомол,
Довругинг бор номи кетган — ленинчи,
Ленинчилар — халқнинг фахри, севинчи.

Чақирмоқда Оҳангарон боглари,
Бойликка кон адирлари, тоғлари.
Отлан, ўртоқ, «Қора олтин» конига,
Отлан, ўртоқ, зўр меҳнат майдонига!

Янги кон оч, кон устига кон бўлсин,
Совет юрти яшнаб, бойликка тўлсин.
Қадам ташла Оҳангарон шаҳрига,
Тизма тоғлар, шахталарнинг бағрига.

Она-Ватан чақирмоқда, тайёр бўл!
Шухратингни яна ошир, комсомол!
Сенинг ўзинг мужассам бир зафарсан,
Партиямиз таянчисан, жигарсан!

ВОДИЙЛАРИНГДА

Советлар юртим — боғу бўстони,
Тинчлик диёрим — ҳур гулистони,
Ўзингсан доим яллам, дostonим,
Гуллаб-яшнаган водийларингда.

Улуғ Ватанда ҳамма шод, қувноқ,
Эркин меҳнатдан ободдир ҳар ёқ.
Ильяч чирोगи ҳамиша порлоқ,
Гуллар тўшалган водийларингда.

Нури сочмоқда бошинга қуёш,
Ҳар дамда сенга зафарлар йўлдош.
Озод халқларинг дўсту ёр, қардош —
Қўшиққа тўлган водийларингда.

Советлар юртим — боғу бўстони,
Тинчлик диёрим, — ҳур гулистони.
Сенсан қувончим, яллам, дostonим,
Гуллаб-яшнаган водийларингда.

ОЛОВЛИ ЙИЛЛАР

Урушнинг даҳшати эсимда ҳамон.
Гўдаклар фарёди кўксимда ҳамон.
Эсимдадир ўшал оловли йиллар,
Ғазабга тўлганди эркесезар диллар.

Фашистлар юртимга босиб кирганда,
Севиқли ватаним бағрин тилганда,
Қаҳрамон халқларим кўрсатди ўзин,
Жангларда оқлади злу юрт тузин.

Ўт очиб, ёвузнинг ўтини ёрдик,
Газанда уясиб буздик, қўпордик.
Рейхстаг устига тикдик ол байроқ,
Ҳаётда ғубор йўқ, бахтимиз норлоқ.

Беш йиллик режалар стаклар олға,
Дўстликда яшаймиз қўл бериб қўлга.
Коммунистик партия — зафарлар боши,
Қон-қардош халқларининг юрти қўшини.

Қонли жанглр майдонда,
Қолмадик ҳеч армонда.
Гитлерчи фашист ёвлар
Роса бўлди шарманда.

Фашист келганди шошиб,
Ақл-ҳушдан адашиб,
Охирда қочиб қолди,
Орқа курагин қашиб.

Мард билинар майдонда,
Янги зафар ҳар онда.
Фашистни мажақладик
Озод, бахтли замонда.

Шаҳарларни ёндирди,
Бало нафсин қондирди,
Гитлерчи сариқ вабо
Тинч калқларни ўлдирди.

Ўлардайин мақтанчоқ
Қўнғиз мўйлов, шум олчоқ.
Босқинчилар кул бўлди,
Гитлерчи малъун пачоқ.

Қонли жанглр майдонда,
Қолмадик ҳеч армонда.
Гитлерчи фашист ёвлар
Роса бўлди шарманда.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗЛАРИ

Ширинликда сўзи бол,
Мангу ёрдир бахт, иқбол,
Меҳнати завқли, ҳалол,
Ўзбекистон қизлари.

Ақл-идрокда аъло,
Қалби тоза бебаҳо,
Мақтовга арзир расо,
Ўзбекистон қизлари.

«Олтин қўл»лик пахтакор,
Илму ҳунарда илгор,
Дўст, ёрига вафодор,
Ўзбекистон қизлари.

Шоҳи, атлас кийгани,
Муҳайёдир дегани,
Она-Ватан севгани,
Ўзбекистон қизлари.

Тинчлик, дўстлик шiori
Мустаҳкам, зўр қарори,
Ватанинг нефтихори,
Ўзбекистон қизлари.

Йшнаган баҳор гўё,
Қучгани зафар, энё.
Дойм ёр одоб, ҳаё,
Ўзбекистон қизлари.

Акмал куйлар мадҳингиз,
Тилар доим бахтингиз.
Бузмаиғ сира аҳдингиз,
Ўзбекистон қизлари.

Лола-гуллар барқ уриб очилди бўстонлар аро,
Сайрамоқда завқ ила булбул гулистонлар аро,
Хур яшар халқим менинг бу даври давронлар аро,
Довруги, шони юрар энг яхши достонлар аро.

Бахтимиз душманлари албатта бўлғай тор-мор,
Ер билан яксон ва шу дунёда охир шармисор.
Юртимиз кўрмас хазонлик, яшнагай мисли баҳор,
Мангудир тинч ҳур ҳаёт бу боғу бўстонлар аро.

Бахт Ватан осмонда гўёки бир сўнмас қуёш,
Шу қуёшдан баҳраманддир бу чаманда кекса-ёш,
Ҳамламиздан гулга айланди биёбон, тоғу тош,
Халқимиз топди камол, қардош-қадрдонлар аро.

Партия йўл бошлади, бўлди чароғон бу Ватан,
Меҳнату ғайрат билан бўлди фаровон бу Ватан,
Акмалинг куйлар ҳамиша, даври даврон бу Ватан,
Ҳур яшар, озод яшар инсон бу бўстонлар аро.

ЎРГАНДИМ

Ақл-идроқни, дўстлар, оқилу донодан ўргандим,
Ватан боғин безатмоқни чаман ородан ўргандим,
Атир сочмоқни гулшанга гули раълодан ўргандим,
Муҳаббат маъносин ҳам Вомиқу Узродан ўргандим,
Киши қадрига етмоқни дили рўшнодан ўргандим.

На келса сенга турмушда ёмон-яхши, ўзингдан кўр,
Безаркан дўсти ёронинг, тикан янглиғ сўзингдан кўр.
На кулфат келса бошингга ўша икки юзингдан кўр,
Ақл-идроқни, дўстлар, оқилу донодан ўргандим,
Ватан боғин безатмоқни чаман ородан ўргандим.

Етарсан ниятингга яхшилардин ошна этсанг,
Бўлурсан эл аро расво, ёмон йўлга қараб кетсанг,
Дегайсан ростини, Акмал, ҳамиша сен гаал битсанг,
Ақл-идроқни, дўстлар, оқилу донодан ўргандим,
Ватан боғин безатмоқни чаман ородан ўргандим.

Эй, ёш дўстим, сенга айтар гапим бор,
Юрак сўзларимни унутма зинҳор.
Навқиронсан, ишда чиниқ, жўмард бўл,
Ёмон юрма, яхшиларга улфат бўл!
Мардлар бермас ўзгаларга ҳеч озор,
Дилозордан қўни-қўшни, юрт безор.
Қўполлик, жаҳолат — кучсизинг ишп,
Лаънат ўқир уни кўрган ҳар киши.
Аҳдингни бузмагани, дўстим, мард бўлсанг,
Юзинг қаро, халқ мулкига қўл чўзсанг.
Ота-онанг насиҳатин унутма,
Меҳнатсиз ҳеч қандай яхшилик кутма.
Ҳалолликдир, билгин, мардлик зийнати,
Ҳаромхўрнинг ошар қайғу-кулфати.
Мардликка хилофдир қуруқ ҳаяжон,
Меҳнатда тер тўккин мисоли маржон.
Ахлоқ, одоб асил чирой одамга.
Боодоб ёқади бутун оламга.
Мард, камтарин мақтанмайди умрида,
Мардлар номи доим кўнгили тўрида.
Мард етказар ҳар кун элга манфаат,
Мардликнинг замири, унутма, меҳнат.
Меҳр қўйиб ўқи, ақлинг ишлатиб,
Насиҳат тинглагин фикринг пешлатиб.
Кимки бўлса халқ ишига фидокор,
Мардлигин амалда кўрсатиш даркор.

БИЛИМ ОЛ

Бўлай десанг сен олим,
Доно, устоз, муаллим,
Меҳр қўйиб ўқиб қол,
Бор кучингни ишга сол.
Билим — чексиз хазина,
Кўкка ясайди зина.
Ҳамма нарса билимдан,
Ойга ҳам учдик шундан.
Меҳнат — устоз китобинг,
Бошингда офтобинг.
Билим берган устозса,
Хур ленинчи авлодга
Чин дилдан деймиз раҳмат,
Минг йил бўлсин саломат.

ЙИЛЛАР

Бир-биридан аъло келур саодатли йиллар ҳам,
Янги-янги зафарлардан завққа тўла диллар ҳам.
Шонли Ватан қудратига қойил бугун кенг жаҳон,
Коммунизм нури порлар йил сайин ўткир, чандон.
Фазоларни ёриб учдик, юлдузларда йўлимиз,
Дўстлик билан кўкка етди узатганда қўлимиз.
Бахт-иқболнинг чашмасидир шонли съезд қарорин,
Қон-қардошлик ҳеч бузилмас, бу озод эл шiori,
Ўзбекистон яшнамоқда, туганмайдн мақтови,
Эл бошига нур сочмоқда баб-баравар офтоби.
Меҳнат билан шараф тоқди нахта кони ҳур диёр,
Жондан севган диёримиз бизга дилдан ифтихор,
Илм-фанда машҳур юртим, етдик баланд мақомга,
Йиллар мадҳин жараиғлатар Акмал тўлиб илҳомга.

ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛИНГ

Мангу озод, ҳур днёр бу, боги бўстонга келинг,
Кон, завод, ГЭСлар макони илму урфонга келинг.
Халқи ботир, таърифи зўр, катта дostonга келинг,
Қон-қариndoш, ёру дўстлар, Ўзбекистонга келинг!

Ҳуснидир обод элимнинг Андижон, Фарғонаси,
Водийлардан водийларга яллasi, шодёнаси.
Осмонда бахт қуёши ёз бўйи парвонаси,
Қон-қариndoш, ёру дўстлар, Ўзбекистонга келинг!

Шарққа машъал Ўзбекистон, халқи доно пахтакор,
Унга бўлган меҳримизнинг зарраси дунёча бор.
Москва нури билан бу элда доим гулбаҳор,
Акмалинг дер:— Ёру дўстлар, Ўзбекистонга келинг.

ТАНИШ

Гул диёрим шуҳрати
Ер била осмонга таниш.
Таърифи минг хил китоб,
Энг яхши дostonга таниш.
Ойга қўнган бургутим,
Ул юлдузistonга таниш.
Шер йиғит, мардона қизлар,
Янги бўстонга таниш.
Катта «жанг» бошланди ҳозир
Марказий Фаргонада.
Бўлмаган бундай жасорат
Ҳеч қадим афсонада.
Қаҳрамон халқ наъра тортиб,
Чўлни қилди тору мор.
Пахтазору янги боғ,
Гулзор, гулистонга таниш.
Марказий Фаргона энди
Жумла жаҳонга таниш.

ДИЕРИМ

Бургутсимон парвози,
Янграйди олтин сози,
Ёқимли хуш овози,
Ғазалхов ҳур диёрим.

Шоҳи, атлас кийгани,
Москвадир суйгани.
Айтай яна нимани...
Навқирон ҳур диёрим.
Элга аён пиллася,
Юртнинг бойлик — тиллася...
Кўзни олар жилвася.
Ободон ҳур диёрим.

Яйлови — чорвага бой.
Қирлари очган чирой.
Қуёш деймв ёки ой,
Чароғов ҳур диёрим!

Элликка кирди ёшиянг,
Омон бўлсин қуёшинг,
Сог бўлсин азиз бошинг,
Қаҳрамон ҳур диёрим.

Тўй устига тўй бўлсин,
Юртим зафарга тўлсин,
Душман йиғлаб, дўст кулсин,
Кенг осмон ҳур диёрим!

БИЗНИНГ ҚИШЛОҚ

Кўрган ҳавасда гулбоғимизни,
Яшил, хушҳаво чорбоғимизни,
Яшнатиб турар кўм-кўк пахтазор
Обод, чиройли қишлоғимизни.

Каналлар ичра зилол сув ўйнар,
Танил яйратар шўх, завқли куйлар,
Келишса дилдан кутиб оламиз —
Дўсту ёр, қардош, ўртоғимизни.

Еқимли, дилкаш йнгит-қизлари,
Маънога тўла ширин сўзлари,
Яшнаган чаман колхоз қишлоғи,
Сайр этиб кетинг гулбоғимизни.

Оламга машҳур ганишерлари,
Ҳосилга тўла олтин ерлари,
Кўрингиз, дўстлар, гулга ўралган,
Азиз, мўътабар тупроғимизни.

Кўрган ҳавасда гулбоғимизни,
Яшил, хушҳаво чорбоғимизни,
Яшнатиб турар кўм-кўк пахтазор
Обод, чиройли қишлоғимизни.

ФАРҒОНА

Гули суибул, суви шакар, қуёшли, нурли Фаргона,
Сен олтин водийсан, ҳар бир тошинг гавҳар ва дурдона,
Тўлиб завққа, кулиб қаҳ-қаҳ, қадам ташлайди мардона,
Сенга опиқ бўлиб эллар гўзал бағрингда парвона.

Қутулгансан жафокаш, гам тўла у эски оламдан,
Қилиб шўх яллалар ҳар кун, узоқсан қайгу ҳам гамдан,
Замон завқига ҳамдам боғларингда гулу райҳонлар,
Гулистону чаман бўлди қақир чўл, дашти саҳролар.

Гўзалсан, мўғтабарсан, завқ ила шавқимга ҳамдамсан,
Буюк ўлкам каби сен ҳам ажойиб тусда кўркамсан,
Менинг севган она-юртим бутун ишқим-ла эркамсан,
Бу Акмал қалбида олтин шу водий нурли Фаргона.

ЗАРАФШОН

Қучоғинг оч Зарафшон, бағринга чин қаҳрамон келди,
Ҳаётингда сенга ҳозир ажойиб, хуш замон келди.
Сахий бўл, шарқираб оқсин сувинг ташна биёбонга,
Қақир чўлларни обод қил, яна зўр имтиҳон келди.

Зарафшон, шарбатингдан баҳра олмай қанча ер чанқоқ,
Ярат сен ҳам бу кун инсон қўли билан чаман-гулбоғ.
Фаровонлик яна ошсин, гўзал водийга оқ тезроқ,
Аму, Сирлар билан мавж ур, бу кун жисминга жон келди.

Жасорат, қудратинг кўрсат, совет халқига хизмат қил,
Ватанда гулласин боғлар, қадрдонингни иззат қил.
Асрлар ташналаб ётган биёбонга саяҳат қил,
Шалола сачратиб оқ, сенга чиндан меҳрибон келди.

Секинг тоза зилолинг бирла чўллар майсазор бўлсин,
Гўзал водий кўкарсин, яшнасин, кенг пахтазор бўлсин.
Юракдан Акмалнинг дер, доимо дўстлар омон бўлсин,
Ватанда мангу тинчлик барқарор, хуррам замон келди.

БЎСТОНЛИҚ

Жонга роҳат, хушҳаво, шўх сувлари шарбат, зилол,
Қорли тоғлар жилвасин кўрган киши бўлгуси лол,
Боғлари гулга тўла, кенг қирлари кўркам жамол,
Шонли меҳнатда ҳамisha халқимиз тоғди камол.

Бўстонлиқ боғимиз тобора бўстон бўлгуси,
Олтину гавҳарли конлар устига кон бўлгуси,
Қаҳрамон халқ шухрати оламга дoston бўлгуси,
Тинч ҳаёт яшнаб, яна турмуш фаровон бўлгуси.

Янги бўстонда қувондик ёри дўстлар яйрашиб,
Сунбулистон булбулидек жилғаларда сайрашиб,
Икки қардош халқ яна ортиқ муҳаббат боғлашиб,
Меҳнату ижодда ортиқ янги марра чоғлашиб.

Тухфадир жўлдос қозоқлардан бу яйлов, янги боғ,
Янги ерлар яшнагай, қолмай юзида зарра доғ,
Акмалинг дер:— Ҳур Ватанда ҳамма бахтли, кўнгли чоғ,
Мангу порлар бошимизда партия ёққан чироғ.

Сўх чаманлар ичра бир боғ — хушдаво, хушманзара,
 Шўх эсар шаббода доим, сувлари шўх, шаршара,
 Роҳатижон, кенг хиёбон, бағри бўстон, кенг дара,
 Боқсангиэ кўзлар қамашгай, Сўх ажойиб, соз экан,
 Шавқу завққа кон экан, гулчеҳра — хушпардоз экан.

Янги бойликлар берар Сўх Ўзбекистон халқига,
 Яшнаган озод, фаровон гул-гулистон халқига,
 Эл аро дўстлик бузилмас, донғи дoston халқига,
 Қиш куни ҳам сайр этарга Сўх ҳавоси ёз экан,
 Янграгиб тинчлик куйин куйлашда жўр овоз экан.

Чўққилардек қад кўтарган халқи эркин, бахтиёр,
 Жонажон, шонли Ватан бирлан қилурмиз ифтихор,
 Акмал айтар:— Партия бизларга устоз, мангу ёр,
 Тизма тоғлар бағрида Сўх энг гўзал, энг соз экан,
 Қизлари меҳнатда илғор, шўх экан, таниоз экан.

ДЎСТЛАРИМ

Жондан ортиқ, жонажоним, дўсту ёримдир менинг,
Мақтасам арзир юракдан, куч-мадоримдир менинг.
Қалблари қалбга туташган, жонлари жонга туташ,
Мевазорим, боғу роғим, дилда боримдир менинг.

Ниятим, орзум ушалди ҳар нафас дўстлар билан,
Йўлларимга гул тўшалди ҳар нафас дўстлар билан.
Минг яшанг дунёда доим, кўрмангиз асти завол,
Қон-қариндош, ёру дўстим, ифтихоримдир менинг.

Гуркираб кулган баҳор, машҳур шифокор ўзлари,
Ҳамма юлдузлар ичнда ярқироқ юлдузлари,
Яхши дўстсиз ҳужрадек тордир кўзимга кенг жаҳон,
Дўстларимдир шодлигим, дўстлик шиоримдир менинг.

Эслагайман сизни доим токи умрим борича,
Чеҳрангиз гулгун очилсан, гул Ватан гулзорича,
Акмалингиз кўнглида сизга туганмас меҳри бор,
Дўстларим, жону дилим, зўр эътиборимдир менинг.

НУРАФШОН ТОЖИКИСТОНСАН

Советлар юртида овоз,
Чарогон Тоҷикистонсан.
Ҳамиша улфатинг шодлиг,
Фаровон Тоҷикистонсан.
Қариндош, ёру дўстларга
Қариндош Тоҷикистонсан.
Ҳазонсиз яшнаган бўстон,
Гулистон Тоҷикистонсан.
Жасорат-қудратинг зўрди,
Нурафшон Тоҷикистонсан.

Дар ин мулки Советхо
Ҳур, чарогон Тоҷикистони,
Ҳамеша улфатат шоди,
Фаровон Тоҷикистони.
Ба ёру дўстон гоят
Қадрдон Тоҷикистони,
Баҳори беҳазон, зебо,
Гулистон Тоҷикистони.
Жасорат, қудратат зўру
Нурафшон Тоҷикистони.

Буюк Фирдавсий, Жомий,
Айнийларинг гул диёриса.
Мудом тинчлик ширинг,
Эркесвар халқларни ёриса.

Дили пок, яхшларини
Донмо сен ивтизорсан.
Муборақ давру давронинг,
Бахти хандон Тожикистонсан.
Жасорат-қудратинг зўрдир,
Нурафшон Тожикистонсан.

Помирдек қад кўтардинг,
Водийларни айладинг обод.
Ажойиб ҳур Ватанда ҳамма бахтли,
Ҳамма хуррам, шод.
Азизсан юртимизга, тожигим,
Қалбимда номинг ёд.
Ишайсан бахтли давронда,
Қадрдон Тожикистонсан.
Жасорат-қудратинг зўрдир,
Нурафшон Тожикистонсан.

Ватанда ҳамма халқлар
Сенга қардош, бахтиёр бўлдинг.
Улуғ ҳиссанг билан
Тинчлик йўлида барқарор бўлдинг.
Шарафли меҳнатинг бирлан
Чаману лозазор бўлдинг.
Қариндош, ёру дўстларга
Қадрдон Тожикистонсан.
Жасорат-қудратинг зўрдир,
Нурафшон Тожикистонсан.

Чақирдинг марҳабо деб,
Эй буюк юрт, келдим қошинга.
Юракдан офарин дерман
Фидокор қари-ёшинга.
Базинҳор тушмасин ҳеч доғ,
Ширин турмуш, қуёшинга.
Жаҳонда довругинг дoston,

**Ғазалхон Тожикистонсан.
Жасорат-қудратинг зўрдир,
Нурафшон Тожикистонсан.**

**Юраклар завққа тўлди
Боғу, роғу гул камалингда.
Унутмас баҳра олдим сойларингда,
Шаҳду болингда.
Тасаддуқ Акмалинғ ҳар дам
Сенниг дилбар жамалингда.
Севикли икки фарзанд —
Ўзбекистон, Тожикистонсан.
Жасорат-қудратинг зўрдир,
Нурафшон Тожикистонсан.**

ЯХШИЛИК

Яхшилик қил дўстларингга, яхши даврон, яхши шон,
Яхшидир озод Ватан, бойликка тўлган ҳур макон.
Бахтимизга Москва, рус халқи, сен мангу яша,
Сен билан обод ҳамияша, тинч, фаровондир замон.

Кимки қилди халқига хизмат юракдан — бахтиёр,
Фахримиздир у киши, шонли Ватанда ифтихор.
Яхшилик одат — баҳодир, мард совет авлодига,
Шу сабабдан барча халқлар бизга бўлди дўсту ёр.

Яхши ният бирла юртни биз гулистон айладиқ,
Яхши дўстлар бирла ишлаб, чўлни бўстон айладиқ.
Бу ҳаёт, бу тинчлигу бахт — яхши ният меваси,
Яхшиликни кенг жаҳонга катта дoston айладиқ.

ДАВРИМИЗ

Барча халқлар қон-қариндош,
Унга сарбон давримиз.
Чўлда гул унди бугун,
Гулшанда чандон давримиз.
Давримизнинг бойлигига
Тўй-томошалар гувоҳ.
Меҳнату ижод билан
Оламга дoston давримиз.

* * *

Давр бизнинг давримиз,
Даврон бизнинг давронимиз.
Шу азиз, шонли Батанда
Зарра йўқ армонимиз.
Кенг ва чексиз илму фан
Ҳам маърифат майдонимиз.
Завқли ялла, шўх қўшиқ,
Хушнуд газалхон давримиз.

* * *

Таърифнинг дилларга сиғмас
Гул диверимсан ўзинг.
Бахту иқболим, ғурурим,
Куч-мадоримсан ўзинг.

Кенг жаҳонга бергусиз
Зўр ифтихоримсан ўзинг,
Акмал айтар, боғу роғ,
Сўнмас гулистон давримиз.

САОДАТЛИ ВАТАНДА

Саодатли Ватанда барча миллат қон-қардошим,
Қозоғу туркману тожик чин ўртоқ, манғу йўлдошим.
Заковатли улуғ рус халқи этди бизни миннатдор,
Мен ўзбек ўғлиман бахтли, ҳамма эл қавм-қариндошим.

Жаҳонда борми ҳеч шундай Советлар юртидек обод,
Ҳаёт қувноқ, фаровон, ғамни билмас, ҳамма хуррам-шод.
Элимнинг фикри зикри тоабод тинчлик шиоридир,
Мен ўзбек ўғлиман бахтли, ҳамма эл қавм-қариндошим.

Ҳалол меҳнат билан шуҳрат қозондик, донғимиз дoston,
Тақир чўлларда унди боғу роғлар, яшнади бўстон.
Севикли партия — доно ҳамиша бизга ёр, устоз,
Бу Акмал шунга бахтли, ҳамма эл қавм-қариндошим.

АҲДИНГНИ БУЗМА

Бузма, дўстим, дўстга берган аҳдингни,
Қувламагани кулиб турган бахтингни.

Аҳдсизларнинг ҳоли охир ёмондур,
Бугун гулдек, ранги эрта сомондур.

Алдашдан кўкармас асло боғ-роғи,
Алдашдан ёришмас ёққан чироғи.

Алдамчида обрў бўлмас андак ҳам,
Оқибати пушаймону қайгу-гам.

Айтар бўлсанг, сўзни ўйлаб айта бил,
Атрофингни ўлчаб, бўйлаб айта бил.

Оғзингга келганин сўйлама зинҳор,
Даврингда зар қадриң билгувчилар бор.

Ишдаю курашда доим ростгўй бўл,
Дўстларингдек шону шухрат бахтга тўл.

Тогдан ҳам огирдур ҳақ сўзнинг кучи,
Рост гапни айтмоқлик чин инсон бурчи.

Дўстим, Акмал сўзига сен қулоқ сол,
Бу насихат сентга келмасин малол.

Елгончининг ҳоли доим ёмондур,
Бугун гулдак, ранги эрта сомондур.

МЕҲМОНИМ

Бош устига, келинг, азиз меҳмоним,
Меҳмонга очиқдир мўл дастурхоним.
Меҳмон билан хонам обод, юрт обод,
Яхши меҳмон доим дилни қилар шод.

Пок юрак меҳмонга иштиқман, зорман,
Қон-қардош дўстларга тоабод борман.
Топганим ҳаммаси қутлуғ меҳмонга,
Ҳурматиш кўтарай гўё осмонга.

Сатқайи бурда нон сўзи ёлғондан,
Безорман тамагир, қаллоб меҳмондан.
Акмалинг ташнадир меҳмонга ҳар чоқ,
Жонажон меҳмонга очаман қучоқ.

Бош устига, келинг, азиз меҳмоним,
Меҳмонга очиқдир мўл дастурхоним.

ОЛҚИШ

(Тошкент қурувчиларига)

**Чин юракдан олқиш бу, эй қаҳрамонлар,
Дилингизда қолмасин зарра армонлар.
Дўстлик нурин сочдингиз бутун оламга,
Кучингизга қойилдир замин, замонлар.**

**Инсонга чин безакдир ҳунар, наққошлик,
Ғалабаи ҳал қилар дўстлик, қардошлик,
Раҳмат деймиз юракдан сизга доимо,
Қурувчида туганмас мардлик, бардошлик.**

**Тошкент шаҳрин яна тез, гўзал қурингиз,
Эркин меҳнат нашъасин расо сурингиз.
Кундан-кунга яшнасин ўзбек пойтахти,
Янги шону шуҳрат деб олга юрингиз.**

**Бирингиз рус, украин, молдаван, қозоқ,
Ватанимда ҳамма халқ мангу иттифоқ.
Туркман ўгли, мард тожик, грузин, арман ҳам
Бир-бирига қон-қардош, меҳрибон, ўртоқ.**

**Зилзилани қайтарган ботир эрларсиз,
Меҳнатда ҳеч чарчамас қиз-йигитларсиз.
Тоғ кўтарар бир зарбда битмас кучингиз,
Кенг жаҳонга сиз машҳур, асил шерларсиз.**

**Номингиз зўр, фахрли уста биножор,
Совет юрти сиз билан қилур ифтихор.
Қуёш каби минг яшанг озода дунёда,
Коммунизм даврида ҳамма бахтиёр.**

ҚҰШИҚ АЙТАЙЛИК

Қани, даврамизга қўшилянг, дўстлар,
Бахтимиз ҳақида қўшиқ айтайлик.
Жонажон Ватанга соф севгимизни
Қувноқ куйимизга қўшиб айтайлик.

Яллалар янграсин, дил жарангласин,
Ҳавони тўлдириб куйласин қизлар.
Минг хил мақом билан кабутар каби
Чарх уриб, айланиб, ўйнасин қизлар!

Қўшиқсиз яшамоқ ярашмас зинҳор,
Қўшиқдан бошланар ҳаётнинг боши.
Қўшиқ-ла чўлларга бахш этдик чирой,
Қўшиқдан эригай тоғларнинг тоши.

Қани, даврамизга қўшилинг, дўстлар,
Бахтимиз ҳақида қўшиқ айтайлик.
Асмал дер, Ватанга соф севгимизни
Қувноқ куйимизга қўшиб айтайлик!

ТҮЙ ЛАПАРИ

Қизлар

Ер-ёр айтиб келдик бизлар тўйингизга,
Чин юракдан жўр бўламиз куйингизга.

Ингитлар

Жон тасаддуқ, ишда ўзган ҳур қизларга,
Ҳар бир сўзи ширин-шакар, дур қизларга.

Қизлар

Ингитларга ярашади бедов оти,
Аҳди бузмас асл йигит, шерлар зоти.

Ингитлар

Гувоҳ бўлсин тўй кечаси мелин-куёв,
Пахтазорга айланади қақир айлов.

Қизлар

Она-Ватан бўз ерларга сизни йўллар,
Қўлингизда сайқал топсин сажро-чўллар.

И н г и т л а р

**Инак дурра ярашибди қош устига,
Шартингизни бажарамиз бош устига.**

Ҳ а м м а

**Ер-ёр айтиб недик бизлар тўйингизга,
Акмал билан жўр бўламиз куйингизга.**

Лола-гуллар барқ уриб боғ ичра хандон ушбу кун,
Чеҳралар гулгун очилган, шўх хиромон ушбу кун.
Сайрамоқда боғ аро булбул кулиб шўх куйларин,
Нур сочиб қилди Ватанни моҳитобон ушбу кун.

Қиз-ийғитлар гул Ватан қўйинда шод кулмоқдалар,
Бу ажойиб давримизнинг нашъасин сурмоқдалар.
Кун сайин янги ютуқ завқига хўп тўлмоқдалар,
Нур сочиб қилди Ватанни моҳитобон ушбу кун.

Бахт гули боғлар аро хуш бўйларни тарқатгуси,
Ушбу гуллар нусха олган эрка қиз шўх кулгуси.
Мақтовин куйлар чоғи булбул наво шод қилгуси,
Акмалинг ёзди ғазал боғ ичра хандон ушбу кун.

Тўлдириб юртимни доим янграсин шўх яллалар.
Мунчалар ҳам дилрабо жонон фасл, соз паллалар.
Дўстлар, айтинг, жаҳонда борми шундай гул диёр.
Ҳар қадамда янги бўстон эл дилини аллалар!

Бахтиёрлар ўлкаси бу — яйрашинг, ўйнанг, кулинг,
Булбулигўё бўлиб, хўш сайрашинг, қувнанг, кулинг.
Тер тўкиб сизлар шу юртда бунданам бахтли бўлинг,
Ҳар қадамда янги бўстон, эл дилини аллалар.

Шонли устоз партия ҳар ишда бизга раҳнамо,
Акмалинг куйлар сени жону дилидан доимо,
Давримизнинг қудратига кенг қучоқ очди фазо,
Ҳар қадамда янги бўстон эл дилини аллалар.

ҲАЁТ ЗАВҚИ

Ватан кезиб юрмоқдаман,
Созу суҳбат қурмоқдаман.
Зарра ғам йўқ юрагимда,
Ҳаёт завқи сурмоқдаман.

Дўст дилига дилим пайванд,
Давронимдан ҳамма хурсанд,
Яхши ният доим бизда,
Турмуш бахтли, шакару қанд.

Яшнамоқда тўрт фаслимиз,
Мард, баҳодир, пок наслимиз
Баҳор ўйнар чаманимда,
Шер боласи — шер аслимиз.

Бизга ётдир ҳасрат-фиғон,
Меҳнат билан шуҳрату шон.
Еру дўстлар қар ёшимда,
Зафарлардан кўнглим шодон.

Шоирларда қайнар илҳом,
Ватан мадҳи дилга ором.
Халқим яшар гулёримда,
Ақмалдан кўп сизга салом.

БАҲОР ТАРОНАСИ

(Лапар)

Қ и з л а р

Баҳор бўлмай аргумоқлар чопарми,
Меҳнат қилмай инсон бахтин топарми?
Ингит деган меҳнатда мард бўлмаса,
Айтингиз-чи, севганига ёқарми?

И н г и т л а р

Баҳор бўлмай аргумоқлар чополмас,
Меҳнат қилмай инсон бахтин тополмас.
Ингит деган меҳнатда мард бўлмаса,
Ундақасин асло ёри ёқтирмас.

Қ и з л а р

Ўзбек эли машъалистон дейдилар,
Пахтакорин донғи дoston, дейдилар.
Тўти, булбул шайдо боғу роғига,
Бундай юртни асл бўстон дейдилар.

И н г и т л а р

Бўстонларга ярашиқлик бўйингиз,
Дилга ором шўх, ўйноқи куйингиз.
Улкамизнинг номи асил, ҳур дивёр,
Бўлаверсин тўй устига тўйингиз.

Қ и з л а р

Ким севиб топишса, бахтиёр дерлар,
Ваъдасига вафо қилар чин шерлар.
Шер йигит синовда кўрсатар ўзини,
Ҳур динёр кўркидир сиз каби эрлар.

Й и г и т л а р

Тилингиздан шарбат томар, қизларжон,
Ҳавас қилар гул-лолалар, қизларжон.
Кўзларингиз оловидан мардларнинг
Юраклари лов-лов ёнар, қизларжон.

Қ и з л а р

Севгучилар тўлиб-тошар ғайратга,
Жонин тикар шарофатли меҳнатга.
Файз берасиз, жон берасиз, жононлар,
Нурли ҳаёт, гуркираган санъатга.

Ҳ а м м а

Ўзбекистон наҳлавонлар диёри,
Ҳамиша меҳнатда зафарлар ёри.
Меҳри яшар доим Акмал дилида,
Бор бўлсин партия — эллар сардори,

ҚАҲРАМОН БЎЛДИ

Элимда барча халқлар қон-қариндош, хўб замон бўлди,
Ҳамма миллат жигардек бир-бирига меҳрибон бўлди,
Жасорат кўрсатиб меҳнатда, номи қаҳрамон бўлди,
Курашларда чиниқди, зўр тарихи осмон бўлди,
Жаҳон тинчлик йўлида чин забардаст посбон бўлди.

Яшаймиз шоду ҳуррам бахт тўла энг яхши давронда,
Букилмас шер каби, бардам, чароғон боғу бўстонда
Улуғвор режалар туйғуси чандон ишчи-деҳқонда,
Жўшар денгиз каби ғайрат ва ижод катта майдонда,
Элимда барча халқлар қон-қариндош хўб замон бўлди.

Қуёшдек нур сочар оламга юртим ҳар минут, ҳар чоқ,
Поёнсиз кенг чаманларда оқ олтин ҳосили зўр тоғ,
Қақир чўлларда унди тобад кўм-кўк, яшил гулбоғ,
Ватанда Акмалингиз кўнгли доим хурсанду хушчоқ,
Ҳамма миллат жигардек, бир-бирига меҳрибон бўлди.

Ассалому алайкум, қариндошлар омонми?
Бирга ўсган жўралар, ёр-йўлдошлар омонми?
Опа-сингил, дўст-ёрлар, барча ёшлар омонми?
Нуроний чол-камирлар, азиз бошлар омонми?

Бахтимизга ҳамиша сизлар омон бўлингиз,
Яшашда мисли қуёш, гўё замон бўлингиз,
Меҳнат билан Ватанга шарафу шон бўлингиз,
Режани ўринлашда кучли бўрон бўлингиз,
Бирга ўсган жўралар, мард йўлдошлар омонми?

Жаҳонга номи кетган зап баҳодир эрларсиз,
Канал қазиб, чўл қувган, наъра тортган шерларсиз,
Утказарсиз ҳадемай жаҳоншумул тўйлар сиз,
Карнай, сурнай, погора — зафар куйин куйларсиз,
Опа-сингил, дўст-ёрлар, барча ёшлар омонми?

Акмалингиз қалбида сизга чексиз меҳр бор,
Тан-жонингиз соғ бўлсин, кўнглингизда гул баҳор,
Сиз ўзингиз ҳамиша ҳур Ватанга ифтихор,
Сизлар билан гуллайди поёни йўқ пахтазор,
Қалбимизга ўт солган қалам қошлар омонми?

ПАХТАКОРЛАР ДОВРУҒИ

Пахтакорлар доврўғи ҳар қанча Ёсам оз, оз,
Шон-шарафли меҳнати аълодан аъло, соз, соз.
Мен эмас, олам бутун қойил сенга, қандингни ур,
Яллаларни кўкка ўрлат, яллаларки, дилнавоз.

Сен ахир тоғлар кўтарган паҳлавоним, бўл омон,
Шарқираб оқмоқда чўлда мавж уриб оби равон.
Зўр кураш майдонида тобланди олтин қўлларинг,
Сен ўзингсан ҳур Ватанга ҳам азиз, ҳам жонажон.

Катта қосил ишқида сен ишладинг мардонавор,
Доимо қатъий қарорсан, доимо аҳдинг барор.
Аемалинг куйлар сени қалбида илҳоми тошиб,
Ғайратинг кўрсат, яна шонларга тўлсин пахтазор.

ЎРГИЛАЙ

Эй шарафли пахтакор, олтин қўлингдан ўргилай,
Яшнаган боғу Ватав, саҳро, чўлингдан ўргилай,
еи ўзингсан эл аро донгин таратган қаҳрамон,
Гурмушинг ширин-шакар, нурли йўлингдан ўргилай.

Мақтасам арзир юракдап, катта карвоним ўзинг,
Бахтлисан озод Ватанда, дилда дostonим ўзинг,
Кенг жаҳонни тутди чандон пахтакорлик доврўгинг,
Шер каби чарчашив билмас, шуҳрату шоним ўзинг.

Пахтакорлик касбияи ёш ивслимиз қилсин ҳавас,
Меҳнатингдан қанча чўллар боғу роғдир басма-бас,
Тинмайин куйлайди Акмал бахту иқболинг сенинг,
Бир чигитдан ундириш тоғ — катта ижод, катта дарс.

Эй шарафли пахтакор, олтин қўлингдан ўргилай,
Яшнаган боғу чаман, саҳро, чўлингдан ўргилай.

КАТТА КАРВОН ҚУШИҒИ

Бир чигитдан тоғ кўтарган полвоним,
Сен ўзингсап элда катта карвоним.
Ортган юкинг нуқул олтин, гавҳардир,
Меҳнатингдан чаман бўлди ҳар ёғим.

Пахтазорга ярашади қоматинг,
Куч-қудратда ҳеч ким бўлмас сенга тенг.
Пок юрагинг дарёлардек тошқин, кенг,
Сенинг билан доим порлар чироғим.

Ишқинг билан лов-лов ёнар юрагим,
Омонликдир сенга олий тилагим.
Диёримда эинҳор толмас билагим,
Ёр-дўстларга мангу очиқ қучоғим.

Водийларни ясантиргин яна ҳам,
Одимла илгари шер каби бардам,
Зафарлар ёр бўлсин сенга дам-бадам,
Давронимда хушнуд ҳар ён, ҳар чоғим.

Оламга машҳурсан, нахтакор номинг,
Ҳақиқатдур айтган ҳар сўз, каломинг.
Дилларга оромдур таъзим, саломинг,
Акмалинг сени дер, яшнаган боғим.

ГУЛДАСТА

Дилда қайноқ ҳурматимни жойладим гулдастага,
Ҳамма қойил, пахтакор, сен қомати барвастага.
Қомати барваста ёр аҳдингда бордирсан мудом,
Сенга дерман чин юракдан ассалом, минг ассалом.

Меҳнат ила ошди қадринг ҳур Ватан бўстонида,
Шухратинг, шонинг жаранглар элу юрт дostonида.
Қўллари олтин ҳамиша, номи шонли пахтакор,
Сен ўзингсан чўл қувиб, саҳрога келтирган баҳор.

Омадинг оламга доврўқ, кўкда парвозинг сенинг,
Булбулигўё каби гулшанда овозинг сенинг.
Акмалинг куйлар жўшиб бахтли замонинг ҳар қачон,
Бахтимизнинг посбони партиям бўлсин омон.

ОЗОД ДИЁРИНГ

Ўргилай, эй пахтакор, озод диёрингдан сенинг,
Ваъдасига чин вафо қилган қарорингдан сенинг.
Меҳнатингдан қақраган чўлларга келди гул баҳор,
Тинч яшаш орзусида отга шпорингдан сенинг.
Сен яратган ҳосилингдаш унди олтин тоғлар,
Янгиерда яшнамоқда қанча гулшан, боғлар.
Шуҳрату шонинг билан оламга машҳурсан ўзинг,
Ҳамма бахтли, ҳамма шод, обод диёрингдан сенинг.
Яшнамоқда кун сайин турмуш фаровон, ҳур ҳаёт,
Шу ҳаётнинг нашъасидан Акмалингни кўнгли шод.
Минг яша, эй, пахтакор, оламга машҳурсан ўзинг,
Ҳамма бахтли, ҳамма шод, озод диёрингдан сенинг.

КАРВОН КЕЛАДИ

Янги канал сувлари раvon келади,
Қўчаларни тўлдириб карвон келади.
Шпорлари товланиб, алвон келади,
Пахта байрами қилиб жавлон келади.

Мунча бахтли экан бу совет даврони,
Мамнун яшар ҳар инсон — йўқдир армони.

Пахтазорим гўёки яшнаган гулзор,
Водийларда янграйди шўх ялла, гулёр,
Қизлар рўмол ўраган чиройли, гулдор,
Ҳаммасининг қўлида оқ олтин — гул бор.

Мунча бахтли экан бу совет даврони,
Мамнун яшар ҳар инсон — йўқдир армони.

Олам-олам севинчга тўла юраклар,
Тоғни талқон қилгудай кучли билаклар.
Акмалда ҳеч тугалмас орзу-тилаклар —
Марралардан маррага илдам етаклар.

МАШИНАМ

Учай десам қанотим,
Пўлат этакли отим,
Жондан севган шерзодим,
Ҳароратли машинам.

«Зангори кема» номи,
Пахтакорнинг ороми,
Тоғдек уйган хирмони,
Жасоратли машинам.

Довруғи ер-осмонда,
Шаъни қўшиқ, дostonда,
Тугилди шу бўстонда,
Салобатли машинам.

Машинам йўли порлоқ,
Зафарга бошлар ҳар чоқ,
Ундан элнинг кўнгли чоғ,
Муруватли машинам.

Туганмас куч-қудратсан,
Деҳқонга дўст, улфатсан,
Теримда зўр суръатсан,
Шарофатли машинам.

ҚУВОНДИҚ

(Никоҳ тўйига қутлов)

Тўй муборак, чўл шунқори, Қувондиқ,
Сен элимнинг ифтихори, Қувондиқ!

Қувонмай бўлурми, тўй устига тўй,
Чўлда тўйнинг кўриб беҳад қувондик!

Эшитсин бу тўйни замин-замона,
Овозаси кетсин, майли, жаҳона!

Меҳнатда сен голиб, номдор куёв,
Чўлқуварсан, ёш қалбинг тўла олов.

Узингсан гуллаган шу чўл Фарҳоди,
Чўлқувар, баҳодир мардлар авлоди.

Мактабхон — Ширининг, умр йўлдошинг,
Ҳаётда ҳамкоринг, ишда қўлдошинг.

Тўй муборак, чўл шунқори Қувондиқ,
Чўлда тўйнинг кўриб, беҳад қувондик!

БИРГА КУЙЛАЙЛИК

(Лапар)

И г и т л а р

Лобар қизлар, тингланг юрак сўзимизни,
Гина қилиб, қизартирманг юзимизни.

Қ и з л а р

Иигитларни қизартириб бўлармиди,
Гина қилиб қизлар кўнгли тўлармиди?

И г и т л а р

Сизлар билан сафда туриб тортишамиз,
Хирмонларни машинага ортишамиз.

Қ и з л а р

Қизлар билан айтишмоққа юрак керак,
Шахтазорда, тортишмоққа билак керак.

И г и т л а р

Мард билинар гайрат қилиб майдонларда,
Қолманг орда, хижолату армонларда.

Қ и з л а р

Мард йигитлар ўзини мақтаб керилмайди,
Допо қизлар қуруқ сўзга берилмайди.

И и г и т л а р

Гўзал қизлар, тили ширин-шакар қизлар,
Сизлар билан тенглашмоққа чиқдик бизлар.

Қ и з л а р

Шундай бўлса, аҳди ростлар қўлни берсин,
Бизга ўхшаб ўн беш тонна пахта терсин.

И и г и т - қ и з л а р

Ҳисса қўшинг республика планига,
Қад кўтарган баракали хирмомига.

БАРАКАЛЛА

Зар қадри биледи чин уста заргар,
Заргармас, зар қадрин билмаса агар!
Пахтамыз теласи — зардан қимматроқ,
Ҳар зумрад кўсаги — дилларга чироқ.
Пахта билан халқим баланд иқболи.
Пахтадур қудрати, асалу боли,
Баракалла сенга, пахтакор ўртоқ,
Қайнайди далангда гўё зарбулоқ...
Мўл ҳосил улади кучли қўлингда,
Гуллар поёндоздир босган йўлингда.
Оқ олтин ишқида ёнади қалбинг,
Меҳнатда ҳеч кимса сенга бўлмас тенг.
Ўзингсан миришкор бободоҳқоним,
Кўксимда мавж урган покиза қоним.
Бир дона чигитдан ясатасан боғ,
Пахтадан уясап хирмонлар тоғ-тоғ.
Меҳнатинг юракдан олқишлар ўлка,
Номингни арзийди кўтарсам кўкка.
Пахта деб ёнасап саҳарлар бедор,
Даламга ташлайсан қанча кучинг бор.
Эллик баҳор кўрар ўзбек диёр,
Шу вайдан баланддир аҳду қарор.
Тўйингга тайёрла муносиб совға,
Муносиб совға деб босавер олға.
Шону шуҳратларга тўлсин пахтазор,
Ўзингсан бир сўзлик, ишда фидокор!

**Ҳақиқий қаҳрамон ўзинг, бешубҳа,
Катта хирмонларинг тўйга зўр тухфа.
Жасорат, кучингга келтирдим имон,
Қон-қардошлар чексиз сенга меҳрибон!**

ДАЛАДА БАЙРАМ

(Теримчилар лапар)

Қ и з л а р

Узун-узун аргамчини тортишамиз,
Терим чоғи ялла, қўшиқ айтишамиз.
Сизга сўроқ, жон йигитлар, боғлиқми бел?
Йигитлардан баҳодирлик қутмоқда эл!

Й и г и т л а р

Канал тўлиб шилдир-шилдир сув оқади,
Жонон қизлар кўнглимизга кўп ёқади.
Узингиз ҳам бардам бўлинг терим чоғи,
Қизлар билан яшнар яна Ватан боғи.

Қ и з л а р

Бўйиндаги маржонимиз дона-дона,
Ўгил-қизини қалбдан севар ота-она.
Ота-она севгисига лойиқ бўлинг,
Терим чоғи шерларсимон кучга тўлинг.

Й и г и т л а р

Сув тагида ялтирайди сойлар тоши,
Чевар қизлар, лобар қизлар ишнинг боши.
Бахтимизга омон бўлинг, жононалар,
Азмингиздан тоғ-тоғ бўлсин дурдоналар.

Қ и з л а р

Терим жанги қизиб кетди кенг майдонда,
Зафар сўзи жарангласин ҳар томонда.
Тезроқ бўлинг, бўшашмасин асло суръат,
Унутмангиз, кутмайди ҳеч бизни фурсат.

Й и г и т л а р

Машиналар кўпроқ сузсин даламизда,
Съезд руҳи яшар қўшиқ-ялламизда.
Беш йилликлар бизнинг қатъий қароримиз,
Дўст-қардошлик энг мўътабар ширимиз.

Ҳ а м м а

Олтин қўлли пахтакорлар — Ватан бахти,
Москвамиз совет юртин пойтахти.
Ғайрат қилинг, кўкка етсин хирмонимиз,
Аемал айтар, пахта шараф ҳам шонимиз.

ПАХТАКОР ЎЗБЕКИСТОН

Даррон келган, ўйнаймиз,
Ўйнаб-ўйнаб куйлаймиз.
Пахтазорлар қўйнида
Меҳнат қилиб тўймаймиз.

Пахта терсанг тоза тер,
Чаногида қолмасин.
Уни кўрган пахтакор
Кўнгли доғда қолмасин.

Ҳамма чиқсин далага,
Дала тўлсин ялгага.
Бир киши ҳам қолмасин
Ўзин олиб панага.

Пахтакорлар соғ бўлсин,
Дойм кўнгли чоғ бўлсин.
Терим пайти меҳнатда
Шону шуҳратга тўлсин.

Ерим моҳир механик,
Ҳунари бор ҳар турлик.
Машинанинг рулида
Яна бўлади кўҳлик.

Теримчилар майдонда,
Жавлон урар ҳар ёнда.

**Ҳамма бахтли, шод-қувноқ,
Бизнинг озод Ватанда.**

**Оқ олтиннинг толаси —
Гулбогимнинг лоласи.
Мунча ҳам чевар экан
Колхознинг қиз боласи.**

**Пахта тердим саралаб,
Эгатларни оралаб.
Бир қизни кўриб қолдим,
Кетди қалбга ўт қалаб.**

**Меҳнат қилинг, эй шоввоз!
Унуми ҳам бўлсин соз.
Мўл ҳосил деб курашдик,
Тинмай баҳор, куз, қиш, ёз.**

**Боғда булбул навоси,
Ором берар садоси.
Ёргинамнинг боқиши —
Ишқ дардининг давоси.**

**Терим мадҳин куйлайман,
Куйлаб сира тўймайман.
Кечалар юлдуз санаб,
Севган ёрим ўйлайман.**

**Ватанимиз гулистон,
Обод, яшнаган бўстон.
Акмал юртин сўрсангиз,—
Пахтакор Ўзбекистон.**

Ассалом, шонларга тўлган эй баҳодир пахтакор,
Довруғиғиғ оламга машҳур, сен чаманда бахтиёр,
Меҳнатияғдан қақраган чўлларга келди гул баҳор,
Сенга олқиш, сенга ҳурмат, сенга ялла, ёру ёр.

Мунча кўркам, мунча обод ям-яшил қишлоқларияғ,
Олмаю анжир, анор, гулларга тўлган боғларияғ,
Нефть, кўмир, олтинга кондир қад кўтарган тоғларияғ,
Сен билан бардам ҳамиша дўсти ёр, ўртоқларияғ.

Коммунистия партиа бизларга ғамхўр, меҳрибон,
Шонли йўлга бошлагувчи мард етакчи, жонажон,
Минг яша, эй пахтакор, сенсан ҳақиқий қахрамон,
Коммунизм шуъласидан порласи буткул жаҳон.

СУВЧИЛАРГА

(Терма)

Кўм-кўк қатор ғўзамиз,
Ғўза — олтин кўзамиз,
Сувчиларнинг меҳнатин
Зарҳал билан ёзамиз.

Сувчилар доим бедор,
Ҳосил ишқида ёнар,
Кечалари юлдуздек,
Қўлида чақнар фонар.

Жилдир-жилдир сув оқар,
Ғўзамиз кўкка боқар.
Колхозимиз сувчиси
Кўнглимизга кўп ёқар.

Пахта — бахт, иқболимиз,
Юракдаги боримиз.
Бизнинг уста сувчилар
Севикли ҳамкоримиз.

Сувчидир севган ёрим,
Қатъий берган қарорим.
Аҳдимдан ҳеч қайтмайман,
Гувоҳдир номус-орим.

Ер — коп бўлса, сув — гавҳар,
Меҳнатнинг таги зафар.

Бизнинг колхоз сувчиси
Раҳмат олар ҳар сафар.

Ҳосил тақдирини сувда,
Ҳалол меҳнат, уқувда.
Колхозимиз сувчиси
Ишига моҳир жуда.

Ким билса сувчи қадрин,
Пахтакор дейди аслин,
Кузда хирмон кўтарар,
Оппоқ олтин тоғ, заррин.

Акмал куйлар сувчини,
Туганмас зўр кучини.
Эл олдида доимо
Бажарар ўз бурчинин.

БИЗНИКИ¹

Қайғумиз йўқ, дўстлар, бу боғу роғлар бизники,
Еқуту зумрадга тўлган зарли тоғлар бизники,
Бахтимизга доимо, эй ишчи-деҳқонлар яшанг,
Ҳамма шод, дилларда кулгу, завқли чоғлар бизники.

Пахтага бел боғладик, бу пахта дилда ўтимиз,
Пахта бирлан мавж урар яшнаб, чароғон юртимиз,
Пахта деб куйланг ҳамиша, нахтакор ўртоқлар,
Мангу озод, ҳур ҳаёт, машғал, чироглар бизники.

Халқимизнинг бошидан кетди мусибат, кулфати,
Жабҳа бўйлаб от қулоч, эй большевиклик суръати,
Бор экан бундоғ иноят халқимизга, дўстлар,
Акмал айтар:— Кенг жамият, завқли чоғлар бизники.

¹ Бу қўшиқ 1930 йилда ёзилиб, ўша пайтда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Али гармончи Хўжаев томонида биринчи марта радио орқали ижро этилган.

ТЕРИМЧИЛАР ТЕРМАСИ

Чаноқлар хона-хона,
Меҳнат қилинг мардона.
Теримчилар довруғи
Ёйилсин кенг жаҳона.

Машинам бор зангори,
Пахтакорнинг тулпори.
Этаклари пўлатдан,
Доҳқоннинг чин ҳамкори.

Машинамиз бахтимиз,
Терган пахта нақдимиз.
Нур сочар юртимизга
Москва пойтахтимиз.

Пахтамиз бу — оқ олтин,
Дур дерлар асл зотин.
Бахтли халқим кўради
Мўл ҳосилнинг роҳатин.

Яшнади гул элимиз,
Кучга тўлди белимиз.
Беш миллион хирмон уйсам,
Завқда тўлар дилимиз.

Тўй устига тўй бўлсин,
Юртимиз гулга тўлсин.

**Бизга душман бўлганлар,
Чидолмай куйиб ўлсин.**

**Олтин қўлли нахтакор,
Бергин, қанча нахтаги бор.
Акмал тишмай куйлайди,
Сени қиш ҳам ёз, баҳор.**

Ҳосил тўла далаларни, тўйиб, қаранглар,
Шўх, ўйноқи, завқли куйлар тинмай жараишлар.
Дилга ором берар ҳар дам сахий қишлоғинг,
Мангу яша, ҳеч ўчмасин машғал, чирогинг.

Яшил қишлоқ чиройидир кумуш пахтазор,
Атрофида зеби зийнат олма, узумзор.
Каналларда зилол сувлар чайқалиб ўйнар,
Қиз-йигитлар меҳнат завқин юракдан куйлар.

Партиямиз халқ ғамжўри, қадрдонимиз,
Ҳаёт эркин, меҳнат озод, хуш давронимиз.
Акмал айтар:— Ғалабалар бўлсин пойидор,
Партиядан совет халқи доим миннатдор.

ПАХТАЗОРИМГА КЕЛИНГ

Опоқ олтинлар кони,
Мардларнинг чин макони,
Ҷайнаб турар пок қони,
Пахтазоримга келинг.

Аҳдида маҳкам турган,
Меҳнат завқини сурган,
Рулни зафарга бурган,
Пахтазоримга келинг.

Бўлай десакиз илгор,
Қалбингизда гул баҳор,
Ҳар дам сизга интизор,
Пахтазоримга келинг.

Машинага катта йўл,
Кўкка етар кучли қўл,
Ҳосил бўлар яна мўл,
Пахтазоримга келинг.

Ишқи вафо ҳам шунда,
Меҳнат, ором ҳам шунда,
Ҳасорат, илҳом шунда,
Пахтазоримга келинг.

Акмалнинг севган жойи
Элга машҳур чиройи,
Шўх оқар капал, сойи,
Пахтазоримга келинг.

ПАХТАКОР ЎРТОҚ

Жасорат, қудратинг зўр, ишда ғолиб пахтакор ўртоқ,
Яратдинг бодийларда янги гулшан, ям-яшил қишлоқ.

Оға рус, мард қозоқдек доврўгинг оламга дostonдир,
Қадимий қақраган чўллар бугун боғу гулистондир.

Кумуш пахтаг билан доим қуёпли ўлкамиз обод,
Советлар юртида халқлар ҳамияша бахтли, хуррам-под.

Ҳақиқий қаҳрамондирсан зафарлар бўлди йўлдошинг,
Гўзал, шонли Ватанда барча миллат жон-қардонинг.

Қўш орден нур сочар кўксингда порлаб, Ўзбекистоним —
Гурурим, ифтихорим, яшна обод, ҳур гулистоним.

Шарафли партия бизларга рақбар, жонажон устоз,
Ҳаёт ширин, фаровон, Акмал айтар, яхши, кўркем, соз.

ТУРСУНОЙ

Қаҳрамон қиз Турсуной,
Кўнда жило берган ой,
Улуғ ишларинг билан
Юртимга қўшдинг чирой.

Машинада шўх парвоз,
Жаранглайди хуш овоз.
Қалбим буюрганидай
Таърифингни қилсам оз.

Шонли ишни бошладинг,
Кўпайди издошларинг.
Олтин тоғлар яратди
Турсунойчи ёшларинг.

Замон-замон сеники,
Даври давраи сеники.
Мардлар Ўзбекистони,—
Олтин макон сеники.

Ленин орденли қизим,
Дейди Акмал, юлдузим.
Буюк ҳиссанг қўшавер,
Яшнасин коммунизм.

КОЛХОЗИМИЗ БОГИДА

Колхозимиз богида,
Яйрайман қучоғида.
Булбул жўшиб сайрайди,
Ҳар куни тоғ чоғида.

Боққа эдик турфа гул,
Яшнади лола, сунбул.
Олма, узум, шафтоли,
Ширин-шакар ҳосил мўл.

Уста боғбондир отам,
Меҳнатсевар жуда ҳам.
Боғдан сира чиқмайди,
Ўзи сахий ва ҳотам.

Меҳнат билан боғ обод,
Мевасидан эллар шод.
Боғ кўпайсин юртимда,
Ўнутмасин ҳур авлод.

ПАХТАКОРНИНГ ҚИЗИМАН

Дадам уста пахтакор,
Меҳнатда бардам, илгор,
Мўл ҳосилли, байроқдор
Пахтакорнинг қизиман.

План тўлар ҳар йили,
Оқ олтин жонни дили,
Олқишлар Совет эли,
Пахтакорнинг қизиман.

Пахтамиз зумрад, кумуш,
Яшнамоқда ҳур турмуш,
Машинада ҳамма иш,
Пахтакорнинг қизиман.

Ҳурмат топган меҳнатда,
Мақтанмайди улфатда.
Шунинг учун иззатда,
Пахтакорнинг қизиман.

РАСУЛ ҲАЙДАРОВ ҲАҚИДА ҚУШИҚ

Дилларни яшнатур Ҳайдаров шони,
Жиззахнинг қалби ўт марди майдони.

Аҳдида барқарор, забардаст деҳқон,
Меҳнатда чарчамас асл паҳлавон.

Қутлади Расулни партия устоз,
Юксак марраларга қилгин деб парвоз.

Тарихий мактубдан ўлкам шод-хуррам,
Бўлингиз Расулдай меҳнатда шаҳдам.

Акмал қўшиқ куйлар зафардан ҳар чоқ,
Дўстларга юракдан очади қучоқ.

Дилларни яшнатур Ҳайдаров шони,
Жиззахнинг қалби ўт, марди-майдони.

ТОЖИХОН

Пахтакор қиз Тожихон,
Тоza қалби кенг жаҳон.
Айтгин, мунча чеварсан,
Чўл қувишни севарсан.
Ухшайсан тўлин ойга,
Шарқираб оққан сойга.

Тожихон, Тожихон, Тожихон,
Меҳнатинг элга дoston.
Сенга шон, сенга шон, сенга шон,
Яшнагин, бўлгин омон!

Чўл юлдузи сен ўзинг,
Ширин-шарбат бол сўзинг.
Механизатор номинг бор,
Ўзинг асил гул баҳор.
Обод Жиззахдир боғинг,
Ҳеч ўчмасин чяроғинг.

Тожихон, Тожихон, Тожихон,
Меҳнатинг элга дoston.
Сенга шон, сенга шон, сенга шон,
Яшнагин, бўлгин омон!

Бахтиёрсан умрбод,
Ғамни билмас, мангу шод.

Пур сочади нишонинг,
Зарра йўқдир армонинг,
Акмал дейди, бўл омон,
Сенга шараф, сенга шон!

Тожихон, Тожихон, Тожихон,
Меҳнатинг элга дoston.
Сенга шон, сенга шон, сенга шон,
Яшнагин, бўлгин омон!

ИНОБАТ

Бахтли замон, шўх замон
Зафарларга чорлайди.
Илгор қизлар юлдуздай
Юрт кўкида порлайди.

Пахтакор қиз Инобат,
Бахтиёр қиз Инобат,
Чўлда олтин ундирган,
Эй, донгдор қиз Инобат.

Тонна-тонна ҳосилинг,
Мунча ишга чеварсан?
Элга қувонч бахш этиб,
Чўл қувишни севарсан?
Ҳаво ранг пўлат отинг,
Сира толмас қанотинг.
Чўлни чаманга буркаш
Асл мақсад-муродинг.

Шухратингни мадҳ этай,
Унди гуллар йўлингда.
Чўл олибди андоза
Сенинг чевар қўлингдан.

Пахтакор қиз Инобат,
Ҳур, донгдор қиз Инобат.
Чўлда олтин ундирган
Бахтиёр қиз Инобат.

Ошпоқ саҳар чоғида,
Пахтазор қучоғида,
Гул юзли қизни кўрдим,
Нур ўйнар ёноғида.

Чевар механик ўзи,
Қалбида тоза сўзи,
Машинага суворий,
Олмадай лўппи юзи.

Номи экан Ойшаҳон,
Пахта берар бир жаҳон,
Кўксига «Олтин Юлдуз»,
Қаҳрамон-да, қаҳрамон.

Пахта унди тоғ-тоғ,
Теварағи — чаман-боғ.
Озод Ватан эркалар,
Меҳнатидан кўнгли чоғ.

Ошпоқ саҳар чоғида,
Пахтазор қучоғида,
Гул юзли қизни кўрдим,
Нур ўйнар ёноғида.

ОППОГОЙ

Севикли Оппогой, чўл пахтакори,
Майдонда қучганинг доим шараф-шон,
Чаманлар юлдузи, эл фидокори,
Меҳнатинг яқуни улугвор карвон.

Аҳдингда маҳкамсан — ҳақиқий
Ҳар тола пахтагда Ватан қудрати,
Ўзингсан чарчамас асл қаҳрамон,
Қалбингда қайнайди юрт муҳаббати.

Нақадар гўзалдир яшил пахтазор,
Ҳосилинг албатта мўлу кўл бўлгай,
Пахта деб тунлари ўтасан бедор,
Ўйлаган планинг шон билан тўлгай.

Ҳар дамда юракдан куйлайди Акмал,
Кўнглида ҳамиша деҳқон зафари,
Пахтакор меҳнати энг яхши газал,
Туганмас сизларга севги дафтари.

Севимли Оппогой чўл пахтакори,
Майдонда қучганинг доим шараф-шон.
Чаманлар юлдузи, эл фидокори,
Меҳнатинг яқуни улугвор карвон.

ҲИММАТ БИЛАН

«Яхши ният билан кўчат эк».
(Халқ мақоли)

Гул диёрни яна гулга ўраймиз,
Ипроқларини меҳр билан тараймиш.
Тоғу тошда қанот ёсин гулбоғлар,
Гуркираб яшнасин адир, қишлоқлар.
Кўчат экинги, яхши ният ёр бўлсин,
Юртимиз боғу роғ, мевага тўлсин.
Уртага тушмасин зинҳор ваъдабоз,
Охирда фош қилар уни тош-тароз.
Қаровсиз қолмасин борлари зинҳор,
Бехато кўкарсин айни навбаҳор.
Кўчатга ўралсин қир-адир, сойлар,
Гул билан безалсин бўш турган жойлар.
Булоқларнинг яна очинг кўзини,
Мардлар адо этар айтган сўзини.
Элимда кўпайса ям-лиш бойлик,
Юртимиз янада бўлар чиройлик.
Ҳушёр бўлинг ялқовларга, ўртоқлар,
Бекорга сўлмасин мўрғак япроқлар.
Гулласин саҳрода янги гулбоғлар.
Гул диёрни яна гулга ўрайлик.
Япроқларини меҳр билан тарайлик.
Уртага тушмасин зинҳор ваъдабоз,
Охирда фош қилар уни тош-тароз.
Яхши ният билан экайлик кўчат,
Бекорга ўтмасин ганимат фурсат!

Турмушим доим гўзал бўлсин десанг,
Гул диёр дон — галлага тўлсин десанг,
Халқларим хушнуд яна кулсин десанг,
Ҳеч унутма, нонни исроф этмагил.

Бурда нонга оталар зор бўлганин,
Бой қўлида багри қонга тўлганин,
Минг азоб, жабру жафолар кўрганни
Ҳеч унутма, нонни исроф этмагил.

Нон билан бахтли ҳаётнинг зийнати,
Қаҳрамонлик галлакорнинг меҳнати,
Кўп огир нон топкиларнинг кулфати,
Ҳеч унутма, нонни исроф этмагил.

Нон азиз инсон учун, қилма увол,
Ким увол қилса уни, кўргай завол.
Нон учун сен доимо ишла ҳалол,
Ҳеч унутма, нонни исроф этмагил.

Ҳамма бахтли, шод, фаровон нон билан,
Тўй-томошо, юрт чарогон нон билан,
Ҳамма дўст, қардош-қадрдон нон билан,
Ҳеч унутма, нонни исроф этмагил.

Ташлама ҳеч нон ушогин; кўзга сурт,
Раҳмат айтгай шунда сенга злу юрт,
Акмалнинг айтганларин сен эсда тут,
Ҳеч унутма, нонни исроф этмагил.

Меҳнат аҳли қилди обод Фарҳод даштини гул боғлар,
Гулистон бўлди саҳролар, учолмас энди ҳеч аоғлар,
Чидолмай душманним, фарёд уриб кўксини минг доғлар,
Суриг меҳнат сурурин чарчамасдан, дўстлар, ўртоғлар.

Забардаст халқ музаффардир, ҳамиша кулди давроним,
Куйиб кул бўлди душман, биз яшармиз, йўқдир армоним,
У чўллар энди бўстондир, қувонди, кулди меҳмоним,
Суриг меҳнат сурурин чарчамасдан, дўстлар, ўртоғлар.

Юриг, колхозчи дўстлар, сувга сероб пахтазор бўлсин,
Бу кенг водий ҳамиша ишнасин, гул-лолазор бўлсин,
Эзилсин душманним, ўз қилмишидан шармисор бўлсин,
Суриг меҳнат сурурин чарчамасдан, дўстлар, ўртоғлар.

Ватан гулзорида ҳар бир йигит, қиз мисли булбулдир,
Очилган пахтазорим, шоналар кулган атиргулдир,
Бил, Акмал, доим нози неъмат лаззати мўлдир,
Суриг меҳнат сурурин чарчамасдан, дўстлар, ўртоғлар.

Қўли гуллар зар қилади тупроқни,
Подон сира кўролмайдн узоқни.

Насиҳат тингласанг ақлингни пешлаб,
Қолмайсан ҳеч қачон тилингни тишлаб.

Дўст бўлсанг, ҳақиқий дўст бўл юракдан,
Нур ёғар бошинга юртдан, элатдан.

Меҳнат севган ҳаётида хор бўлмас,
Бутун умри ҳеч нарсага зор бўлмас.

Ёмон юрма зинҳор, ўзинга зарар,
Ёмондан ҳамиша сен қилгин ҳазар.

Човут солар ҳасадгўй ошинг егач,
Ҳасадгўй мунофиқ, очкўз ва жирканч.

ЖИГАРБАНДИМ

Акам-укам, жигарбандим,
Фурурим, дилга пайвандим,
Опа-сингил — шакар-қандим,
Ҳамиша соғ бўлинг, дейман.

Жигар бирлаи юраклар тоғ,
Жигар бирлаи кўнгил ҳам бог,
Омон бўлсин жигар ҳар чоғ,
Яшаб даврон суринг, дейман.

Жигар қадрин жигар билсин,
Рақиблар багрини тилсин.
Ота-она сўзини қилсин,
Мудом ўйнаб-қулинг, дейман.

Улуғ даврон — шу давронда,
Ленин берган соз замонда,
Жигар меҳри тану жонда,
Буни доим билинг, дейман.

Жигар меҳрин хислати бор,
Ўнутмангиз буни эпиҳор,
Акмал сўзини деманг бскор,
Шов-шуҳратга тўлинг, дейман.

Жонингизга жон бўлай, жонимга дармоним отам,
 Камтарин, пири бадавлат, шавкатим-шоним отам.
 Гул ҳаётим кўрки, ёрқин даври давроним отам,
 Давлатим, покпза виждон, уста боғбоним отам,
 Сиз билан йўқ заррача кўксимда армоним отам.

Меҳрибон, меҳригёйдир ўз ширин фарзандига,
 Ул ишонган боги роғи, севгани, дилбандига.
 Чашмадек меҳри туганмас ҳеч жигар пайвандига,
 Гул ҳаётим кўрки, ёрқин даври давроним отам,
 Сиз билан йўқ заррача кўксимда армоним отам.

Арзигаъи жондан тавоф этсам отам кўз, қошини,
 Бор вужудим ўртанур тўкса мурувват ёшини,
 Доимо меҳнат билан кўкка кўтаргум бошини,
 Камтарин, пири бадавлат, шавкатим-шоним отам,
 Сиз билан йўқ заррача кўксимда армоним отам.

Боадаб, ақли расо фарзанд отанинг жонидур,
 Парпираб ёнган чирогин, танда тоза қонидур.
 Гул ҳаётнинг кўрки, ёрқин довуғи, давронидур,
 Акмал ўғлинг жон бўлай дер, жонга дармоним отам,
 Сиз билан йўқ заррача кўксимда армоним отам.

**Фан боғининг боғбонисан, муаллим,
Миллион диллар дostonисан, муаллим.**

**Сен ўқитдинг маърифатдан зар китоб,
Бир китобки, нур сочишда офтоб.**

**Хазинасан, қалбинг меҳр дарёси,
Унда порлар улуг Ленин зиёси.**

**Дўстлик, мардлик, садоқатдан дарс бердинг,
Кураш, идрок, фаросатдан дарс бердинг.**

**Бутун умринг, жонинг фидо фарзандга,
Етаклайсан доим олий мақсадга.**

**Бахту иқбол доим сенга ёр бўлсин,
Ватанимиз шону шуҳратга тўлсин.**

**Сен лойиқсан диёрингда ҳурматга,
Азизсан, отасан Акмал Пўлатга.**

**Фан боғининг боғбонисан, муаллим,
Миллион йиллар дostonисан, муаллим.**

ЯХШИ НОМ

Яхшилардан қолар доим яхши ном,
Яхшиларнинг номи дилларда мудом,
Яхшиларга ҳурмат, олқиш, эҳтиром,
Эл ичида яхши инсон яхшидур.

Яхшилар меҳнатда чўлини бог этар,
Яшнатиб кўнгилни гўё тоғ этар,
Ширин сўзда беморни ҳам соғ этар,
Атрин сочган бог-бўстон яхшидур.

Яхши билан юриб топдим бахт, иқбол,
Юракдан ишладим халқимга ҳалол,
Бизга ҳамдам доим порлоқ истиқбол,
Она юртим, ҳур гулистон яхшидур.

Яхшиларнинг яхши номи китобда,
Китоб эмас нур сочади офтобда,
Акмал куйлар яхшиларни ҳар бобда,
Яхши билан ҳар дам, ҳар он яхшидур.

ОЙБЎСТОН

Комсомол қиз Ойбўстон,
Номинг оламга дoston.
Мирзачўлда яратдинг
Обод, янги гулистон.

Меҳрим тушди ўзингга,
Доно, ширин сўзингга.
Боқсам, қалбим қувонар
Ойдек кулган юзингга.

Чаман боғнинг гулисан,
Элнинг жони дилисан.
Чўлда баҳор яратган
Миллионларнинг бирисан.

Ўзинг дилбар, жонона,
Жонлар сенга парвона.
Озод, гўзал барио қиз,
Чўлни енгдинг мардона.

Комсомол қиз Ойбўстон,
Номинг оламга дoston.
Саҳроларда яратдинг
Янги, обод гулистон.

**Қорли тоғлар эриб оқса, тошқин дерлар,
Зўр меҳнатда синалади ботир эрлар.
Комсомол қиз-йигитларга дунё қойил,
Шулар ўзи чўлни қувган асл шерлар.**

**Шерлар деймиз чўлни бўстон қилганларни.
Канал очиб, ер бағрини тилганларни.
Шонли Ватан олқишлайди қулоч очиб,
Эл олдида ўз бурчини билганларни.**

**Ватанига чин содиқдир бизнинг ёшлар,
Бир-бирига ака-ука, дўст-қардошлар.
Акмал дейди, партиямиз омон бўлсин,
Зафарлардан зафарларга бизни бошлар.**

ЙИГИТЛАР

Ғайратга, кучга тўлган
Марди майдон йигитлар.
Саодатли Ватанга
Багри қалқон йигитлар.

Пахтазорлар кўркисиз,
Фахримизсиз, йигитлар.
Севинчга, завққа тўлган
Бахтимизсиз, йигитлар.

Лобар қизлар севгиси
Сизга аён, йигитлар.
Сафда содиқ ва йўлдош
Бир тану жон, йигитлар.

Ҳорманг, янги ер очган
Мардонавор йигитлар.
Чўлда баҳор яратган,
Қалби баҳор йигитлар.

Чаман бўлган чўлларда
Тўй қилайлик, йигитлар.
Нурга тўлган, фаровон —
Уй қилайлик, йигитлар.

Меҳнатда донг таратган
Мардона, шўх йигитлар.
Ишда ўзган қизларга
Парвона шўх йигитлар.

Мард агар мақтаиса, асло мард деманг,
Кўнглини очмас экан, ҳамдард деманг.
Мардлик меҳнатда машҳур бўлмаса,
Мард дилларга ҳеч найванд деманг!

Мардларим эзгу элимга ифтикор,
Мардда доим камтаринлик барқарор.
Улкамиз шон-шухрати мардлар билан,
Шерюрак, мардларга севган халқи ёр.

Мардларим номи кезар осмонда ҳам,
Шухрати машҳур қўшиқ, дostonда ҳам,
Мардларимнинг фикри ёди яхшилик,
Яхшиликдир яшнаган бўстонда ҳам.

Бахтимизга мардларим бўлсин омон,
Мардларимга офарин дер кенг жаҳон.
Акмало, олқишла тинмай мардларинг,
Мардларинг номин кўтар кўкка чунон.

Мард агар мақтанса, асло мард деманг,
Кўнглини очмас экан, ҳамдард деманг.

ЁШ ИШЧИ ҚИЗЛАР

Дилрабо, дилкаш, гўзал ой қизлар,
Ақл-идрокка чексиз бой қизлар.
Меҳнатда жўшқин гўё сой қизлар,
Доим бор бўлинг, ёш ишчи қизлар.

Чин бахтиёрсиз озод Ватанда,
Меҳрингиз доим жон ила танда.
Сизга нузли йўл обод чаманда,
Завқларга тўлинг, ёш ишчи қизлар.

Бири наққоша, бири бинокор,
Бири механик, бири дурадгор.
Қалбида мангу яшар гулбаҳор,
Шўх ўйнаб-қулинг, ёш ишчи қизлар.

Безакдир сизга ҳисобсиз ҳунар,
Халқда мақол-ку, ҳунардан унар.
Элда ҳунарнинг қиймати ҳам зар,
Давронлар суринг, ёш ишчи қизлар.

Бахт-иқбол, зафар бари ҳунарда,
Шарафли байроқ миллион қўлларда.
Акмал куйлайди боғу чўлларда,
Қандингиз уринг, ёш ишчи қизлар.

ЎЗБЕКИСТОН ДАРЭСИ

Зар кокилдек терилган,
Мағрур оқиб, керилган,
Халқ ишига берилган
Ўзбекистон дарёси.

Норин, Қорадарёси,
Кўзни олар жилоси,
Суви шарбат сараси,
Ўзбекистон дарёси.

Оқдарё ҳам Зарафшон,
Мардликдан матта нишон.
Ҳамма иши саранжом,
Ўзбекистон дарёси.

Жайхун эди Сирдарё,
Жиллов бермасди гўё,
Ҳар томчиси гул, зиё,
Ўзбекистон дарёси.

Уйнаб оқар шўх Аму,
Тошқин суви кўп маъмур,
Егдирмоқда чексиз нур,
Ўзбекистон дарёси.

Қанду поввот экап луччак шафтоли,
Маргилон ҳуснига луччаги холи.
Дардларга шифодир ширин-шарбати,
Мевалар ичида асалу боли.

Таърифин юракдан айтмасам бўлмас,
Шухратин оламга ёймасам бўлмас.
Ҳеч жойда кўрмадим бундай шафтоли,
Шарбатинг шимириб қонмасам бўлмас!

Гул десам, гул эмас, қип-қизил лола,
Ҳар бири қирмизи — митти пиёла.
Қизлардек бол томади лабидан,
Чол еса йигиту, кампир — қиз бола.

Қуёшда товланар ҳар бир донаси,
Завқларга тўладир бахтли хонаси.
Ҳавас қилар бу шаҳарни кўрганда,
Акмал доим Маргилон парвопаси.

Номинг маккажўхори,
Ҳосилинг соз, юқори.
Кўп сахийсан, тантисан,
Чорвамизга тансиқсан.
Бир пояда ўрнинг бор,
Етти қават тўнинг бор.
Донларинг гўё садаф,
Ҳар бири келтирар наф.
Гоҳида сарабдроқ,
Болаларнинг кайфи чоғ.
Гўшт, жун, суту қуймоқсан,
Ёгу қатиқ, қаймоқсан.
Сени севиб нечалар,
Эъзозлар кун, нечалар.
Жўхорикор ой қизлар
Сендан мўл ҳосил кўзлар.
Қаҳрамон сен туфайли
Элга машҳур Любовь
Кўк пояси тоғ бўлди,
Донига омбор тўлди.
Ўстирди шогирд моҳир,
Қанчалаб Қумри, Тоҳир.
Шундай чиройли макка,
Колхозга бойлик макка.
Ким уни қилса ҳурмат,
Элда топар зўр иззат.

Сероб бўлса силоси,
Яйраб ўсар чорваси.
Ғарчча мойдир чўмичи,
Бу мақтовнинг бир учи.
Номинг маккажўхори,
Ҳосилнинг соз, юқори.
Далада маликасан,
Ҳаммамизга эркасан.

НУРЧИЛАР

Ойдек равшан йўлингиз,
Нур яратар қўлингиз,
Гавҳар айтган сўзингиз,
Бахти боққан нурчилар.

Номингиз ер, осмонда,
Шухратингиз дostonда,
Яшанг чаман, бўстонда,
Ишда чаққон нурчилар.

Олмос, ёқут, нурмисиз,
Ё нурли юлдузмисиз,
Олтин, садаф, дурмисиз,
Элга ёққан нурчилар.

Фарҳод ГЭСларин қурган,
Меҳнат кайфини сурган,
Ҳамиша олга юрган,
Дарё тўсган нурчилар.

Сиз ҳақиқий қаҳрамон,
Қойил сизга кенг жаҳон.
Раҳмат дейди ҳур замон,
Орден таққан нурчилар.

Ленин айтгани бўлди,
Гул диёр нурга тўлди,
Ғанимлар куйиб ўлди,
Элга ёққан нурчилар.

ТОШКЕНТИМ МЕТРОСИДА

Шаҳримга кўрку чирой,
Турфа мрамар, ажиб жой,
Нур сочади юлдуз, ой
Тошкентим метросида.

Табаррук, зар тупроғи,
Дўстга очиқ қучоғи,
Яқин бўлди йироғи,
Тошкентим метросида.

Москвадан куч олур,
Оламга доврўқ солур,
Эл Зафар маршин чалур
Тошкентим метросида.

Ер остида кошона,
Осиёда ягона,
Ундан ёруғ пешона,
Тошкентим метросида.

Бағри гўё кеш жаҳон,
Олтин тўйға армуғон.
Акмал дейди, эл шодон
Тошкентим метросида.

ШОФЁРЛАР

Эрта саҳарда турган,
Мардонавор йўл юрган,
Еринг танобин бурган
Марди майдон шофёрлар.

Меҳнатидан кўнгли чоғ,
Писанд эмас саҳро, тоғ,
Қалбидек порлар чироғ,
Шоду хандон шофёрлар.

Юртда қанча зўр иш бор,
Ёзу қиш ҳам куз, баҳор.
Ҳаммасида ул тайёр,
Донги дoston шофёрлар.

Ёвга қарши жангларда,
Ўт-ололда, чангларда
Юракка берди далда,
Кўкси қалқон шофёрлар.

Гўзал шаҳримиз кўрки,
Юзида доим кулги,
Бебаҳо ортган юки,
Чин паҳлавон шофёрлар.

Билмайди қайғу-алам,
Севгани Зебо, Санам,
Тебратар Акмал қалам,
Бахти боққан шофёрлар.

МИЛИЦИЯМ

Совет милициясининг 50 йиллигига

Ҳушёр, тетик, посибон,
Элу юртга меҳрибон,
Ишлайди дадил, чаққон,
Мардонавор милициям.

Ленин қўйган унга ном,
Сақлар қатъий интизом,
У билан тинчлик — ором,
Элга ёқар милициям.

Чин баҳодир, шер ўзи,
Ўткир кўради кўзи,
Халқига ёруғ юзи,
Дадил боқар милициям.

Тоғни қилади талқон,
Ватанга кўкси қалқон,
Қайнаб турган зўр вулқон,
Асил шунқор милициям.

Сени севар улуғ халқ,
Шон-шухратга тўлиқ халқ,
Бағри бутуш, бўлиқ халқ,
Постда ҳушёр милициям.

Кечаю кундуз уйгоқ,
Чарчашни билмас бироқ,
Уидан элиниг кўнгли чоғ,
Доим тайёр милициям.

Жанговардир хизматда,
Яшар доим иззатда,
Доим иззат-хурматда,
Мард, бахтиёр милициям.

Ўғри, муттаҳам, суллоҳ,
Порахўр, очкўз, аблаҳ,
Ҳеч олгир топмас паноҳ,
Чин фидокор милициям.

Элликка кирди ёши,
Кўя мисол бардоши,
Доим зафар йўлдоши,
Бу — ордендор милициям.

Ҳушёр, тетик, посбон,
Эл-юртига меҳрибон,
Акмал дер дадил, чаққоп,
Мардонавор милициям.

КЕЛДИЛАР

Севганим, фасли баҳорим, лозагорим келдилар,
Ҳам кўнгил мулкида бўлган гулбаҳорим келдилар,
Халқ ишига доимо содиқ, баҳодир — қаҳрамон,
Чўлни бўстон айлаган мард пахтакорим келдилар.
Белни боглаб қанча-қанча дўсту ёрим келдилар,
Ўзбекистон ҳуснига кўркам баҳорим келдилар.

Пахтакорим келдилар, эй янги ер қўйинингни оч,
Гулга чулғансин бу водий, янги ГЭС, нурингни соч,
Бир умрли бедаво дардинга биз топдик илож,
Энди дерсан, қиш кетиб, ёзим-баҳорим келдилар,
Шаҳди шарбатга тўла олма, анорим келдилар,
Ўзбекистон ҳуснига кўркам баҳорим келдилар.

Унмагай кўксингда энди тобад лянтоғлар,
Ташналикда бўлмагай бағрингда шўрлар, доғлар,
Энди кўксингда мунаввардир гўзал гулбоғлар.
Акмалинг шоддир, яна мард пахтакорим келдилар,
Ўзбекистон ҳуснига кўркам баҳорим келдилар.

Чўллар қувиб эл кўнглини чоғ этган,
Янгиерда янги чаман, бог этган,
Оқ олтиндан осмонўпар тоғ этган,
Мардлар қабул этинг қалб саломимни!

Қаҳармонсиз, ушбу хислат сизга таи,
Шухратингиз ардоқлайди гул Ватан.
Мадҳингизни қанча ёзсам оз экан,
Илҳом жўшар тўлдириб дил жомимни.

Қанча дарё жиловланди қўлларда,
Канал тўлиб сувлар оқди чўлларда,
Гуллар унди сизлар ўтган йўлларда,
Унда бугун тойдим дил оромимни.

Бировингиз гўё Ширин, дилбарсиз,
Бировингиз Фарҳод сифат сарварсиз,
Наққош бўлиб Мирзачўлни безарсиз,
Сиз бўлдингиз қайнатган илҳомимни.

Таҳсин сизга, эй чўлқувар полвонлар,
Мард йигитлар, эрка қизлар, жононлар,
Акмалинг дер, келди даври-давронлар,
Сизга бағишладим бу каломимни!

ҚУТЛУҒ БЎЛСИН

Сирдарёнинг соҳилида уйларингиз,
Мунча ширин, мунча қувноқ куйларингиз!
Табриклаймиз, чўлқуварлар, дилдан сизни,
Қутлуғ бўлсин шоднаёна тўйларингиз!

Янги чаман-боғ яратдик Мирзачўлда,
Гуллар унди мардлар босган ёруғ йўлда.
Бахтимизга омон бўлинг йигит-қизлар,
Саҳро таслим, яна яшнар кучли қўлда.

Тўлқин уриб оқар доим жўшқин дарё,
Дарё эмас, бағри тўла меҳригиё,
Туганмасдир унда ғалла, олтин қони,
Сенга менинг муҳаббатим дунё-дунё.

Севганимнинг чин боиси сенга аён,
Даркор эмас бунга сира узоқ баён.
Юрак қўрим билан сенга бердим зийнат,
Ой жамолинг кўриб энди Акмал шодон.

Янги еғлар очди халқ, унди чаман бог устида,
Саф чекиб ўсди дарахтлар қанча ирмоқ устида.
Яшнади кенг пахтазорлар, ҳосили сероб бўлиб,
Қақраган чўллари ювдик, қолмади доғ устида.

Мирзачўлни чўл деманглар, ям-яшилдир ҳамма ёқ,
Яшнаган Фаргонадек бағрида машъал минг чирог.
Элу юрт обод ишайди партия меҳри билан,
Мўлчиликдан бор нишон ҳар битта япроқ устида.

Сир, Аму, Норин, Зарафшон дашту чўлга берди қон,
Коммунизм шуъласидап порласин буткул жаҳон,
Минг яша, эй Москва, бахтим қуёши сен ўзинг,
Порлагай нуринг яна кўп янги қишлоқ устида.

Ер юзи қойил ҳаминша мард советлар халқига,
Акмалинг қалбдан деди, раҳмат советлар халқига.
Чўлда бўстонлар яратган пахтакор ўртоқларим,
Ҳосилингдан бор нишон ҳар битта япроқ устида.

Бир вақтлар қақраган чўл,
Сувга ташна саҳро нуқул,
Ой юзлари шўрхок буткул,
Қаранг, дўстлар, гулзор энди!

Умр бўйи чеккан фарёд,
Афсонага бой Бекобод.
Шунда манзил қурган Фарҳод,
Нурга тўла боғзор энди.

Бўстон бўлди Мирзачўли,
Олтин экан инсон қўли,
Атир сочар босган йўли,
Йигит-қизи шунқор энди.

Ул Марказий Фарғона қам,
Гўзалликда Боги Эрам.
Ҳузур қилар кезган одам,
Таниб бўлмас зинҳор энди.

Элга машҳур пахтазори,
Ширин-шарбат мевазори,
Бахтли қўшиқ, шўх гулери,
Акмал кўнгли баҳор энди.

Жонажон дўстларга биздан, янги бўстондан салом!
Меҳнати шавкатли қизлар, барча ўғлондан салом!
Мирзачўлдан сизга табриклар, саломлар йўлладик —
Бундай янги шаҳар, янги гулистондан салом!

Мавж уриб қайнар булоқдек меҳнату ижодимиз,
Минг зафар қучган курашда ҳур совет авлодимиз.
Гуллатиб чўлларда доим пахтазору янги боғ,
Барқ уриб кулган чаманларда қадрдондан салом!

Янгради, паршираб ёнди ҳаётнинг машъали,
Яшнагай чўл ўрнида қанча гулистонлар ҳали,
Акмал инг куйлар ҳамиша, Партия йўлбошчимиз,
Халқ учун ҳар ишга тайёр марди майдондан салом!

Қурурмиз зўр каналлар, бахтимиздек ул равон бўлсин.
Бу сув мардоналик донг сочувчи бир нишон бўлсин,
Бу водий сув билан гуллаб, оқ олтинларга кон бўлсин,
Жаҳонда энг улуғ бахтли, совет халқи омон бўлсин.

Бу ерга мард элимнинг тоғ кесар фарҳодлари келган,
Асов дарёни тўсган довурак шерзодлари келган,
Қўёшли Ўзбекистоннинг асл дилшодлари келган,
Қурурмиз зўр каналлар, бахтимиздек ул равон бўлсин.

Тўлиб-тошган билакда куч ва қувват ундирур гуллар,
Чамап, гулзорларимда завқ билан сайрайди булбуллар,
Шу нурли йўлда бизларга ноёндоз лола, сунбуллар,
Қурурмиз зўр каналлар, бахтимиздек ул равон бўлсин.

Зарафшон сувлари чўлларни бўстон қилса арзийди,
Зилол сувлар билан ерни гулистон қилса арзийди,
Акмалинг бу канални элга дoston қилса арзийди,
Юринг, колхозчи дўстлар, кенг адирлар бахтга кон бўлсин,
Фаровон, тинч ҳаёт қурган совет халқи омон бўлсин!

Мирзачўли чўл деманг,
Гулзор-гулистон деб келинг.
Шухрати оламга кетган
Янги бўстон деб келинг.
Қайнаган шарбат булоғу
Шакаристон деб келинг.
Ҳар баҳодир таърифи
Тилларда дoston деб келинг.
Пахтаси оламни тутган
Колхозистон деб келинг!

Довруғи машҳур жаҳонга
Қизлари, ўғлонлари.
Қўли гул, уста миришкор,
Танти, мард деҳқонлари.
Турмуши бахтли, фаровон,
Нашъали ҳар онлари.
Бунда ҳурматда ҳамиша
Дўстлари, меҳмонлари.
Дилга жойлаб меҳрингизни,
Дўст-қадрдон деб келинг!

Қаҳрамон Жавод, Инобат,
Юлдузойлар шундадир.
Файзга ҳам, шодликка ҳам
Севига бойлар шундадир.

**Дейди Акмал, жаннату
Анвойи жойлар шундадир.
Пахтадан бунёд Чотқолу
Олойлар шундадир.
Чўя эмас, тенгсиз хазина,
Пахтаю дон деб желинг!**

МАРКАЗИЙ ФАРҒОНАГА

Эй, азиз дўстлар, келинг, янги, гўзал Фарғонага,
Пахтаси қайнар булоғу толаси дурдонага,
Ҳар йигит арслон мисоли, қизлари мардонага,
Чин баҳодир халқ яратган Марказий Фарғонага.
Дейди Акмал, пахтадан меҳнатда доврўқ, янги шон,
Қолмасин бир зарра ҳам чўлу биёбондан нишон,
Ҳамма озод, ҳамма бахтли, ҳамма тинч, хуррам замон,
Тез келинг, колхозчи дўстлар, Марказий Фарғонага.

ЖИЗЗАХ ЧЎЛЛАРИ

Меҳру ишқим олибди Жиззах чўллари,
Гулистонга туташган нурли йўллари.

Қақир даштда яралур янги гулбоғлар,
Улкамизни ёритгай машъал чироглар.

Биз ўзимиз чўллارни гулзор этгувчи,
Дўстлик билан мақсадга туғал етгувчи.

Кучимизга қойилдир бугун кенг жаҳон,
Жиззах чўли гул очур Мирзачўлсимон.

Олтин сандиқ очилмас меҳнат бўлмаса,
Бахту омад қаёқда ғайрат бўлмаса.

Қўшиқ айтиб борамиз Жиззах чўлига,
Гул тутади саҳролар Акмал қўлига.

Меҳру ишқим олибди Жиззах чўллари,
Гулистонга туташган нурли йўллари.

МИРЗАЧЎЛ ПОЛВОНЛАРИ

(Терма)

**Ќутлуғ бўлсин тўйларингиз,
Завқли, шавқли куйларингиз:
Мунча кўҳли бўйларингиз,
Мирзачўлининг полвонлари.**

**Пахтазордир асрий чўллар,
Ҳаётбахшдир бугун қўллар,
Нур сочмоқда ёруғ йўллар,
Мирзачўлининг полвонлари.**

**Инобат ҳам Саодатой,
Ингитлари шарқироқ сой,
«Оч дала»га берди чирой,
Мирзачўлининг полвонлари.**

**Машинани дулдул дерлар,
Чўл қувади асл шерлар,
Ҳаммангиз ҳам ботир, эрлар,
Мирзачўлининг полвонлари.**

**Дўст, қардошлик паймонимиз,
Зафар тўла қар онимиз,
Мангу тинчлик ширимиз,
Мирзачўлининг полвонлари.**

**Кўкка етар яна хирмон,
Пахтакорлар бўлсин омон,**

**Меҳнатингиз катта дoston,
Мирзачўлнинг полvonлари.**

**Партиямиз мард, жонажон,
Уни деймиз биз ҳар қачон,
Чўл пахтаси нуқра, маржон,
Мирзачўлнинг полvonлари.**

**Қўшиқ ёзар Акмал гўлиб,
Ҳар он сиздан мамнун бўлиб,
Сизни кўрай доим голиб,
Мирзачўлнинг полvonлари.**

ЧЎЛҚУВАР ЙИГИТ

Қўлга олай тагин жаранг торимни,
Тошиб-тошиб куйлай дилда боримни.
Чўлқувар йигитни ардоқлай чунон,
Номини қўймайман тилдан ҳеч қачон.

Дунёда бўлганмас бундай паҳлавон,
Зарбидан тоғни ҳам ағдарган полвон.
Дарёлар тақдири унинг қўлида,
Гул-чечак унмоқда босган йўлида.

Зилоҳ сув оқмоқда янги сойларда,
Шухрати жаранглар юлдуз, ойларда.
Бир томон Мирзачўл, Жиззах ва Қарши,
Тўхтамас дунёда зафарли марши.

Яшнайдн юртимда пахтакор боғлар,
Азамат, мард йигит чўққини чоғлар.
Меҳнат, ижод қайнар улуг Ватанда,
Мардларнинг севгиси жон ила танда.

Акмалнинг қалбида шеърларнинг номи,
Чўлқувар деганда қайнар илҳоми.
Қўлга олай тагин жаранг торимни,
Тошиб-тошиб куйлай дилда боримни.

СИРДАРЕ ҚИЗИ

Дарёларнинг сирин очган Сирдарё қизи,
Товланади кўкрагида Олтин Юлдузи.
Пахтазорга ярашади зебо қоматинг,
Мунча кўркам, мунча дилбар, гўзал савлатинг

Чин оқила, меҳнатсевар, вафодор жонон,
Довруглари бўлсин яна оламга дoston.
Водийлари безатмоқда кучли қўлларинг,
Бахт-иқбол сенга ёрди — нузли йўлларинг.

Айтингиз-чи, ким севмайди шундай ҳур қизни?
Ой деса ой, кун деса кун, иорлоқ юлдузни?
Жаранглайди қўшиқлари янги ерларда,
Унинг меҳри яшар доим миллион дилларда.

Дарёларнинг сирин очган Сирдарё қизи,
Товланади кўкрагида Олтин Юлдузи,
Акмал дейди, минглар яшанг, ҳорманг, бор бўлинг,
Улуғ Ленин замонида давронлар суринг!

Мен ҳам қилай сизга энди ҳикоят,
Бу ҳикоят эмас, асли ривоят.
Золимлар замоннда,
Бекобод томонида
Яшар экан Асрор номли бир чўпон,
Тилаб-тилаб олган ўғли — Сулаймон.
Яхши билар эди саҳро тилини,
Инжиқ табиатнинг талай сирини,
Яхши билар эди бўрон туришини,
Булутларнинг қайси томон юришини.
Яйловларга ҳайдар экан чорвани,
Айтиб берар кунда оби ҳавони :
У пиёда кезган Мирзачўлларни,
Юлдуз санаб топган сўқмоқ йўлларни.
Кўп азоблар тортган экан мард чўпон,
Ҳаётни ҳам яхши билган бегумон.
Қўбизини олар экан қўлига,
Қўшиқ тўлиб келар экан кўнглига
Фарёдидан кўкни қопларкан оҳи.
Поёнсиз чўл қисматининг гувоҳи.
Емғир ювар баланд тоғлар тошини,
Ким тўхтатар халқнинг аччиқ ёшини.
Уша тундек қора, мудҳиш замонда
Меҳнаткаш халқ қолди нола, фнғонда.
Қон ёш тўкиб йиғлар эди Асрор чол,
Ўз дардини айта олмай бемалол.

Қўшигида куйларди дард-аламин,
Замонадан беҳад жабру ситамин.
Бек, амирлар топтаган гул-лоласин,
Водийлар тингларди ота ноласин.

* * *

Асрор чолнинг Ёлғиз Ўгли Сулаймон,
Отасидек чўлда сарсон-саргардон.
Уткир эди ақл-идрок, зеҳни ҳам,
Отасига савол ташлаб дамо-дам:
— Нима учун тоғни «Фарҳод» қўйганлар,
Фарҳод номин чагир тошга ўйганлар?
Не сабабдан «Ширинсой» бу сой номи,
Балки етган бунга Ширин қадами?
Бу воқеа ўтган қайси замонда,
Сўзлаб беринг,— деди,— яшанг омонда!

* * *

— Жавоб қилай саволингга, фарзандим,
Сен Ёлғизим, ардоғим, жигарбандим.
Баҳор бўлмай аргумоқлар чопарми,
«Ҳайт», демаса бедов тогдан ошарми?!
Ташналикдан қуму саҳро қақшайди,
Саратонда чўл дўзахга ўхшайди.
Қуш учганда куяр кўкда қаноти,
Осмонидан учмас парранда зоти,
Шунинг учун халқ тўқпаган афсона,
Фарҳод-Ширин бунга дастак, баҳона.

* * *

Малика қиз Ширин мисли ой бўлган,
Пок юраги орзуларга бой бўлган.
Хулқ-одобда тенги йўқ доно экан,
Бу оламда ягона барпо экан.

Ошиқ бўлган Ширинга шоҳ, хоқонлар,
Бегу амир шаҳзодалар ва хонлар.
Ҳеч бирига малика қиз кўнмаган,
«Гаҳ!» — деганда қўлларига қўнмаган.
— Билиб қўйсин, мени дилдан севганлар,
Тушидами, ё ўнгида кўрганлар,
Даркор эмас менга давлат, гавҳар, мол.
Шартимни бажарсин ошиқлар ҳалол.
Сирдарёни бўғсин марду майдон эр,
Сув чиқарсин бу саҳрога, бўлса шер.
Шундай мардга, майли, бўлай канизак,
Чўлни обод кўриш — ягона тилак...



Шундан бери қанча замонлар ўтди,
Қамчидан қон томган бек, хонлар ўтди.
Замондан зор йиглаб ўтди донолар,
Қул бўлди саройда асил барнолар.



Дод деди замондан улуг Навоий,
Бузилсин деди у зулм саройи.
Сувталаб элларга тилади нажот,
Чиқар бир кун элдан юз минглаб Фарҳод.
«Наҳрул-ҳаёт» деди китоб номини,
Баён қилди юртга дил каломини.



Епирай, тушимми, ўнгимми? Дил шод:
Миллионлаб туғилди элимда Фарҳод.
Россиядан балқиб чиқди бир қуёш,
Абадий қуриди беҳад оққан ёш.

Қуллик кишанларин узди Октябрь,
 Қамоқ, қафасларни бузди Октябрь.
 Зулмдан қутқарди шоили инқилоб —
 Миллионлар бошига нур сочган офтоб.
 Асрорбобо созин олиб қўлига,
 Наъра тортиб бутун Мирзачўлига,
 Яшнаган чаманда бахтиёр, озод,
 Октябрь шаънига айтади баёт!
 Октябрнинг нури тушди чўлга ҳам
 Дашти сахро яшнамоқда дам-бадам.
 Узинг бунинг мисолисан, Мирзачўл,
 Ўзбекистон жамолисан, Мирзачўл.
 Пахтазору, олмазору боғинг соз,
 Фарғонага ўхшаб кетган чоғинг соз.
 Атир пуркар водийларга гул гашти,
 Чўлнинг меҳри юрагимга туташди.
 Меҳр билан сайқал бердик танангга.
 Кўк бахмалдан кўрпа ёздик далангга.
 Бағрингда яшайди қирқ беш хил миллат,
 Ҳаммаси қон-қардош, бир жон, бир

элат.

Кўзни қамаштирар кўрсам бинолар,
 Гулшанга гул қўшар ақли расолар,
 Янги ГРЭС сенга фахр, ифтихор,
 Нур сочар водийга абадий баҳор.
 Сирдарёдир оқ олтинга зўр макон,
 Пўлат агрегатлар ишончли полвон,
 Уфққа туташган бугдойзорлари,
 Чеки йўқ ям-яшил пахтазорлари,
 Шафтоли, олхўри, гилос, олчаси,
 Урик, анор, беҳи, анжир, олмаси —
 Саноқсиз, хили кўп шарбат меваси,
 Бундай бойликларнинг инсон эгаси.
 Шунчалар сахний, бой Мирзачўл ери,

**Шунчалар сўлим жой Мирзачўл ери!
Гуллар водийси, деб ном қўйдик чўлга,
Чўл қувамиз, наъравор қўл бериб қўлга.
Асрор ота, Сулаймон яшар омонда
Оламга нур сочган бахтли замонда.**

МИРЗАЧЎЛ ҚИЗЛАРИ

Пўлат отда чўл қувган,
Канал қазиб, ер сурган,
Рулни зафарга бурган
Мирзачўлнинг қизлари.

Ҳаммаси дилбар, шовво,^о
Асли гўзал, бепардоз,
Қилган иши жуда соз,
Мирзачўлнинг қизлари.

Номи машҳур пахтакор,
Меҳнатда доим илгор.
Ваъдасига вафодор
Мирзачўлнинг қизлари.

Бири моҳир механик,
Бири агроном, техник,
Ҳар ишда ҳушёр-тетик
Мирзачўлнинг қизлари.

Ўзи офтоб, ўзи ой,
Саҳрога берди чирой.
Илм, ҳунарга жуда бой
Мирзачўлнинг қизлари.

Акмал билан чўл қувган,
Канал қазиб, ер сурган,
Рулни зафарга бурган
Мирзачўлнинг қизлари.

ҚОРАВАЙИР

Колхозимиз давлатидир қорабайир отимиз,
Йилқимизнинг чиройидир, букилмас қаноткимиз,
Эркаланиб кишнаганда жаранглар дара, тоғлар,
Жанговарлик ҳиссаси кўч, меҳнатда кўнгил чоғлар.

Елишига тенглашолмас ҳатто кўкда бургутлар,
Қилган иши элга манзур, мақтови бор бир дафтар.
Ҳар кун уни эркалатиб, ёлларини тарайман,
Мен отимга меҳр қўйиб, ҳамроҳим деб қарайман.

Ғарам-ғарам яшил беда, юзлаб, минглаб яхши от
Шу тулпорлар дийримга биздан совга-мукофот,
Тойлар кишнаб, кўпайгуси қорабайир отимиз,
Давлатининг поёни йўқ советлар авлодимиз.

ЧҮПОНИМ

Яша, танти мард чўпон,
Суравер даври даврон.
Писанд эмас чўпонга
Иссиқ, совуқ, қор, бўрон.

Поёнсиз яшил сахро,
Халққа хизмат муддао,
Қўй-қўзилар айрайди,
Ёқимли, тоза ҳаво.

Бахтлисан гул ватанда,
Озод, гўзал чаманда.
Чорва ўссин, юксалсин
Шу ажойиб бўстонда.

Чорвадорлар бор бўлсин
Доим бахти ёр бўлсин,
Пок юракли чўпонлар
Юртда донгдор бўлсин.

Чал найингни, чўпоним,
Омон бўл қадрдоним.
Акмал дейди юракдан
Йўқ заррача армоним.

АРҒУМОҚЛАР

Арғумоқлар чопганда янграр колхоз даласи,
Ейилади қирларга чўпоннинг шўх ялласи.
Чўпонларга аёндир бахмал қирнинг ҳар ёғи,
Ғўзал, азия, жонажон, олтин Ватан тупроғи.

Ғўнан тойлар кишнаса, чўпон кўнгли тошади,
Қўйлар яйраб яйловда, адирлардан ошади.
Чорва ўссин, юксалсин, ошсин колхоз қудрати,
Минглаб қўйлар, йилқилар бўлсин унинг давлати.



Ғафур Ғулом ва Акмал Пўлат Мирзаҷўлда. 1962 йил.

СИРДАРЕ

Мадад бергин менга меҳрим, илҳомим,
Сенсан менинг қувончиму оромим.
Сенинг билан Сирдарёни кезайин,
Қўрганларим мисраларга тизайин.
Қирғий деган қуш ўтирар қиёда,
Шундай янги чаман борми дупёда!

* * *

меҳнат тояган қўлдан чўллар бог бўлар,
Қир бирлашса али мисоли тоғ бўлар.
Ел уфурса ҳосил бўлади бўрон,
Саҳроларга солур даҳшат ва сурон.
Ўзинг бунинг мисолисан, Сирдарё,
Мисолисан, висолисан, Сирдарё!
Пахтазору ғаллазору боғинг соз,
Фаргонага ўхшаб кетган чоғинг соз!
Йироқлашиб кетдик чўл деган номдан,
Ташналикдан, мусибатдан, аламдан,
Гулистондек, Яшгердек боғинг бор,
Ўзинг айт-чи, яна нима ғаминг бор.
Асал дарё, шакар дарё, нон дарё,
Чексиз бағри оқ олтинга кон дарё!

Емғир ювар баланд тоғлар тошин,
Биз тўхтатдик Мирзачўл кўз ёшин.
Сувни қилдик ташна лабга муҳайё,
Сайҳун эмас, энди сахий Сирдарё.
Қувмоқдамиз, чекишмоқда бу оч чўл,
Йилдан-йилга яшпамоқда, ҳосил мўл.
Ноз-неъматга тўла, маъмур дастурхон,
Бу чўлқувар шерларга қойил жаҳон.
Шўх яллалар жаранглайди осмонда,
Лабларда кулгию қаҳқаҳа, ханда,
Асал дарё, шакар дарё, вон дарё,
Чексиз бағри оқ олтинга кон дарё.



Сирдарё деб, севиб қўйдик отингни,
Зафарларга ёзавер қанотингни!
Меҳр билан сайқал бердик даланга,
Кўк бахмалдан кўрпа ёндик тананга.
Сенга улфат қузгун эди, зог эди,
Кўкрагингни сиққан шўрхок доғ эди.
Аср бўйи дилгир, гамгин ва чанқоқ,
Бир томчи сув учун чекар эдинг оқ.
Кўкрагингда ёнди гармсел олов,
Қум эзарди юрагингни беаёв.
Қоқ ўртангдан кесиб ўтган чўнг дарё,
Қарамасди, боқмас эди бир қиё.

Октябрнинг пури тушди сенга ҳам,
Чўл дардига топди бу нурдан малҳам.
Ленин имзо чекди қутлуг Декретга,
Чўл сурилди харитадан бир четга,
Ленин деди: саҳро этилсин обод,
Поёнсиз бог-роғлар қплинсин бунёд.

Чўл бўлсин Ватанинг кўҳлик келини,
Дея унга бургаймиз Сир йўлини.
Асал дарё, шакар дарё, нон дарё,
Чексиз бағри оқ олтинга кон дарё!

* * *

Баҳор келиб очилади богда гул,
Чаман водийга айланади Мирзачўл.
Дилга пайванд унинг меҳригиёси,
Кўзни қамаштирар нури, зиёси.
Сирдарёда яшар қирқдан кўп миллат,
Ҳаммаси қон-қардош, бир жон, бир элат.
Дўстликда ечилур дилдаги орзу,
Дўстлик даврасида севинч ва кулгу.
Асал дарё, шакар дарё, нон дарё,
Чексиз бағри оқ олтинга кон дарё.

* * *

Тош, Сирдарё, жилваланиб тўлиб-тош,
Марралардан ташаббускор бўли тош!
Дилкушосан, фазилатга хўб бойсан,
Анвойисан, жаннатсимон хўб жойсан,
Бутун юртинг келди сенга ёрдамга.
Сахро-чўлни кўмди нуқра маржонга.
Каналларинг тўлиб оқди, кўп равон,
Машҳур бўлди сирдарёлик паҳлавон.
Асал дарё, шакар дарё, нон дарё,
Чексиз бағри оқ олтинга кон дарё.

* * *

Инсон ўзи иқболини бор этган,
Кетмон билан борми, мақсадга етган,
Минглаб сузар машиналар бу чўлда,
Мард йигитлар, жонон қизлар бу рудда.

Кўзни қамаштирар кўркам бинолар,
Гулшанга гул қўшар ақли раёлар,
Ҳар томонга қаранг — жадал қурилиш,
Кечаги оч чўлда улкан бурилиш.
Мактаб, клуб, кафтдек текис асфальт йўл,
Зилол сувлар жимиллаган канал мўл,
Асал дарё, шакар дарё, нон дарё,
Чексиз бағри оқ олтинга кон дарё.

* * *

Минг яша, эй, голиб, азиз пахтакор,
Пахтакорлик меҳнатингда хислат бор!
Чўлқуварсан, саҳро каби абжирсан,
Зафар топар ажойиб сертадбирсан!
Ҳамишалик ғалабадир йўлдошинг,
Темир мисол мустаҳкамдир бардошинг.
Чаман чорлар чаман қизлар тўпини,
Мирзачўлда баҳор ёйди сепини.
Асал дарё, шакар дарё, нон дарё,
Чексиз бағри оқ олтинга кон дарё.

ФАРГОНА

Ассалом, Фаргона, чиройли макон,
Гуллар водийсисан, бахтинг бир жаҳон.
Кўрганлар тўймайди ҳуснингга зинҳор,
Нусхасин олганми ё сендан баҳор?
Олма, анор, мева тўла боғларинг,
Туганмас бойликка кондир тоғларинг.
Гар хирмон кўтарсанг, етар осмонга,
Таърифинг сигмайди катта дostonга.
Ишқим тушган сендек обод водийга,
Шўх, чевар қизию мард Фарҳодига.
Яшайвер барқ уриб ҳар минут, ҳар он,
Юракда қолмасин заррача армон.

* * *

Бутунлай йўқолди ҳасрат — оҳу воҳ,
Советлар давлати бошингда паноҳ.
Жонажон Ватанда мангу озодсан,
Парвоз қил, фазога сиғмас қанотсан,
Баҳодир, қаҳрамон ўғил-қизларинг,
Ваъдага вафоли, оташ сўзларинг,
Минг яша, Фаргона, яшнаган диёр,
Шаънингга айтамыз шўх қўшиқ, гулёр!
Роҳат қилиб кездим, бахтингни ўйлаб,
Қалбимда дostonинг, мадҳингни куйлаб,
Ялла, қўшиқларинг ёқимли, қувноқ,

Қайнайди ижодинг гўёки булоқ,
Водий осмонида олмос тоғларинг,
Янги беқасамдай сўлим боғларинг.
Шофирилган қимизми ё шалола,
Унгурларинг тўла зарғалдоқ лола.
Яшнайвер барқ уриб, ҳар минут, ҳар он,
Юракда қолмасин заррача армон.

* * *

Бешариқдан кейин Нурсуҳга ўтдим,
Богбойга тан бериб гулдаста тутдим.
Узумлари ширин, шакар, бол экан,
Ой юзингга Нурсуҳ чирой, хол экан.
Оламга машҳурдир тарихий Қўқон,
Шеър, ғазал қайлайди, ижоди вулқон.
Мунча обод, Фурқат, Ҳамза ватани,
Мавлоно Муқимий кўрсайди қани!
Гул очар шаҳаринг кўркам жамоли,
Танларга шифодир эсан шамоли.
Фарғона, яшнайвер ҳар минут, ҳар он,
Юракда қолмасин заррача армон.

* * *

Сўҳга ўтдим адир, тоғлардан ошиб,
Қўшиқ ёздим қалбдан илҳомим тошиб.
Йўлдош ака ўсган ерлар Марғилон,
Биринчи президент, кадрли инсон.
Хотираси мангу яшар дилларда,
Йўлдош ота номи дoston тилларда.
Шинам шаҳар, шоҳи атлас диёри.
Аския, қаҳқаҳа, кулгининг ёри.
Жаҳонга машҳурдир Қува анори,
Тўрт фасл бир хилда Чимён баҳори.

Завққа тўлиб роса, кўрдим Водилли.
Манзараси очар чехра ва дилли.
Афсоналар манзили, кони Қадамжо.
Бир томон баланд тоғ, бир томони сой.
Ажойиб сайилгоҳ гўзал Ҳамзаобод.
Ўзи-қизил магиздек ҳамма, қувноқ, шод.
Тўрт тоғ ўртасида Кўли Қуббони,
«Қизил тоғ» чорлайди: Марҳамат, қапи!
Фарғонада минглаб жасур, илғорлар,
Ваъдага вафоли, асл донгдорлар,
Тожиҳон безатар янги боғларни,
Ҳеч киши унутмас хушнуд чоғларни.
Бир пахтақору бири боғбон,
Бир қурувчию бири чароғбон.
Бир механигу бири чорвадор,
Ҳаммаси ваъдага содиқ, вафодор.
Бир элга машҳур илғор ниллачи,
Қуёшда товланар рангин тилласи.
Ҳаммаси мақсади якка-ягона,
Ватанга севгиси чексиз, мардона.
Яшнайнвер, Фарғонам, ҳар минут, ҳар он,
Юракда қолмасин заррача армон.



Биласан, пахтадан эл-юрт обод,
Яшнайти фаровон, бахтли ҳур ҳаёт.
Пахта бойлик. Пахта қудрат Ватанга,
Кенг жаҳон қойилдир, Фарғонам, сенга,
Муборақ кўкракда Лелик нишони,
Тобора юксалсин водийнинг шони.
Меҳнатда ардоқли поплик Малика,
Меҳнатда обрўсин кўтарди тикка.
Баракалла сенга, Кенжаев Қурбон,
Гул водий кўтарсин яна зўр хирмон.

**Ёмгир ювар балацд тоғлар тошини,
Шер, дейдилар шернинг кекса-ёпини.
Шерсан, эй Фаргона, улкан ижодкор,
Чарчаши билмайсан, меҳнатда илгор.
Шайивер, тўхтамай ҳар минут, ҳар он,
Юракда қолмасин заррача армон.**

Шоирлар Тошкентнинг мадҳини куйлаб,
Юрак куйлари-ла этганлар эъзоз.
Жўшқин сатрларда кўркини сўйлаб,
Янграган шеър, қўшиқ нафис-дилнавоз.
Дейдилар: «Тошкентда сув ичган чумчуқ,
Қайтиб келар экан минг йиллик йўлдан».
Юзи ҳам, сўзи ҳам, ўзи ҳам очиқ,
Табаррук тупроғи зару тиллодан.
Шундайдир таърифинг, азиз Тошкентим,
Ўзингсан қувончим, дилга пайвандим.

* * *

Баҳорда очилар боғларнинг гули,
Тошкентни яшнатган инсоннинг қўли.
Шаҳримиз гўёки элга гулдаста,
Шу гулзорга меҳру ишқим пайваста.
Бағрингда нур сочар боғу роғларинг,
Ҳамиша дилрабо хушнуд чоғларинг.

* * *

Тошкент улуғ даргоҳ илм-маърифатга,
Туганмас мақтови минг ёзсанг хатга.
Ўзи олтин, тупроғи нур Тошкентим,
Онадек меҳрибон, дилга пайвандим.

Шаҳримиз тарихин эсласак яна,
 Утмишни кўрсатар ҳужжат, йил, сана.
 Сизга аён эски шаҳар ўтмиши,
 Дил ёнар мозисин ўйласа киши.
 Евгон эди ҳар кун ичган гўжамиз,
 Эгри-бугри, настқам эди кўчамиз.
 Бунга гувоҳ собиқ кўчалар номи,
 Халқимизнинг йўқ эди зарра ороми,
 Эскижўва, Каллахона, Яланғоч,
 Лайлак масжид, яна Бешта қайрағоч.
 Сассиққовуз, Қумлоқ, Қаландархона,
 Қалблар тўла эди ҳасрат, фиғона.
 Октябрь қутқазди узиб кишани,
 Бахт йўлига олиб чиқди инсонни.
 Севикли Тошкентим, бахтнинг ёр бўлсин,
 Баҳодир халқинг ҳам шонларга тўлсин.
 Жангда голиб қаҳрамонлар сингари,
 Ҳар нафас тўхтамай босгин илгарин.
 Гуркираб яшнаган қизгин чоғингда,
 Севикли чаманинг, гулшан боғингда,—
 Зилзиладек офат келди ернига.
 Зилзиламас, сен ҳақиқий қаҳрамон,
 Туганмас кучингга қойилдур жаҳон.
 Офатга бас келган голибсан ўзинг,
 Янгидан чақнайди ёруғ юлдузинг.
 Офарин тошкентлик ботир эрларга,
 Қўрқувни билмаган асл шерларга.
 Тошкентим яшнайди мисоли Қуёш,
 Бутун халқ, бутун эл унга ёр-йўлдош.

МУҲАББАТ ЮЛДУЗИ

Мен тинимсиз талпинарман йўлларингга ҳар қачон,
Жонгинамнинг жонисан, жононгинам, бўлгин омон.
Яшнаган боғу баҳорим, долазоримсан ўзинг,
Шунчалар ёрқин бўларми кўкда порлоқ юлдузинг?

Сенга бўлган меҳру ишқим қатраси дарёсимоп,
Офтобдек нурланур кўнглим сени кўрган замон.
Қайси сўз-ла айтайин, мақташга ожиздир тилим,
Бир нафас, ҳа, бир нафас сенсиз ёришмайди дилим.

Яхши орзу, яхши ният, мақсаднингга етгали,
Чўл қуварсан эл учун саҳрони обод этгали.
Акмалинг куйлар тарона, довругингга куй тўқир,
Севгида ҳеч ким бўлолмас сенга тенг, деб мадҳ ўқур.

Мен тинимсиз талпинарман йўлларингга ҳар қачон,
Жонгинам жонисан, жононгинам, бўлгин омон.

Бағрима ишқи туташган ёргинам жондан азиз.
Ёргинам олган нафас ҳар лаҳза, ҳар ондан азиз.

Мавж урар дарёсимон жонимда меҳрим ёр учун,
Ҳар кун гулдаста боғларман ўшал ҳамкор учун.

Тўти, булбул, қумрилар сайрар элим ҳар ёғида,
Бахтиёрман ёр билан обод Ватан гулбоғида.

Мақтасам арзир вафолик наҳлавоним васфини,
Завқ ила, гулёр ила куйлаб саодат азмини.

Акмало, қалбингни оч, кўрсат унга ишқ боғини,
Билсин у, бу ошиёнда мангуга қолмоғини.

Бағрима ишқи туташган ёргинам жондан азиз,
Ёргинам олган нафас ҳар лаҳза, ҳар ондан азиз.

ОЙГУЛИМ

Севганим йўқдир жаҳонда, Ойгулим, сендан бўлак,
Гулу раънолар ичида сумбулим сендан бўлак.

Ёргинам, ёлғиз ўзингсан, кўзларимнинг равшани,
Жон десам, жондан азизсан, сен дилимнинг гулшани.

Бахту иқбол сенга ёрдир, ярқирар нурли йўлинг,
Пахтазорим машъалисан, чарчамас олтин қўлинг.

Яйра, кул, тер тўк ватаннинг ҳурмати ардоғида,
Авжга чиқсин ялла, гулёр ўлкамиз ҳар ёғида.

Қаҳрамон халқим ғурури, ҳам шараф, ҳам орисан.
Дил қувончи, завқи шавқи гул тўла гулзорисан.

Ойгулим, остонамизда катта тўй, олтин сана,
Пахтазор майдон аро кўрсат ўзингни сен яна.

Акмало, олгин қалам, куйла бу эл юлдузларин,
Ез ғазал, кўкка кўтар Ойгул каби юрт қизларин.

Сен менинг жону дилимсап, ўзгага дил бермагил,
Бевафолар богидан ҳам ошиқиб гул термагил.
Сен ўзинг гулдек очилган шу вафо бўстонида,
Ярқираб, кўзларни ўйнат, ҳеч заволни кўрмагил.

Аҳди ёлғон, бетайинлар арзимас кўз ёшинга,
Қанча савдолар солибди бегуноҳ ёш бошинга,
Садқайи кўз ёши кетсин, оғу солма ошинга,
Ишқни енгил ўйлагандан эзгу маъно сўрмагил.

Чертаман завққа тўлиб меҳру муҳаббат торини,
Ким ахир севмас юракдан чин вафодор ёрини,
Акмало, олгин қаламни, куйла ишқи борини,
Баъзи ошиқларсимон мақтанма, кўжрак кернагил.

ХУМОРМАН

Ергинам кўйидадурман ҳар қачон,
Ишқ ўтида оҳ, ловуллаб куйди жон.
Жўш урар ёримга бор меҳрим менинг,
Сўзларимни тингласин, майли, жаҳон.

Чин вафо, меҳру муҳаббат бегубор,
Ергинам йўлигадурман нитизор.
Кўрмайин дейман сира ишқ дардини,
Ер йўлида кўп хуморман, кўп хумор.

Давримиз ишқу вафо давронидир,
Ҳур ватан бу мардлар майдонидир.
Акмало, бузма сўзинг ёр олдида,
Яхши ёр бу — ёрлар жопонидир.

Ергинам кўйидадурман нитизор,
Ер йўлида кўп хуморман, кўп хумор.

МУҲАББАТИНГДАН

Куйди жисмим беомон ишқи муҳаббатингдан,
Кўйингда ақлим ҳайрон ишқи муҳаббатингдан,
Қилма мени кўп сарсон ишқи муҳаббатингдан,
Қийналди танда жон ишқи муҳаббатингдан,
Ҳажрингда дилим нолон ишқи муҳаббатингдан.

Лайли бўлсанг, ўзгинам мажнунинг бўлай дейман,
Мафтун этган юзингга термилиб тўйай дейман,
Сен ўт бўлсанг мабодо, ўртаниб куяй дейман,
Аҳдимни зарра бузсам, тил тортмай ўлай дейман,
Чекаман оҳу фигон ишқи муҳаббатингдан.

Ширин ёрим, ҳар маҳал бир баҳона пеш қилма,
Нозингга жон тасаддуқ, баҳоримни қиш қилма,
Найза санчиб багрима, бир зулмингни беш қилма,
Фидойингман умрбод, ағёрни ҳеч эш қилма,
Акмалинг куйиб-ёнган ишқи муҳаббатингдан.



Уйғун ва Акмал Пулат Бухоро области Навоий
районидаги маданият боғида. 1966 йил.

Кўзларим йўлингда қолди, нозли ёрим, келмадинг,
Келди-ю наврўзи олам, сен баҳорим, келмадинг,
Ўзгинанган дилбарим ҳам дилда борим, келмадинг,
Дилда борим, гулбаҳорим, лозорим, келмадинг,
Иштизор айлаб мени юзи анорим, келмадинг.

Сен ўзинган дилгинамга нур сочиб ёнган чироқ,
Жонима ўтлар солиб сен, бунчалар кетдинг йироқ,
Бунчалар кетдинг йироғу бунчалар қийнар фиरोқ,
Кўзларим йўлингда қолди, нозли ёрим келмадинг,
Келди-ю наврўзи олам, сен баҳорим, келмадинг.

Кел бугун, зор этма ортиқ, ёри жоним ўзгинанг,
Қанду новотдай ширин янграг қулоқда сўзгинанг,
Акмалинг олди дилин қоп-қора жоду кўзгинанг,
Ўзгинанган дилбарим ҳам дилда борим, келмадинг,
Иштизор айлаб мени юзи анорим, келмадинг.

Дилгинамда на сирлар бор — келинг, жоним, айтайин,
Яширмасдан орзуларим ҳам армоним айтайин.
Сарвинозим, сиз боғимда гул-райҳоним, айтайин,
Ишқ хатимни ёздим дилдан, шўх мужгоним, айтайин,
Нурли оқшом — севги сиррич, Гулжаҳоним, айтайин.

«Севдим» деган сўзни айтиш осон эмас, билсангиз,
Жавоб айлаб, майли сўнгра пок кўнгилни тилсангиз.
Тоғ бўларди кўксим агар зарра нарво қилсангиз,
Дилгинамда на сирлар бор — келинг, жоним, айтайин,
Яширмасдан орзуларим ҳам армоним айтайин.

Давронимиз чин муҳаббат, ҳур севгининг даврони,
Бизга ётдир ёр йўлида ошиқларнинг фигони,
Акмал жўшиб куйлар дилдан, мадҳида шўх жонони,
Дилгинамда на сирлар бор — келинг, жоним, айтайин,
Яширмасдан орзуларим ҳам армоним айтайин...

Кўкда сузса тўлин ой, юзда доғи бор демаиғ,
Ёр агар дил очмаса, дилбару дилдор демаиғ,
Сочмаса гул атрини, ҳеч қачон баҳор демаиғ,
Бевафо кўз тутса ҳам, кўзлари хумор демаиғ,
Жонга жонни тикмаса, асло уни ёр демаиғ.

Асл ошиқ тортмасини севгининг ҳижронини,
Бузолмасин ҳеч рақиб икки дил паймонини,
Айрилиқ оташида куйдирмасин жонини,
Ғам-аламга солмасин асло ширин жонини,
Ёр агар дил очмаса, дилбару дилдор демаиғ.

Сохта ошиқ кирмасин ҳеч муҳаббат боғига,
Узи тушсин ўзининг ташлаган қармоғига,
Жони куйсин, етмасин юз кўришнинг чоғига,
Қолсин умри борича сохта ишқи доғига,
Сочмаса гул атрини, ҳеч қачон баҳор демаиғ.

Кўкда сузса тўлин ой, юзда доғи бор демаиғ,
Ёр агар дил очмаса, дилбару дилдор демаиғ,
Сочмаса гул атрини, ҳеч қачон баҳор демаиғ,
Бевафо кўз сузса ҳам, кўзлари хумор демаиғ,
Дўстларим, Акмал сўзин асти сиз бекор демаиғ.

ЎХШАТДИМ

Севимли ёримни, дўстлар, ажаб барнога ўхшатдим,
Чамада оҳу янлиг кўзлари шаҳлога ўхшатдим.
Жамолви кўрмасам ҳар дам, билинг, асло чидолмас!
Унинг қадди камолини гули раънога ўхшатдим.

Ёнар қалбим кўйида, мен ўшал ёримга муштоқман,
Тасаннолар ўқир ҳар ким, вафодоримга муштоқман,
Маломат айламанг зинҳор мени дилвора ошиқ деб,
Босинг қалбим ўтин дарҳол, юрак торимга муштоқман.

Асил севги, муҳаббат ҳам вафо аҳдимда тургайман,
Вафодорим билан доим қувончу завққа тўлгайман.
Юрак сирин очур Акмал, бу бир ишқ қатраси, дўстлар,
Унутмавг, бузмасам аҳдим, гул каби бир дамда сўлгайман.

АЙРИЛМА

Бесабаб ҳаётим қилмагин чил-чил,
Ергинам, ҳолимга ўзинг раҳм қил.
Жудодлик ўтига отгайдан кўра,
Майлига, бағримни пора-пора тил.

Йўқ, юрак чокини сўкиб кетмагин,
Ешгина қаддимни букиб кетмагин.
Севиқли фарзақдлар бор-ку, ўртада,
Ешимни гуноҳсиз тўкиб кетмагин.

Иўлиягда термилиб қолмайлик зинҳор,
Отам деб қўмсовчи гўдакларинг бор.
Тырик етим қилма қўзичоқларни,
Юзингни кўролмай бўлмасин абгор.

Болалар фарёди увол эмасми?
Қилмишинг ўзингга завол эмасми?
Элу юрт олдида шарманда бўлиш,
Айтгин-чи, аянчли бир ҳол эмасми?

Ҳали ҳам қайт, йигит, ёмон йўлнингдан,
Айрилма муборак гул-сунбулингдан.
Акмаж дейди: инчма боғу рогингни,
Айрилма брингдан, азиз элнингдан!

ЕРГА АТАБ

Сарқовузининг атрофида гул панжара,
Ер қадрига етмаганининг бағри қора.

Бағри қора қаллоблардан элим безор,
Тошбағирлар ўз ёрига берар озор.

Ерга атаб ўйдирдим мен тилло қошиқ,
Мен ёримга, ёрим менга дилдан ошиқ.

Икки ошиқ бирга бўлса эл бўлади,
Хонасига севинч, қувонч, бахт тўлади.

Акмал айтар, пок қалбимиз осмондек кенг,
Муқаббатда ҳеч ким бўлмас бизларга тенг.

Сарқовузининг атрофида гул панжара,
Ер қадрига етмаганининг бағри қора.

АЙТИШУВ

(Лапар)

Й и г и т

Гулгун ёнган гулмисиз,
Айтиш, мунча сўлимсиз?
Ёмон кўздан асрасин,
Сочлари сунбулмисиз?

Қ и з

Сайраб учар бўзтўрғай,
Сайрамаса на бўлғай?
Ёрим ширин жонимни
Қийнамаса на бўлғай?

Й и г и т

Гулзоримда ғунча кўп,
Карашмангиз бунча кўп.
Қийнаган ўзингиз-ку,
Қачон тўйга дейсиз хўп?

Қ и з

Қайрилма қош қораси,
Витмас ишқининг яраси.
Жондан севган ёргинам
Йигитларнинг сараси.

И г и т

Акмал кўнглин олибсиз,
Ишқ савдосчи солибсиз,
Ваъдага вафо қилмай,
Уволига қолибсиз.

ГУЛЛОЛАСАН

Севганим, жоним, дилим, асли ўзинг гуллоласан,
Тогда қордек бегубор, ўйнаб оқар шалоласан.
Гоҳ қизариб, гоҳ кулиб, қалбимга ўтлар соласан,
На сабабдан, билмадим, ҳажрингда ўртайсан мени?

Ургилай сеидан, гўзал ёр, ўзга ёрни ёр дема,
Бир юракда ҳеч маҳал икки муҳаббат бор дема,
Ўз вафодоринг туриб, ўзгани ҳеч дилдор дема,
Не сабабдан, билмадим, ҳажрингда ўртайсан мени?

Ташлама ёлғиз мени, то хор этиб меҳримни сен,
Уртама богим, баҳорим, зор этиб меҳримни сен,
Берма эл олдида дашном, ор этиб меҳримни сен,
Акмалингни қақшатиб, ҳажрингда ўртайсан мени.

ИШҚ КИТОБИН КИМ БИТГАН?

Ишқ байтимн юраккинам ром этгап,
Бағримни ўтида ёндириб кетган?
Вилмай қолдим тушимми ё ўнгимми,
Ишқ китобин, айтинг, ўзи ким битган?

Еш қалбим каптардек ўйнайди гўё,
Муҳаббат оташи шундаймикин э?..
Ўз-ўзимга яна, ўзинг бос дейман,
Ҳовлиқма, ишқ қийин, сирли бир дарё.

Жондан севгандим сени, севганим-севган,
Унутмагин ёр мени, севганим-севган,
Унутсанг ҳам сен мени, севганим-севган,
Унутмайман мен сени, севганим-севган.

Гулзоримда яшнаган гулим ўзингсан,
Гул, раъиолар ичида сўлим ўзингсан,
Юрагимни ёритган нурым ўзингсан,
Жондан севгандим сени, севганим-севган.

Ўзгинангга буича ҳам бермасанг оро,
Жоним, менинг ишқимга бўлма бепарво,
Агёрни ҳеч ўзингга кўрмагин раво,
Унутмагин ёр мени, севганим-севган.

Битсин дейман алдамчи, бегоналарни,
Куйдиради улар пок кошоналарни,
Жондан севар Акмалинг жононаларни,
Унутмайман ҳеч сени, севганим-севган.

КЕЛИН ТУШГАН ОҚШОМДА

Ўлан айтинг, дугоналар, Ўлан бўлсин,
Келин тушган шу ҳовлига гуллар тўлсин.

Нур қўйнида бахтли, обод бу кошона,
Меҳнат билан ярқираган оқ пешона.

Жарангласин, жарангласин танбур, дутор,
Авжга чиқсин жўри бўлиб илла, гулёр.

Гулёр айтинг гул ўлвани қўшиб чунон,
Бахтимизга келин-куёв бўлсин омон.

Мўл ҳосилли бой колхозга синглим тушди,
Синглим деди: «Мард йигитга ишқим тушди».

Бизнинг куёв, сўрасангиз, эўр пахтакор,
Саҳроларга келтирган у чаман, баҳор.

Ажмал ёзар келин-куёв мадҳин дилдан,
Завқли қўшиқ, Ўлан куйлар қўймай тилдан.

БАҲОРИМСАН

Жондан азиз ёримсан,
Меҳнатда мадоримсан,
Бўстонишми яшнатган
Им-яшил баҳоримсан.

Ёр дилин ёр билмасми,
Билса дарҳол келмасми,
Юракдаги сирларин
Севганига демасми?!

Менинг ёрим гулжамол,
Кўрганларининг ақли лол,
Меҳру вафо бобида
Теги йўқ, лафзи ҳалол.

Ёғ айланиб шафтоли,
Учган тинчлик каптари.
Айтсам адо бўлмайди
Севган ёрим дафтари.

СИЗНИ КЎРГАНДАН БЕРИ

Ишқ дардин тортадурман сизни кўргандан бери,
Кўжда кулган мисли ой, юлдузни кўргандан бери.
Шунчалар кўркам бўларми турфа гуллар гулшани,
Қош эмас, қуйма қалам, қундузни кўргандан бери.

Зордирман васлингизга, эй, гўзал барно, билинг,
Сайр этиб гулбоғимизга ёр-ёр айтиб келинг.
Лайлию, Фарҳоди Ширин бизга қойил қалбидан,
Янги ерда халқ яратган янги бўстонни кўринг.

Чин муҳаббатдан мисолдир элга хизмат ҳар маҳал,
Бир кўчат эсмоқ зарурдир, майли ҳар кун лоақал.
Акмало, қалбингни очил севганинг — ёр олдида
Ҳовлиқиб қошинг чимирма кеккайиб сен ҳеч маҳал.

Севги дардин тортадурман сизни кўргандан бери,
Кўжда кулган мисли ой, юлдузни кўргандан бери.

ҚАРОРИМ ҶША-ҶША

Ҷни ссвaмaн жондaн,
Жўш урган тoзa қондaн.
Дилгa ўт тушгaн ондaн —
Қарорим ўшa-ўшa.

Аҳдимни ҳеч бузмайман,
Ундaн умид узмайман.
Висолини кўзлайман,
Қарорим ўшa-ўшa.

Меҳри дилмни олган,
Қалбимгa отaш солган,
Дилимдa мангу қолган, —
Қарорим ўшa-ўшa.

Пахтазорнинг юлдузи,
Қоши қарo қундузи,
Ҳақиқат Акмал сўзи, —
Қарорим ўшa-ўшa.

Қ и з

Бир кўришда хаёлимни олибсап,
Еш бошимга шўри савдо солибсан.
Қийнама, ёр, ширингина жонимни,
Содда қизнинг уволига қолибсан.

Й и г и т

Сеҳр билан тортиб ўзинг ромингга,
Қандай қилай, тушиб қолдим домингга.
Меҳру ишқим сенда фақат, севикли,
Илтифот айлагин кўз хуморингга.

Қ и з

Шакармисан, шарбатмисан, ёрмисан?
Сен ҳам мендек висол учун зормисан?
Айта қолгин бир калима сўзингни,
Мусичами ё асл шунқормисан?

Й и г и т

Унутмагин дилдан айтган сўзимни,
Йўлларингга қаратмагин кўзимни.
Гиргиттонинг, вафодоринг бўлайин,
Ситам билан саргайтирма юзимни.

ЎИЗЛАРЖОН

Тилингиздан шарбат томар, ўизларжон,
Ҳавас қилар гул-лолалар, ўизларжон.
Кўзларингиз оловидан мардларнинг
Юраклари лов-лов ёнар, ўизларжон.

Севгувчилар тўлиб-тошар гайратга,
Жон тикади қаҳрамонлик меҳнатга.
Сиз юлдуздай чиққан чоқда файз кирар
Нурли ҳаёт, шу шарафли санъатга.

Бир-бирин севганини ошиқ дерлар,
Ваъдасига вафо қилар чин шерлар.
Акмал дейди, бахтиёрлар соғ бўлсин,
Элнинг кўрки жонон қизлар, мард эрлар.

ГУЛЧЕҲРА ЁР

Гулчеҳра ёр, ишқим танҳо ўзингда,
Маъно тўла ширин-шакар сўзингда.
Бир нафас ҳам жилолмайман ёнингдан,
Сеҳр борми, жоним, қаро кўзингда?

Осмондаги тўлин ёруғ оймисан,
Ёки жўшқин, ўйнаб оқар соймисан?
Кеча-кундуз сенда фикру хаёлим,
Латофатга, айт-чи, шунча боймисан?

Кулишларинг ўшар худди баҳорга,
Арзимни айтайин сен ситамкорга.
Интизорман кулиб келгаймусан деб,
Бир мурувват айла мен интизорга.

Гулчеҳра ёр, ишқим танҳо ўзингда,
Маъно тўла ширин-шакар сўзингда.
Акмалинг жилолмас келсанг ёнингдан,
Сеҳр борми, жоним, қаро кўзингда?

Севганим, жоним, диллим, асли ўзинг гул-доласан,
Мунча лобар, мунча шўх, ўйнаб оқар шалоласан,
Гоҳи ўйнаб, гоҳ кулиб, қалбимга ўтлар соласан,
Жисми жоним қақшатиб, ёрим, қаерга борасан?
Қайси гулшан булбулига, айт-чи, сен дилпорасан?

Ургилай сендан, гўзал ёр, ўзга ёрни ёр дема,
Бир юракда асли сен икки муҳаббат бор дема,
Бир кўриб ошифта ҳолу кўзлари жумор дема,
Жисми жоним қақшатиб, ёрим, қаерга борасан?
Қайси гулшан булбулига, айт-чи, сен дилпорасан?

Ташлама ёлғиз мени, кўп хор этиб меҳримни сен,
Ўтга отма жону таним, зор этиб меҳримни сен,
Элу юрт олдида дашном, ор этиб меҳримни сен,
Акмалингни қақшатиб, ёрим, қаерга борасан?
Қайси гулшан булбулига, айт-чи, сен дилпорасан?

**Жондан азиз жононгинам, жондан соғиндим-ку сени,
Гулчеҳраси хандонгинам, жондан соғиндим-ку сени.
Ҳур меҳнати полвонгинам, жондан соғиндим-ку сени,
Бахтда беармонгинам, жондан соғиндим-ку сени,
Бол сўзлари бийронгинам, жондан соғиндим-ку сени.**

**Ҳар нафасда мен интизор, кўз тутарман йўлларингга,
Минг ўргилиб ўзгинангдан, гул тутарман қўлларингга.
Дилдан яна оро берай обод, чаман чўлларингга,
Жондан азиз жононгинам, жондан соғиндим-ку сени,
Гул чеҳраси хандонгинам, жондан соғиндим-ку сени.**

**Фароғатли Янги йилнинг янги шонли хислати бор,
Сўзларимни тингла, гўзал, вафодорим, қалби баҳор.
Завқли кунлар ҳурматига, Акмал билан айтгил гулёр,
Ҳур меҳнати полвонгинам, жондан соғиндим-ку сени,
Бол сўзлари бийронгинам, жондан соғиндим-ку сени.**

КЎНГЛИМА

Кўнглима озор бериб, ўзгани ёр этма ҳеч,
Аҳди паймоннинг бузиб, ўз-ўзинг хор этма ҳеч,
Аввали севдим дединг, энди афгор этма ҳеч,
Менга берган пок сўзинг, жоним, инкор этма ҳеч,
Бевафолик дардига асло гирифтор этма ҳеч.

Ким меҳр қўймас ахир ўз гули раъносига,
Қайси маъшуқ жабр этар ошиқи шайдосига,
Тушма мағрурлик билан сен ҳусн даъвосига,
Учма асло, жонгнам, шум рақиб иғвосига,
Қалбима озор бериб, ўзгани ёр этма ҳеч.

Эркалаб дердим: Гулим,
Айтгин, ўзинг гулмасмидинг,
Ғунчадек дил боғида
Ҳар дам менга кулмасмидинг,
Мирзачўлда чўл қувиб
Юрганлигим билмасмидинг,
На сабаб буздинг сўзингни,
Кўзга ё илмасмидинг,
Мунча ҳам куттирмасанг,
Севсанг агар, келмасмидинг?!

Дилда оташ, белда куч,
Чўлларни куйдиргум тамом,
Мардлигим, бас, ушбу кун
Оламга билдиргум тамом,
Кўҳна саҳро ташнасин
Сув бирла тўйдиргум тамом,
Янги бўстон бағрини
Гул бирла тўлдиргум тамом,
Сўзларинг бўлганда чин,
Сен ҳам сурон солмасмидинг?

Акмалингни чўл қувиб
Юрганлигин билмасмидинг?!
Қалбгинамни шод этиб,
Севсанг агар келмасмидинг.

ИНТИЗОРМАН

Ёр йўлида чекмоқдаман ғам, ҳижрон,
Айрилиқ, мусибат қанчалар ёмон,
Ташлаб кетди ёрим, қаҳри беомон,
У келар деб, интизорман йўлига.

Чаманда булбулим, кулган баҳорим,
У билан қувончли эртам, наҳорим,
У муродим, у тандаги мадорим,
У келар деб, умидворман йўлига.

Жудодлик ўтини кўрмасин киши,
Тирикда айрилиш номарднинг иши,
Озор экан вафосизлар қилмиши,
У келар деб, беқарорман йўлига.

Зилол сув шимириб ташналар қонар,
Ҳижронда ўртаниб пок қалбим ёнар,
Билмадим, ёр яна қай кўйга солар,
У келар деб, кўп хуморман йўлига.

Ёр йўлида чекмоқдаман ғам, ҳижрон,
Айрилиқ, мусибат қанчалар ёмон,
Ташлаб кетди ёрим, қаҳри беомон,
Келарми деб интизорман йўлига.

Акмал доим умидвордир йўлига.

ДУТОРИМ

Чертсам, кўнглим яйрар менинг дуторим,
Шўх булбулдай сайрар менинг дуторим.
Қўшигимга ҳамоҳангдир ҳамиша,
Ишқ-вафодан куйлар менинг дуторим.

Созлар ичра яғонасан, дуторим.
Эл-юртимга парвонасан, дуторим,
Мард йигитлар мадҳияси тилингда,
Жон қизларга дугонасан, дуторим.

Коммунизм даврондир бу даврон,
Меҳнат билан озод ҳаёт, фаровон.
Омон бўлсин халқим — улуг ижодкор,
Дилшамдағини тинмай куйлар дуторим.

Қон-қариндош — ҳамма дўстлар менга ёр,
Ватанимда мангу тишчилик барқарор.
Акмалингдам, Москва шону шарафим,
Бахт-иқболдан тинмай куйлар дуторим.

ТОЗАГУЛ

(Қирғиз қизига)

Йўллариңга термилиб мен, зоридирман, Тозагул,
Тонггача ўйлаб сени, бедоридирман, Тозагул,
Ўйлариңг, орзуниңга ёридирман, Тозагул,
Дўстлиғам, севгимга чин икроридирман, Тозагул.

Яшнаган богим, баҳорим, лолазорим бўл ўзинг,
Кўзларимниңг равшани, дилга мадорим бўл ўзинг.
Ҳар саҳар тонг нури янглиғ жилвакорим бўл ўзинг,
Бўйруғиңг жон устига, тайёридирман, Тозагул.

Айт-чи, обод гулшаниңг Ушми, Аровон ё Олой?
Қип-қизил ширмон юзниңг, қадди-бўйиңгдан ўргилай,
Сенга деб, ўзбек боғидан дасталаб гуллар терай,
Тонггача ўйлаб сени, бедоридирман, Тозагул.

Мунча ҳам кўркам бўларми, сарвиноз қирғиз қизи,
Гул диёримга таниглиқ дилнавоз қирғиз қизи,
Кела қол Акмал элига, ҳушовоз қирғиз қизи,
Йўллариңга термилиб мен, зоридирман, Тозагул.

Дилгинамга олов ёқди муҳаббат,
Меҳр билан кулиб боқди муҳаббат.

Ёрим менга, мен ёримга меҳрибон,
Турмушимиз қувноқ, хушнуд, фаровон.

Вафосизлик бизга буткул бегона,
Юрт ишқида тер тўкамиз мардона.

Аввали севдим дер баъзи маккорлар,
Охири ғам билан ёр кўксин доғлар.

Вафодорлар маҳкам тутар аҳдини,
Қувламайди шодлик тўла бахтини.

Ваъдасига вафо қилар чин мардлар,
Ёр дилин доғлайди бебурд, номардлар.

Акмало, аяма айёр номардни,
Юракдан олқишла вафодор мардни.

Дилгинамга олов ёқди муҳаббат,
Меҳр билан кулиб боқди муҳаббат.

УЧРАТДИМ

Ажиб ширин, шакар чоқда,
Севиъли она қишлоқда,
Оқ олтин тўла ҳар ёқда,
Гўзал ёримни учратдим.

Юракда оташи қолган,
Элимда яхши ном олган.
Фироқи дилга дард солган
Дилафкоримни учратдим.

У Ширин бўлса, мен Фарҳод,
Этарман ҳар нафасда ёд.
Эсимга тушса, кўнглим шод,
Мададкоримни учратдим.

Атир нуркайди гулдаста,
Қаранг, чўл қандоқ ораста,
Бўйи шамшоду барваста,
Жаранг торимни учратдим.

Қиё боқсанг-чи сен аввал,
Сенга кўп интизор Акмал.
Мурувват айла, ёр, бу гал,
Вафодоримни учратдим.

КИМГА АЙТАЙ

(Ҳазил)

Ҳар хил хаёл ўраб олди дилимни,
У тутқазди қўлимдаги гулимни.
Кўза ўнгимдан кетмас ҳусни жамоли,
Кимга айтай юракдаги сиримни?

Севгимникин юраккинам ром этган,
Бағримни ўтида ёндириб кетган?
Билмай қолдим тушимми ё ўнгимми,
Ишқ китобин, айтинг, ўзи ким битган?

Муҳаббат оташи шуидаймикин ё,
Еш қалбим кантирдек ўйнайди гўё.
Уз-ўзимга: «Қизча, ўзинг бос, — дейман, —
Бўшашма, жонгинам, эй кўзи қаро...»

Ҳар хил хаёл ўраб олди дилимни,
У берганди қўлимдаги гулимни.
Кўза ўнгимдан кетмас ҳусни жамоли,
Кимга айтай юракдаги сиримни?

КЎЗИНГДАН

**Вафодорим, сенинг ширин сўзингдан,
Колхозимда йўқдир гўзал ўзингдан.
Меҳнат билан дoston бўлдинг элларга,
Кўзларимни узолмайман кўзингдан.**

**Богнамизда тўти қушлар сайрайди,
Ой жамолинг кўрсам кўнглим яйрайди.
Бахтиёрман озод ватан қўйнида,
Ҳамма бизга меҳр билан қарайди.**

**Гул-райҳонлар ўсар бизнинг йўлларда,
Урдак, гозлар сузар олтин кўлларда.
Халқлар бизда бир-бирига меҳрибон,
Ҳилпирайди шонли байроқ қўлларда.**

**Қандай гўзал, обод юртимнинг тонги,
Авжга чиқсин беш йилликлар оҳанги.
Вафодорим, бу чаманда чин дилдан
Меҳнат қилган марднинг тарқалар донги.**

**Вафодорим, сенинг ширин сўзингдан,
Колхозимда йўқдир гўзал ўзингдан.
Меҳнат билан дoston бўлдинг чўлларга,
Акмал кўзин узолмайди кўзингдан.**

ЎЙНА

(Лапар)

— Ўйна, гулгинам, ўйна,
Жону дилгинам, ўйна.
Кокилларинг силкитиб,
Хипча белгинам, ўйна.

— Даврим келди, ўйнайман,
Ўйнаб сира тўймайман.
Севганимнинг мадҳини
Қўшиқ қилиб куйлайман.

— Ўйна, гулгинам, ўйна,
Жону дилгинам, ўйна,
Минг ишва-мақом билан,
Чикка белгинам, ўйна.

— Жаранглайди шўх созинг,
Яшнайди баҳор, ёзинг.
Ором берар дилларга
Чамандаги овозинг.

— Гул-гул ёниб, ўйнаб кел,
Булбулсимон куйлаб кел.
Севган ёринг бўйини
Бўйларингга бўйлаб кел.

— Сен ўзингсан дилбандим,
Асалу шакар, қандим,

**Жоним гиргиттон сенга,
Дилга дили пайвандим.**

**— Уйна, гулгинам, ўйна,
Жону дилгинам, ўйна,
Акмал дилин яшнатиб,
Чикка белгинам, ўйна.**

**— Давр келди, ўйнаймиз,
Ўйнаб сира тўймаймиз.
Севгямизнимг мадҳини
Қўшиқ қилиб куйлаймиз.**

АЗИЗИМ

Азизим жон, азизим,
Жондан севган ёлгизим.
Сайр этайлик иккимиз,
Уш, Бухоро, Хоразм.

Ой юзингга тўймайман,
Номинг тилдан қўймайман.
Эшит юрак сўзимни,
Тасаддугинг бўлай мен.

Азизим жон, азизим,
Жондан севган ёлгизим.

Янграйди қўшиқ, созим,
Сенга ишқим, эъзозим.
Қанот бўлсанг ёнимда,
Самоларда парвозим.

Қоп-қора хумор кўзинг,
Қанду поввот, бол сўзинг,
Акмални сеҳрлаган
Кўнглимдаги ёр ўзинг.

Азизим жон, азизим,
Жондан севган ёлгизим.

ҚАЙДАСАН

Согиндим-ку, тоқат тоқ, ёр қайдасан?
Токай бу ноз, бу фироқ, ёр қайдасан?
Наҳот мени упутсанг, юз ўгирсанг,
Наҳот мумкин унутмоқ, ёр қайдасан?

Жоним десам арзийди, жонгинам ёр,
Жовдирайди йўлингда кўзларим зор.
Ялентирма бунчалар, ялентирма,
Қулоғингга айтгулик сирларим бор.

Айтмасам кошкийди, ўзгинанг билсанг,
Узинг билиб, майли, бағримни тилсанг.
Пахтазорга тезроқ кел, нигорим сен,
Акмалингни излаб кел, аҳдда турсанг.

Согиндим-ку, тоқат тоқ, ёр қайдасан?
Токай бу ноз, бу фироқ, ёр қайдасан?

ҚАРАМАДИ

Термилиб йўлида турдим, сира ёр қарамади,
Лоақал бир қайрилиб, кўзи хумор қарамади.
Унга бўлган меҳри, ишқим билса ҳам билмас бўлиб,
Куйдириб жони дилим, сира ёр қарамади.

На қилай қарамаса, ташлайми ўзни йўлига,
Минг таманно бирла ҳеч боқмайди ўнгу сўлига.
Кимга айтай дилдаги чексиз муҳаббат дардини,
Рашк ўтин ёқиб юракка, қилиб зор қарамади.

Майли, мен ҳам қарамай ёрим ўзи қарамаса,
Яшнаган боғу гулзорим ўзи қарамаса.
Қарагайман қараса, меҳри кўзимга тўтиё,
Акмалингни куйдириб, севикли ёр қарамади,
Куйдириб жони дилим ул беқарор қарамади.

ЕЛГИЗ ҶУЗИНГ СЕВГАНИМ

Шоҳи-атлас кийганим,
Кўнглим сенда деганим,
Унутма ҳеч, гўзал ёр,
Елғиз ўзинг севганим.

Ишқим тушди ўзингга,
Ширин-шакар сўзингга,
Қараб сира тўймайман,
Ёрим, шаҳло кўзингга.

Пахта тердим ўшанда,
Севдим сени гулшанда,
Бўйгинангдан ўргилай,
Қалб сўзига ишон-да.

Шоҳи-атлас кийганим,
Кўнглим сенда деганим,
Унутма ҳеч, гўзал ёр,
Елғиз ўзинг севганим.

ИШҚИГА ИҚРОР

Тили ширин ёримдан, кўзлари хуморимдан,
Минг ўргилсам арзийди, ишққа иқрор ёримдан.

Боғ айланиб гул экдим, ёр келар деб кўз тутдим,
Келмасини эшитиб ҳажрида озор чекдим.

Дарё жим-жим оқади, ёр жонимга ёқади,
Юракдан севган ёрим, энди кимга боқади?

Йўқ, ёр келамади дебди, бирга бўламан дебди,
То ўлгунча айрилмай, ўйнаб-куламан дебди.

Тили ширин ёримдан, кўзлари хуморимдан,
Акмалгинаяғ ўргилсин, ишқига иқроримдан.

ТАСАДДУҚМАН

Айланма кўчангда оқшом кездингми?
Гулзорингга келганимни сездингми?
Сезиб туриб, сезмасликка оласан,
Ё жонгинам, севганингдан бездингми?

Тасаддуқман-тасаддуқман ўзингга,
Жоним қурбон сенинг ширин сўзингга.

Баҳор чоғи очилади гулгунча,
Қийнаганинг етмайдими, ёр, шунча,
Айта қолгин бир калима сўзингни,
Термилтирдинг йўлларингга намунча?

Сендан бошқа дилбар кўрнимас кўзга,
Даркор эмас менга жонона ўзга,
Унутмагин Акмал айтгай сўзларни,
Мафтун бўлдим сендек лола-гул юзга.

Ёрғинам йўқлабди, бормасам бўлмас,
Қалбига ишқ ўтин солмасам бўлмас.
Жонажон юртимнинг олтин тўйида
Илғорлик давраси олмасам бўлмас.

Вафодор ёримни ой деб мақтайми,
Меҳнатда жўшқинли сой деб мақтайми?
Тўйга тўй улансин бўстонида,
Севганим чиройга бой деб мақтайми?

Бахт-иқбол бизларга кулиб боқади,
Пахтакор қиз-йигит элга ёқади.
Ватани юракдан севган фарзандлар,
Гулдаста устига гуллар тақади.

Ҳамиша дилрабо диёримизда,
Ишқ, вафо янграйди гулёримизда.
Акмалинг завқ билан тебратар қалам,
Заррача губор йўқ баҳоримизда.

ТҮЙ УСТИГА ТҮЙ БҮЛСИН

(Лапар)

И г и т

Пахтазорда кўрдим барно бўйингни,
Чин кўнгилдан айтай қувноқ куйингни.
Жонимдан ҳам сени яхши кўрганман,
Рози бўлсанг, бошлай катта тўйингни.

Қ и з

Шошманг, йигит, тўйнинг ҳали пайти бор,
Пайти келмай бунча бўлманг беқарор.
Терим фасли бирга меҳнат қилайлик,
Майли, бўлсин сўнгра сизда ихтиёр.

И г и т

Тўлин ойдаи кулиб турар ой юзинг,
Кўкрагингни безар Олтин Юлдузинг.
Юрагимга ишқ ўтини солгансан,
Қани энди, менга қатъий бер сўзинг.

Қ и з

Сўзим қатъий — план олдин юз бўлсин,
Хирмонлар тоғ бўлиб, кўнгиллар тўлсин.
Ваъдадаги пахтани бериб Ватанга,
Юртимизда тўй устига тўй бўлсин.

Й и г и 1 — Қ и з

Пахтазорда кўрдим барно бўйингни,
Чни кўнгилдан айтай қувноқ куйингни.
Жонимдан ҳам сени яхши кўрагман,
Рози бўлсанг, бошлай катта тўйингни.

СЕВГИ МАДҲИ

(Қиз қўшиғи)

Севги мадҳин куйлайман
Чертганда дуторимни.
Қанча севсам, кам дейман
Ёри вафодоримни.

Ақли ҳушимни олди
Бир йигит шу гулшанда,
Юрагимга ўт солди,
Менинг ишқим ўшанда.

Ўтганида неча бор —
Ташлади кўз қирини,
Уяламан сепдан ёр,
Айтишга қалб сирини.

На бўлур унинг ўзп
Келиб ҳолимни сўрса.
Кошкниди шахло кўзи
Юрагим ўтин кўрса.

Севги мадҳин куйлайман
Чертганимда торимни,
Қалча севсам кам дейман
Ёрв вафодоримни.

ЎИЗЛАРГА

Жонон қизлар, кўнгил берманг номардларга,
Аҳди ёлгон, орсиз, қуруқ савлатларга.
Вафосизнинг ишқи қурсин чуваланмай,
Могорлаган пўкак толдай уваланмай.

Минг ўргилиб, олдин сизга қаддин букар,
Оҳ-воҳ қилиб, муғамбирлик ёшин тўкар.
Эртасига унутади севгисини,
Билиб қўйинг шилқим ошиқ белгисини.

Соялардек ҳар қаерда бўлур пайдо,
Бир нафасда ҳар кимсага ошиқ — шайдо.
Ширин қизлар, қаллоб ошиқ қўлин олманг,
Даврон суринг ҳур меҳнатда, асти толманг.

Акмал айтар, кўнгил берманг номардларга,
Аҳди ёлгон, орсиз, қуруқ савлатларга.
Вафосизнинг ишқи қурсин чуваланмай,
Могорлаган пўкак толдай уваланмай.

Ёр яхши-ю ёр яхши,
Ёри вафодор яхши.
Ипак қўлларда тиниқ
Жаранглаган тор яхши.

Гул очилган боғимиз,
Нашъали ҳар ёғимиз.
Баҳор юрагимизда,
Йўқдир армон, доғимиз..

Ёр яхши-ю ёр яхши,
Ёри вафодор яхши.
Муҳаббатли юртимга
Тўй-томоша бор яхши.

Ўн саккизда ёр ёши,
Қоп-қора қалам қоши.
Асир олди ўзига
Кўп сеҳрли қараши.

Боғ айланиб гул экдим,
Ёр келар деб кўз тутдим,
Келмасини эшитиб,
Ҳажрида озор чекдим.

Мунча гўзал камоли,
Ойга ўхшар жамоли.
Икки ошиқ бир бўлса,
Шудир ҳаётнинг боли.

Жоним тасаддуқ, жонон, ўзингга,
Яшнайдн кўнглим, боқсам юзингга.
Ўзингсан чаман, ўзингсан баҳор,
Сен билан халқим қилур ифтихор.

Ўзбек элининг тоза гулисан,
Ардоқлаб, севган жону дилисан.
Яйра, кул, ўйна — келди давронинг,
Қолмасин сира дилда армонинг.

Шу гўзал қизнинг хуштори бўлдим,
Санъатинг кўриб, завқларга тўлдим.
Ўзим ўргилай ойдек юзингдан,
Меҳримни олган шахло кўзингдан.

Жоним тасаддуқ, жонон ўзингга,
Яшнайдн кўнглим, боқсам юзингга.
Ўзингсан чаман, ўзингсан баҳор,
Сен билан Акмал қилур ифтихор!

ЮЗИНГ

Юзинг ўхшайди ойга,
Шўхлигинг ўхшар сойга.
Мафтунман ақли расо
Сендай тенгсиз чиройга.

Ойдин кўлининг ғозиман,
Чертсанг — дутор, созиман.
Ихтиёрим ўзингда,
Айтганингга розиман.

Замон тургунча тургин,
Даври давронлар сургин.
Гўёки Ширин бўлиб,
Енбошимда ўлтиргин.

Кўп азоб берма менга,
Ҳар сўзинг терма менга.
Сўзингда турмас бўлсанг,
Қулочинг керма менга.

Юзинг ўхшайди ойга,
Шўхлигинг ўхшар сойга.
Мафтунман ақли расо
Сендай тенгсиз чиройга.

КЎРГАН САРИ

Қандай қилай ой жамолинг кўролмасам,
Кўрганда ҳам меҳрим қониб, тўёлмасам.

Хаёлингда кўнглим завққа тўлган сари
Кўргим келур, кўрган сари, кўрган сари.

Чаманларга нурин сочиб ой ботади,
Севганимни эслаб ҳар кун тонг отади.

Ўргилайин ёрининг қадди бўйларидан,
Дилга ором шўж, ўйноқи куйларидан.

Айб айламанг, жоду кўзнинг адосиман,
Шу гўзалнинг мен ошиқи шайдосиман.

Ўйнаб-кулмай бўладими шу давронда,
Ҳамма бахтли, шоду хуррам, ҳур замонда.

Акмал дили севганидан шод деб билинг,
Биз томонга ялла-гулёр айтиб келинг.

СОҲИБЖАМОЛИМ

Журналист қиз, севган соҳибжамолим,
Сеҳринг билан олдинг фикру хаёлим.
Куйдирсанг ҳам майли ширли жонимни,
Келмаса бас сенга зарра малолим.

Ҳақиқат жангчиси, оқила, барпо,
Сенга олқиш, сенга ҳурмат, тасанно.
Қалбинг ҳам нақ ўзинг аби нок, ёрқин,
Ватаним боғида ўсган гул, раъно.

Шарқираган сойдек жўшқин илҳоминг,
Меҳнат билан қандай ширин ороминг.
Сатрларинг завқ бағишлар дилларга,
Акмал дилин қувонтирар камолинг.

МЕН БИР ҚИЗНИ УЧРАТДИМ

**Янгиернинг йўлида
Чаман яшнар чўлида.
Мен бир қизни учратдим,
Дада гули қўлида.**

**Лафзи ҳалол қиз экан,
Сўзлари бол қиз экан.
Ой деса, ой дегулик,
Тиниқ жамол қиз экан.**

**Боқдим унга жоним деб,
Жониммас, жаҳоним деб.
Еруғ машъалим ўзи,
Севганим — жононим деб.**

**Йигитлари шўх, шоввоз,
Ерим булда яшар соз.
Бизнинг ёрга ёқмайди
Меҳнатсиз қуруқ пардоз.**

**Янгиернинг йўлида,
Чаман яшнар чўлида.
Мен бир қизни учратдим,
Ажмал гули қўлида.**

ДИЛ КУЙЧИЛАРИГА

Олтин далаларда қўшиқлар янграр,
Озодлик куйлари, ҳаётбахш овоз.
Меҳнатга жўр бўлиб оҳанг жаранглар,
Авжлари кўкларда қилади парвоз.

Қўшиғинг маъноси меҳнат ва зафар,
Фахр этар сен билан совет диёри.
Москва беради қар кун хушхабар,
Яшнайдн Ватанда инсон баҳори.

Қувноқ яллаларинг ёқимли, жонон,
Жўшқин музикалар унинг йўлдоши.
Ҳаёт бўлса яна кўркем, фаровон,
Нур сочсин тинчликнинг сўнмас қуёши.

Минг яша, куйлайвер, жонажон ўртоқ,
Қалбидан севади сени замона.
Уйғонсин куйингдан шаҳар ҳам қишлоқ,
Қўшиғинг янграсин, Акмал, шодона.

Мирзачўли чаман этган полвоним,
Хаёлингда ўтар ҳар кун, ҳар оним,
Жондан ширин менинг бахтли давроним,
Салом сенга,

марди майдонларга ҳам...

Сойлар тошиб оқар ўтган йўлингда,
Қанча дарё жияовланди қўлингда,
Ватан меҳри ишар доим дилингда,
Салом сенга,

марди майдонларга ҳам...

Қирғий деган қуш ўлтирар қиёда,
Зафарларинг ҳар кун бўлсин зиёда,
Шер йиғитлар омон бўлсин дунёда,
Салом сенга,

марди майдонларга ҳам...

Янгиерда шонми ё нур таратдинг,
Эл севгисин сен ўзинга қаратдинг.
Меҳнатингдан катта дoston яратдинг,
Салом сенга,

марди майдонларга ҳам...

СИРДАРЕДА БИР ҚИЗ ВОР

Сирдарёда бир қиз бор,
Чўлда яшнатган баҳор.
Кўрмасам туrolмайман,
Шундайин гўзал ул ёр.

Меҳнатда илгор ўзи,
Янги бўстон юлдузи.
Қараб сира тўймайман,
Асалдан ширин сўзи.

Чўл қувишда шер гўё,
Таслим бўлди Сирдарё.
Халқига чин вафодор,
Кўзида меҳригиё.

Босган изини бог этар,
Эл кўнглини чоғ этар.
Чевар қиз пахта терса,
Балад олтин тоғ этар.

Ерим чаман машъали,
Турмуши кўп нашъали.
Янгиерда яшнайдн
Қанча бўстонлар ҳали.

Бунда барча дўст-қардош,
Менинг ёримга йўлдош.

**Оч саҳро хуружиг
Ерим бермоқда бардош.**

**Сирдарёда бир қиз бор,
Чўлда яшнатган баҳор.
Кўрмасам туролмайман,
Акмал учун ифтихор.**

АНОРҲОН

Кўнглимдаги гўзал ёр,
Юзинг қип-қизил анор.
Ишонганим сен ўзинг,
Ҳажрингда чекмай озор.

Кел-кел, ёрим Анорхон,
Ишқинг билан ёнар жон.

Лабинг гўё гулгунча,
Нозу карашма мунча.
Қийнама ёш жонимни,
Ситам бўларми шунча?

Бўйинг бўйямга монанд,
Дилим дилингда пайванд.
Майли, билсин сиримни
Уш, Бухоро, Самарқанд.

Озод, шод диёримиз,
Тинч яшаш шноримиз.
Бирга даврон сурайлик,
Қатъийдир қароримиз.

Кел-кел, ёрим Анорхон,
Акмалга сен ёнар жон.

ЮМАЛАБ-ЮМАЛАБ

(Халқ куйида)

Н а қ а р о т

Юмалаб-юмалаб айтаман,
Юмалаб кетсам қайтаман.
Юракдаги дардимни
Ёргинамга айтаман.

Ёрим бору ёрим бор,
Кўзлари хуморим бор.
Ёрим жондан севади,
Яна ие армоним бор.

Н а қ а р о т

Ёр яхшию ёр яхши,
Ёру вафодор яхши.
Ёр куйини куйлашга
Жаранглаган тор яхши.

Гул очилган боғимиз,
Нашъали ҳар ёғимиз.
Баҳор юрагимизда,
Йўқдир армон, доғимиз.

Минг тасаддуқ ўзгинам,
Ширин-шакар сўзгинам.
Акмалинг ошиқ сепга,
Менинг шахло кўзгинам.

КИМ КЕРАК?

(Лапар)

Оқ терагу кўк терак,
Биздан сизга ким керак?

Дили дилимга пайванд,
Тили ширил, тили қанд,
Меҳри ишқим унга банд,
Шакар гуфторим керак.

Оқ терагу кўк терак,
Биздан сизга ким керак?

Жарапглайди шўх сози,
Булбулсиймон овози,
Жонгинамга жон ноzi,
Асил дилдорим жерак.

Оқ терагу кўк терак,
Биздан сизга ким керак?

Обод, чаман гулшанда,
Кўриб қолдим ўшанда,
Муҳаббати жоп-танда,
Гулим, гулзорим керак.

Оқ терагу кўк терак,
Биздан сизга ким керак?

Ташлади кўз қирини,
Ҳеч ким билмас сирини,
Акмал севади уни,
Вафодор ёрим керак.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан, жонон бўлинг, ёр-ёр,
Шундай ширин замонда ўйнаб-кулинг, ёр-ёр.

Меҳнат билан ясатилган тахтимиз бор, ёр-ёр,
Ҳавас қилса арзийдиган бахтимиз бор, ёр-ёр.

Ёр-ёр айтиб борамиз сой бўйига, ёр-ёр,
Совға қилсак ярашади эл тўйига, ёр-ёр.

Дока кўйлак этагига тут қоқайлик, ёр-ёр,
Келин тушган бахтли уйда ўт ёқайлик, ёр-ёр.

Қат-қатгина қатлама қатланади, ёр-ёр,
Қизни олиб дугонаси отланади, ёр-ёр.

Қизни олиб дугонаси қараб турсин, ёр-ёр,
Оқ сут берган онажони рози бўлсин, ёр-ёр.

Дарёга тош отманглар, ботар-кетар, ёр-ёр,
Колхозимиз берган ҳосил элга етар, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлап, жон ўлан, ой боласи, ёр-ёр,
Бизнинг келин қишлоқнинг гул-лоласи, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан, жонон бўлинг, ёр-ёр,
Шундай ширин замонда ўйнаб-кулинг, ёр-ёр.

Армоним йўқ, озод Шарқнинг қизиман,
Ой деса — ой, кун деса — кундузиман.
Ўзатганда қўлим етар осмонга,
Чўлда баҳор яратганинг ўзиман.

Ҳамма халқлар бахтли менинг элимда,
Гул-чечаклар пояндоздир йўлимда.
Қалбим кенгдир, олис кўрар кўзларим,
Улут Ленин номи яшар дилимда.

Кенг жаҳонда қўшиқларим янграйди,
Барча дўстлар овозимни тинглайди.
Ҳар бир сўзим тинчлик ишин гавҳари,
Халқлар менга жўр бўлади, яйрайди.

Армоним йўқ, озод Шарқнинг қизиман,
Ой деса — ой, кун деса — кундузиман.
Ўзатганда қўлим етар осмонга,
Чўлда баҳор яратганинг ўзиман.

ҲУНАГИМ

Ҳамма нарса ҳунарда,
Ҳунар билан унар-да.
Боғ яратдик чўлларда,
Шараф-шоним ҳунарим.

Ҳунар ўрган, жон ўртоқ,
Ҳунарға олам чанқоқ,
Ҳунар билан диллар чоғ,
Куч-мадорим ҳунарим.

БУВИЖОН

(Кичкинтойлар тилидан)

**Дадажоним ойиси
Бувижоним бўлади.
Буви деган чоғимда
Кўнглим завққа тўлади.**

**Раҳмат сизга, бувижон,
Донм бўлинг соғ, омон.
Оиламиз бағрида
Ҳурматдасиз ҳар қачон.**

**Сиз бердингиз тарбия,
Уқиб гўзал мадҳия.
Таълим бериб юракдан
Яхши одам бўл, дея.**

**Дадам машҳур ўқитувчи,
Мен аълочи ўқувчи.
Ойижоним фабрикада
Шоҳи, атлас тўқувчи.**

**Турмушимиз фаровон
Қандай бахтли ҳур вamon.
Бувижоним қалбида
Зарра йўқдир гам, армон.**

**Яша, советлар халқи,
Қўёшдай порла, балқи.**

**Бизда ҳамма бувилар
Ота-оналар бахта.**

**Дадижоним ойиса,
Бувижоним бўлади.
Буви деган чоғида
Кўнглим завққа тўлади.**

ТОШДУ ЙИГИТ-ҚИЗЛАРИ

(Тўйхат ғрнида)

Фан боғининг гулисиз,
Элнинг жону дилисиз,
Саодат булбулисиз,
ТошДУ йигит-қизлари.

Уйнаб оқар шўх сойсиз,
Фазилатга хўп бойсиз,
Қур Ватанга чиройсиз,
ТошДУ йигит-қизлари.

Ленин қўйиб берди ном,
Сизга қилди зўр нигом,
Ҳаммангиз ҳам дилором,
ТошДУ йигит-қизлари.

Муҳандис, доктор, олим,
Мураббий ва муаллим,
Устоздан олур таълим,
ТошДУ йигит-қизлари.

Қалбингиз кулган баҳор,
Одоб-ахлоқ сизга ёр,
Ватан қилур ифтихор,
ТошДУ йигит-қизлари.

Тарихингиз зўр, улуг,
Улкамиз бахтга тўлуг,

**Байрам муборак, қутлуғ,
ТошДУ йигит-қизлари.**

**Акмал дейди, соғ бўлинг,
Бахту иқболга тўлинг,
Минг йиллар омон бўлинг,
ТошДУ йигит-қизлари.**

ТЕКСТИЛНИНГ ҚИЗИМАН

Элнинг кўрар кўзиман,
Ишда ёруғ юзиман.
Кимлигимни сўрсангиз,
Текстилниг қизиман.

Текстилниг йўли соз,
Кўлида ўйнайди гоз.
Текстилниг қизлари
Меҳнатда баландпарвоз!

Шўх булбуллар сайрайди
Баҳор фасли бўлганда.
Еш юрагим яйрайди
Дастгоҳимни кўрганда.

Мардона қиз — пахтакор,
Бергил, қанча пахтаг бор.
Шоҳи, читлар тўқийман,
Ватан бўлсин миннатдор.

Элнинг кўрар кўзиман,
Ишда ёруғ юзиман.
Кимлигимни сўрсангиз,
Текстилниг қизиман.

Магазиним гул жамол,
Йўлдошим бахту иқбол.
Улуг халқим хизматин
Бажарамап пок, ҳалол.

Элининг чаққон қизиман,
Ишда ёруғ юзиман.
Совет савдо бобида
Турсунойнинг ўзиман.

Кун каби ёруғ йўлим,
Чарчашни билмас қўлим.
Советлар замоннда
Ҳаётим заққли, сўлим.

Шалола бўлиб оқдим,
Савдода элга ёқдим.
Ватанимдан ўргилай,
Кўкракка орден тақдим.

Касбим савдо ходими,
Улуғлайман мен уни.
Совет савдо меҳнатин
Шарафлайман ҳар кунн.

Қандай гўзал қононам,
Ярқираган пенюнам.

**Ширин сўзли харидор,
Акмалдек бағри кўклам.**

**Магазиним гул жамол,
Йўлдошим бахту иқбол.
Улуғ халқим хизмати
Бажарамаш пок, ҳалол.**

МОСКВА ҚИЗЛАРИГА

Москванинг қувноқ, гўзал қизлари,
Пойтахтнинг эй, юзлари қирмизлари.

Тошкентдан келтирдим бир дунё салом,
Меҳру муҳаббатдап дил олсин ором.

Қайси тилда сўйлай, тасаддуқларим,
Қайси тилда куйлай, тасаддуқларим.

«Жон» дейми, ё «жонон» бўлсин сўзларим?
МГУ, метро қурган бўтакўзларим!

Келиб Ўзбекистон боғларин кўринг,
Оқ олтин водийсин тоғларин кўринг.

Сиз учун ҳар ерда иззату ҳурмат,
Сизларни кутади Қумри, Марҳамат.

Москванинг қувноқ, гўзал қизлари,
Пойтахтнинг ойлари, юлдузлари.

Тошкентдан келтирдим туганмас салом,
Акмалий меҳридан дил олур ором!

ҲАЖВИЙ ШЕЪР ВА ҚУШИҚЛАР

ТУҲМАТ ВА ИЛОН

Халқимиз тўқиган шундай афсона,
Афсонаки, бунга қойил замона:
Қадимдан бир экан туҳмат ва илон,
Уларнинг қилмиши қабиҳ, беомон.
Кунлардан бир кун илон сўз очиб,
Оғиздан беомон заҳрини сочиб,
Вишиллаб берибди туҳматга савол:
«Жавоб бер сўзимга, эй дарди маҳол,
Биринчи дўзахи менми ёки сен?
Умрингда гапиргин бир марта рост сен!»
Илоннинг саволи туҳматга ботиб,
Бир дафъа қолибди қайроқдай қотиб,
Сўнгра дўқ урибди унга тоза ҳам:
«Сен ифлосдан баланд қаттоки соям,
Узингни тенг қилма менга, эй суллоҳ!
Даҳшатим зарбидан топмайсан папоҳ,
Туҳмат деса қалтирайди кенг олам,
Танамни қоплаган фиққ-фужур, алам,
Сенинг заҳринг урвоқ бўлмас заҳримга,
Дод дейди одамзод тортсам қаъримга,
Номимдан чўчийди Кўҳиқоф тоғи,
Дам урсам қурийдди боғу булоғи.
Сен чақасан суриштирмай сира ҳам,
Кечалар изгийсан, тинмайсан бир дам,
Сенинг учун ким бўлишнинг фарқи йўқ,
Ғанимнинг тағига тушунгин тўлиқ —

Заҳрингли сочасан ҳамма кишига,
Ажратмасдан унинг тутган ишига.
Мен қилмайман сира сен каби ундоқ,
Олдин танлаб, сўнгра отаман қармоқ:
Ватанга ким содиқ, обрўси катта,
Актив жамоатчи юрда, элатда.
Ана шуни кўз тагига оламап,
Пойлаб журиб, сўнгра човут соламап.
Мендан безор ҳамма: гузар, маҳалла,
Шуни ҳам билмайсан аҳмоқ, хомкалла!
Бўхтонимдан юзлаб киши овора,
Комиссия, текшир-текшир, не чора?
Фош қилинар охир қора ниятим,
Катта амал, мўмай ойлик — мақсадим.
Дастимдан гуноҳсиз чекар изтироб,
Қанча пул, қиммат вақт туҳматга исроф.
Фитнага тўладир чириган халтам,
Фасоддан ясалган қўлимда болтам.
Бегонадир менга ҳаё ва виждон,
Алҳазар дер мени кўрган ҳар инсон.
Мудҳиш кишиларга жирканч қурулман,
Гуноҳсиз эзишга ҳамипша зорман...»

* * *

Оталар қўл очиб маърака, тўйда,
Фотиҳа ўқилса меҳмонда, уйда —
Туҳмат балосидан асра деганлар,
Инсонни туҳматдан сақла деганлар.
Заҳар қўшар туҳмат олдин ошинга,
Сўнгра урар тўқмоқ билан бошинга.
Тарихга кўз ташлави, азиэ дўстларим,
Туҳматда бўлмайти заррача шарм.
Туҳмат билмас она-Ватан қадрини,
Туҳмат билан эзар юрак-бағрини,
Туҳмат қилар онасин ҳам ҳақорат,

Тухмат очкўа, олғир, сотқин, касофат.
Фарёд чекди тухматдан Улуғбек, ҳайҳот,
Тухмат билан муҳташам қасрлар барбод,
Тухматдир одамнинг қўлини қайирган,
Тоҳирларни Зухросидан айирган:
Тухматдан Отелло ўзини ўлдирди,
Севикли ёрининг гулини сўлдирди.
Азоб чекди кўплар қуруқ тухматдан,
Қалбига қон тўлди ноҳақ кулфатдан.
Тухматдан дод деди улуғ Навоий,
Тухмат билан ёнди билим саройи.
Жамияла, Гулининг тақдирини ави,
Уларни чаққанди тухматчи чаён,
Тухмат бор жойларда — шубҳа ва гумон,
Тухматдан зирқираб қийналади жон.
Тухматни азага, тўйга ҳам айтманг,
Кўрганда юзига тупурмай ўтманг!
Тухматдир одамнинг машъум душмани,
Бир нафас унутманг, дўстларим, буни.
Ўт очинг, тухматга ҳужум ва ғорат,
Ким янчса тухматни топар саодат.

Борган сари кучайибди тортишув,
Икки разил ўртасида олишув,
Еқалашиб боришибди дўзахга,
Булар учун ҳеч ким келмас гувоҳга.
Епиқ эди жаҳаннамнинг эшиги,
Кўринмасди ҳеч қаердан тешиги,
Ҳай-ҳайлаб чақирди тухмат ва илон,
Бу мудҳиш овоздан ҳайратда шайтон.
Шу онда чиқибди дўзах ҳокими:
«Бевақт сўрайсан, аблаҳлар, кимни?»
Улар дебди: «Эй ҳоким, бўлган бизга эш,
Жанжалли саволни энди ўзинг эш.

Биримиз туҳмату биримиз илоп,
Дунёда биз каби йўқдир шарлатон,
Дўзахга ким тушар биринчи бўлиб,
Ростин айт, тортирма, юзимиз кўриб».
Шу онда дўзахдан ҳайқирди шайтон,
Даҳшатли овози, қўрқинчли тўгон:
«Туҳматни дўзахга қўймагин эинҳор,
Туҳматдир жаҳонда энг разил беор.
Туҳмат кирса дўзахга мен туролмайман,
У билан бир сафда ҳеч юролмайман,
Туҳмат кирса, менга ҳам қилади туҳмат,
Бошимда ошади ғам, алам, кулфат.
Шунда дебди ҳоким туҳматга қараб,
Туҳматга тан бериб, бошини силаб:
«Биринчи дўзахи ўзингсан ҳар ов,
Дўзахнинг ўтида роса тутаб ён.
Ҳазар қилар сендан шайтон ҳам, билгин,
Юзингни тимдалаб, сочингни юлгин.
Жирканар башаранг кўрганда дўзах,
Ўзингсан шарманда, муттаҳам, аблаҳ».
Ҳеч киши бўлмасин туҳматга дучор,
Туҳматнинг овози дўзахда ўчар.
Акмал сўзин, дўстлар, демангиз бекор,
Туҳматни ҳар ерда қилинг тор-мор.

ЛАЪЛИ БАДАХШОН

(Дангаса эр, илгор хотин лапар)

— Нон ўтмайди томоғимдан,
Қор ёғаркан қовоғимдан,
Ош аримас товоғимдан,
Меҳнатга ҳеч йўллама.
Лаъли бадахшон,
У менга равшан.

— Кунинг ўтар ароқ ичиб,
Дўсту ёрлардан кечиб,
Юмалайсан тўйни ечиб,
Ялқовлардан ҳеч сўз очма.
Лаъли бадахшон,
Бу сенга равшан.

— Ез бўлса-ю, қиш бўлмаса,
Ош бўлса-ю, иш бўлмаса,
Биров менга гинг демаса,
Меҳнат қилиш кўн бемаза.
Лаъли бадахшон,
У менга равшан.

— Аганайсан пана жойда,
Юмалайсан ичиб лойда.
Иш қолди-ку ариқ, сойда,
Ялқовлигинг тегди жонга.
Лаъли бадахшон,
Бу сенга равшан.

— Иил, ой нуқум ётаверсам,
Ошигимни отаверсам,
Қоплаб гапни сотаверсам,
Меҳнат қилмай ўтаверсам.
Лаъли бадахшон,
Бу менга равшан.

— Эрим бўлмай ўлгин ахир,
Ювдирмайсан, тўнлар яғир,
Оринг йўқдир сенинг тақир,
Обруйни қилдинг бир нақир.
Лаъли бадахшон,
Бу сенга равшан.

— Бўлди, дейман, сирни очма,
Заҳарингни менга сочма.
Таъна қилиб, ҳаддан ошма,
Ҳар қанча иш битар, қочмас.
Лаъли бадахшон,
У менга равшан.

— Нима қилай, ҳой дангаса,
Бир меҳнат кунинг бўлмаса,
Бошқа бўлсин энди коса,
Куйдирдинг-ку мени роса.
Лаъли бадахшон,
Бу сенга равшан.

— Майли, мен ҳам зарбдор бўлай,
Меҳнат деса тайёр бўлай,
Сен сингари илгор бўлай,
Далаларда ўйнаб-кулай.
Лаъли бадахшон,
Оламга равшан.

МАҚТАНЧОҚНИНГ ШҮРИ

Тоғда бир гўзал арча,
Япроқлари заррача,
Яшар эди камтарин,
Шовиллайди, олмас тин,
Ҳамма мақтарди уни,
Мақтар эди тун-куни.
Дердилар: «Камёб арча,
Гаштлари ҳам бўлакча,
Баланд тоғлар макони,
Темирдек маҳкам жони,
Минг йил яшар кўрки бор,
Ҳамиша қалби баҳор.»
Мақтовдан сўнг у арча
Обқ олди бўлакча,
Кундан-кунга кеккайди,
Тўғри йўлидан тойди.
«Ундоқман», деб мақтанди,
«Мундоқман», деб мақтанди.
Деди: «Ўзгинам танҳо,
Тутган ўрним бебаҳо,
Номим билан тўй, қашам,
Тоғ, дир менга қарам.
Ҳамма мени сўйлайди,
Таърифимни куйлайди.
Дарахтларга ўзим шоҳ,
Бундан бўлинглар огоҳ».

Шунда чидолмай пўстлоқ,
Тоқатлари бўлди тоқ,
Деди: «Дўстим арчажон,
Чиранасан сен чунон,
Бино қўйма ўзингга,
Жилов солгин сўзингга.
Кунда ҳаддингдан ошма,
Қовлиқиб терлаб-тошма.
Чинордан олгин ўрнак,
Яшайди доим бирдак.
Ҳамманинг меҳри шундан
Баҳра олади ундан...
Қилма мунча манманлик,
Жонга тегди қайсарлик».
Арча бунга чидолмай,
Роса солди доду вой,
Ўзин уриб ҳар ёққа,
Чангал солди пўстлоққа.
Деди: «Сен бир паст пўстлоқ,
Гўёки чўлда янтоқ.
Мен денгизу сен кўлмак,
Олдимда майна, эрмак.
Ким қўйди сенга гапни,
Урганмабсан адабни,
Йўқол, ҳозир кўзимдан,
Қўрққин, даҳшат сўзимдан!»
Шу пайт, қарангки, пўстлоқ
Ўзини олиб йироқ
Арчанинг танасидан,
Ажралди панасидан,
Буни кўрди-ю арча,
Япроқлари варрача,
Баданлари қизишиб,
Шох, бутоги тиришиб,
Тоб беролмай офтобга,
Бели икки букилиб,

Зарралари тўкилиб,
Яланғоч бўлиб қолди,
Япроқдай сўлиб қолди.

* * *

Ажралмагин дўстингдан,
Шилинмагин пўстингдан.
Акмал сенга рост айтди,
Дилда борини битди.

Аввалида дўст деб қўлим ушлади,
Мурувват кўрсатиб, кўнглим хушлади.
Сал ўтмасдан қийшайтирди юзини,
На сабаб бўлганин биололмай қолдим.

Еки агёр отди тухмат бошимга,
Аҳдин бузиб ёр келмади қошимга.
Уясиз қуш каби учди-ю, кетди,
Қаерга қўнганин кўролмай қолдим.

Ушбу дамдир, бошқа дамни дам демас,
Кўринишда ҳеч нарсадан кам эмас.
«Лип» этиб ишиндек йўқолди кўздан,
Сири асрорини сўролмай қолдим.

Кейин билсам, ўзга ёрни топибди,
Бизни ташлаб, бошқага сўз қотибди.
Афсуски, фирибгар чиқди қўлимдан,
Вақт ўтди, дум патин юлолмай қолдим.

МАНМАН

Манманлик, кибру ҳаво қилмасин бошингни банд,
Баланд бўлмоқ истасанг, тутмагин ўзин баланд.
Саъдий Шерозий

Ҳар нарсадан пастдир, билгин, манманлик,
Манман қилар дўстига ҳам душманлик.
Олдин манман ҳаво боғлар ўзига,
Тоғ пўчоқча кўримайди кўзига.

Жаҳд билан муштин урар кўкракка,
Дейди-ку: «Фил чўкиб, десин жон ака!»
Кибр билан тўлиб-тошган димоғи,
Гўё эмиш ўзи элнинг чироғи.
Димоғдору кезар доим осмонда,
Бошқани санамас ҳисобда, сонда.
«Ўзим», дейди кеча-кундуз бақириб,
Ҳаммани сенсираб, дўқ-ла чақириб.
Фазилатмиш гўё унга манманлик,
Билмайдик, бу қилиғи подонлик,
Қабихдир манманлик — асло унутма,
Бу одатдан асло яхшилик кутма!
Сал пастроқ туш, яхшилардан ўрнак ол.
Ҳали вақт бор, ақл-ҳушинг ишга сол.
Ҳушёр бўлиб қара у ёқ-бу ёғинг,
Бу одатга берилмагин сен сира,
Эл олдида манманнинг юзлари қора.
Тўғри ёзган Саъдий манманга атаб,
(Ўйлайман, бу сенга бўлади мактаб).
Деди: «Ҳаддан ортиқ ловиллаган шам,
Куйдирмоғи мумкин хошу монинг ҳам».
Такаббур бўлмагин, бўлгин ёқимтой,
Камтарлик ҳамиша инсонга чирой.

ҚАЙНАНА ВА КЕЛИН ЛАПАРИ

Қ а й н а н а

Ақл-идрокда танҳо,
Ҳушёр, зийрак бебаҳо.
Меҳри ишқи дилга жо,
Чевар, чаққон келиним.

К е л и н

Оиламиз савлати,
Кўрки, ҳусни, давлати.
Баланд қадди қомати,
Салобатли қайнанам.

Қ а й н а н а

Ойи, деб аста келар,
Эркалаб, бошим силар.
Мени жонидай билар,
Оромижон келиним.

К е л в н

Узоқни кўрар кўзи,
Ширин-шарбат ҳар сўзи.

Яшвар ёруг юлдузи,
Инобатли қайнанам.

Қ а й н а н а

Қўша-қўша ябира,
Фарҳод, Тоҳир, Замира,
Лчшқ-араз йўқ сира,
Шоду хандон келиним.

К е л и н

Билмаганим билдирар,
Хурсанд қилиб кулдирар,
Ҳамма ишни дўндирар,
Ҳароратли қайнанам.

Қ а й н а н а

Узи жуда меҳнатқаш,
Сухбати доно, дилқаш,
Ширин сўзли, ҳазилқаш,
Хўп меҳрибон келиним.

К е л и н

Насиҳатн кўзга нур,
Айтганлари гавҳар, дур,
Миннатдормиз бир умр,
Адолатли қайнанам.

Қ а й н а н а

Бўлай сенга гиргиттон,
Ҳамма ишинг сарайжом,

Қойил қелади меҳмон,
Қалби жаҳон келинам.

К е л и н

Бахтга тўла хонамиз,
Минг яшасин онамиз.
Бошида парвонамиз
Шарофатли қайнанам.

Қўй, эй, дўстим, ҳасадни,
Даври даврондан гапирсанг-чи.
Ширин суҳбат, ширин дам,
Яхши онлардан гапирсанг-чи.
Бировлар ғийбатин қилма,
Юзингга тушмасин ҳеч доғ,
Юрак торини чертган
Лаъли хандондан гапирсанг-чи.

У бирлаи дўсту ёр эрдинг,
Қани аҳдингга турганинг?
Бало бўлғай ўзингга,
Оқибатда шубҳа, ёлғонинг.
Йўқот мишмишларингни,
Яхшилардан ўрнак ол доим.
Кўтар қаддингни ростдан,
Рости виждондан гапирсанг-чи.

Қабоҳат эл ичида,
Бегуноҳга бўҳтон орттирмақ.
Юзи тубан кишидир,
Яхши дўстим йўлдан оздирмоқ.
Тўқиб ҳар хил маломат,
Ўз бошингни гамга тўлдирма.
Томоша, сайри боғу,
Уста богбондан гапирсанг-чи.

Гапирма, дилга сизмас,
Зарра бўлсин ҳеч ёмонликдан,
Етишгай ниятига ҳар киши —
Албатта ҳалолликдан.
Қулоқ сол Акмалинига,
Сен агарчи тоза дил бўлсанг,—
Садоқатдан, вафодан,
Илму урфодан гапирсанг-чи.

КУЛГИДАН

Сиқилган кишига кулги бахш этмоқ —
Бир ботмон қанддан ҳам, билинг, яхшироқ.
Умар Хайём

Дилнинг машъал чирोगи,
Яшнаган боғу роғи.
Севинч, қувонч ҳар ёғи —
Шоди хандон кулгидан.

Ҳамма дарднинг давоси,
Шифодир ҳар садоси.
Хуррамлик муддаоси —
Гули хандон кулгидан.

Доим бўлгин хушчақчақ,
Умрингги қилар узоқ.
Яқин бўлади узоқ —
Хуштаъб, жонон кулгидан.

Юзинг қип-қизил анор,
Қалбингда мангу баҳор.
Четда қолмагин зинҳор
Хуш хиромон кулгидан.

Дўстга кулги бахш этмоқ,
Кўнглига ёқмоқ чироқ —
Қанд, асалдан яхшироқ,
Орому жон кулгидан.

Меҳнат қилиб толмайсан,
Вулбул каби сайрайсан.

Қўшиқ айтиб яйрайсаи,
Авжи осмон кулгидан.

Кулги қадрин билингиз,
Рақиб бағрен тилингиз.
Маъно тўла дилингиз,
Тоза виждон кулгидан.

Юртим кулги макони,
Халқимнинг йўқ армони.
Қаҳқаҳа унинг жони,
Эл чароғон кулгидан.

Келинг, дўстлар, кулайлик,
Қалбни қалбга улайлик.
Акмал сўзин қўллайлик,
Еруғ жаҳон — кулгидан.

ҚИЛПИЛЛАМА

(Чол ва кампир лапар)

Юр жонгинам далага, қилпиллама,
Юзинг ўхшар лолага, қилпиллама,
Кампирсан, аммо тенгдир, қилпиллама,
Меҳнатинг қиз болага, қилпиллама.
Қилпиллама дейман-о, қилпиллама.

Шоли солдим келимга, қилпиллама,
Қийиқ боглаб белимга, қилпиллама.
Мўл етишган ҳосилни, қилпиллама,
Совға қилай элимга, қилпиллама,
Қилпиллама дейман-о, қилпиллама.

Ўзим қари, кўнглим ёш, қилпиллама,
Доим ёшларга йўлдош, қилпиллама.
Чолу кампир меҳнатда, қилпиллама,
Бўлдик илғорларга бош, қилпиллама.
Қилпиллама дейман-о, қилпиллама.

Рўмолим учи сочиқ, қилпиллама,
Борсам дарвозанг очиқ, қилпиллама.
Жон тасаддуқ бўйингга, қилпиллама,
Мен маъшуқу сен ошиқ, қилпиллама.
Қилпиллама дейман-о, қилпиллама.

БИР ГАП БЎЛАР КЕТАР-ДА

Доим оғзида ялла,
Доим базми тарала...
Дедим:— Аҳволинг қалай?
Экишга бўлдингми шай?
Деди:— Шошиш на даркор,
Бир гап бўлар кетар-да.

Бу йил ҳам бўлма афгор,
Сени кутмайди баҳор.
Дедим:— Отинг қамчила,
Ҳали ишларинг чала.
Деди:— Шошиш на даркор,
Бир гап бўлар кетар-да.

Уйдим-чуқур ерларинг,
Қани, арслон, шерларинг?
Дедим:— Қолма гафлатда,
Гап эшитиб ҳар қатта.
Деди:— Шошиш на даркор,
Бир гап бўлар кетар-да.

Ариқ-зовур чопиқсиз,
Вақтинг ўтмоқда, эсиз,
Дедим:— Тез чиқ далага,
Ўзинг олмай панага.
Деди:— Ташвиш на даркор,
Бир гап бўлар кетар-да.

Сўзда жўхори, дейсан,—
Чорванинг ёри, дейсан.
Дедим:— Амалда қани?
Ким бажарар ваъдани.
Деди:— Шошиш на даркор,
Бир гап бўлар кетар-да.

Давом этса бу аҳвол,
Етар ўзингга завол.
Дедим:— Сен ҳам илғор бўл,
Ҳосилларинг бўлсин мўл.
Деди:— Шошиш на даркор,
Бир гап бўлар кетар-да.

АЛИ БИЛАН ВАЛИ

«Ўзгалар айбига тетик назар сол,
Ўз айбинг кўргандек ундан ибрат ол!»
Низомий Ганжавий

Али билан Вали эски дўст эди,
Бир тана бўлса, бири гўст эди,
Бир ерда кўжарган гўё ниҳоли,
Аливой юз бўлса, Валивой холи,
Қил ўтмас орадан сира-сира ҳам.
Бир майизни бирга кўришар баҳам,
Шу равишда ўсди дўстлик томири,
Ҳеч айрилмас бўлди икков охири.
Кунлар ўтди, лайлак келиб, ёз бўлди,
Мансаб тегиб, Валивой дароз бўлди.
Ҳадемай унутди босар-тусарин,
Писанд қилмай қўйди дўст, ошна, барин.
«Али дегани ким? Ошнами ёки...
Кўзимга кўринмас қилча ҳаттоки».
Донолар бу ҳолни олдин айтганлар,
Нодон дўст ҳақида мақол битганлар,
Бу жуда яхши сўз, сен ҳам сол қулоқ,
Нодон дўстдан кўра душман яхшироқ.
Кунлар ўтди, лайлак келиб, ёз бўлди,
Валивойга халқ танқиди соз бўлди,
Нодон ишдан тоза боллаб урилди,
Ўз вақтида мансабидан сурилди.

* * *

Ким ажралса элдан, шундай бўлғуси,
Нушаймондан қалби гашга тўлғуси.
Қойил қолинг замонанинг зайлига,
Йўл қўймайди мансабдорнинг майлига.

Аҳил эди ўтган йил
Қон-қариндош Тил ҳам Дил.
Дил буюрса нимани —
Тил қиларди ўшани.
Лекин неча валдираб,
Тил бошлади шундай гап:
— Эшитасан кўп дашном,
Билмайсан сира ором,
Ҳали бола туғилмай,
Дунё не — ўзи билмай,
Ишлайсан кеча-кундуз,
Деёлмайсан бирор сўз.
Ўзинг жуда анқовсан,
Забони йўқ — соқовсан.
Қоронғи турар жойинг,
Кўринмайди чиройинг.
Мени қара, ўйнайман,
Хоҳлаганим сўйлайман,
Ўзим одам огзида,
Чарх ураман баъзида...

Дил эса Тилга қараб,
Тилдан бир оз ўпкалаб:
— Сал ўзингни бос,— депти,
Тил эса баланд кепти.
Тўқипти ёлғон, яғво,

Бошлабди жанжал, гавго.
Дил бу ҳолни эшитиб,
Баданлари қизишиб,
Бир зум тўхтаб қолибди,
Тил-чи, яхлаб қолибди.

* * *

Тилнинг жиловин ушла,
Инсон кўнглини хушла,
Дилдагини тилга айт,
Елгон сўздан ҳар вақт қайт.

ДЕЯВЕРИНГ

(Лапар)

М у д и р

Ҷар кун бўлса ширин қаймоқ,
Боз устига тухум қуймоқ,
Ҷай-ҳай, уни тўйиб емоқ —
Тан яйратар деяверинг.

С о г у в ч и

Ишламасдан ейиш қаймоқ,
Боз устига тухум қуймоқ.
Яна уни тўйиб емоқ,
Дил ўйнатар деяверинг.

М у д и р

Суту қатиқ, барра кабоб,
Қовурдоғу хушхўр шароб.
Сайраб турса дутор, рубоб,
Тиш қайратар деяверинг.

С о г у в ч и

Номингиздир Салим мўйлов,
Айтингиз-чи, қайда яйлов,
Озиб кетган чорва-улов,
Феъл айнатар деяверинг.

М у д и р

Менга мунча газаб қилманг,
Аччиқ сўз-ла бағрим тилманг.
Аҳволимдан сиз ҳам кулманг,
Ишчан раҳбар деяверинг.

С о г у в ч и

Утган йил ҳам шундай бўлган,
Масхаралаб кўплар кулган,
Сигир озиб, бузоқ ўлган,
Тил сайратар деяверинг.

М у д и р

Ҳар кун бўлса ширин қаймоқ,
Боз устига тухум қуймоқ,
Ҳай-ҳай, уни тўйиб емоқ,
Тан яйратар деяверинг...

С о г у в ч и

Илгорлардан олинг ўрнак,
Бўлманг сира қирриқ-туллак.
Қора бўлса агар юрак,
Сафдан чиқар деяверинг.

ВОҲ, ЭЙ БОЛА

(Икки отарчи бир тўйда)

Э р

Бугун роса ўйнайсан, воҳ, эй бола,
Ўйнаб сира тўймайсан, воҳ, эй бола.
Бор ҳунаринг ишлатиб, ҳой бола,
Қистирмасга қўймайсан, жон бола.

А ё л

Тўйда амма, холамиз, воҳ, эй бола,
Катта доврўқ соламиз, воҳ, эй бола.
Иккаламиз бир бўлиб, ҳой бола,
Борин қоқлаб оламиз, жон бола.

Э р

Юзинг гўё чирманда, воҳ, эй бола,
Сариқ чақага банда, воҳ, эй бола.
Санъатни ерга уриб, ҳой бола,
Майли бўлсак шарманда жон бола.

А ё л

Ўзинг жуда қирриқсан, воҳ, эй бола,
Сув юқтирмас силлиқсан, воҳ, эй бола.
Ўлжаларни бўлишда, ҳой бола,
Ўтакетган тирриқсан, жон бола.

254

Ә р

Қилиқ қилиб чарчама, воҳ, эй бола,
Мингдан ошади чама, воҳ, эй бола.
Маст-аластлар бақирса, ҳой бола,
Мақом қилу чалинма, жон бола.

А ё л

Богда ўрик, олича, воҳ, эй бола,
Қочмангиз биздан мунча, воҳ, эй бола,
Қанча бўлса чўзингиз, ҳой бола,
Ҳамёндагин борича, жон бола.

Ә р

Очкўз тўймас ароққа, воҳ, эй бола,
Бошин урар товоққа, воҳ, эй бола.
Елим бўлиб ёпишган, ҳой бола,
Пулдор — кайфи тараққа, жон бола.

И к к о в и

Букун роса ўйнаймиз, воҳ, эй бола,
Ўйнаб сира тўймаймиз, воҳ, эй бола.
Бор ҳунарни ишлатиб, ҳой бола,
Қистирмасга қўймаймиз, жон бола.

ҲОВЛИҚМА

(Масал)

Киприк, қошни чақириб,
Ҳовлиқди соч бақириб.
Мақтаниб қолди чунон,
Ваҳимаси нақ бўрон:
«Ким бор мендан юқори?
Узимман кучли хари.
Хизматимда ҳатто бош,
Менга иқин ой, қуёш.
Нима бўпти, кўз, қулоқ?
Бурун эса шўр булоқ.
Оёқнинг ҳолига вой,
Доним ерда, кечар лой.
Киприк нима? Тирранча,
Дармони йўқ заррача.
Қош тўрт энлик келмайди,
Ҳеч нарсани билмайди.
Тортиб қолсам дамимга,
Арзин айтар у кимга?»
Бўш келмади соқол ҳам,
Луқма ташлаб дам-бадам.
У ҳам тоза лоф урди,
Сўздав қасрлар қурди:
«Юз, ияк менга қарам,
«Оқсоқол» дер ҳар одам.
Соч ҳам менга тиз чўксин,
Таъзим қилиб, бел буксин».

Охир икки мақтанчоқ,
Элда кулги, ўйинчоқ,
Устарада қирилди,
Кенг даврадан сурилди.
Камтарин қош ҳам кичрик,
Ишлайди тотув, тетик.
Қовлиқмайди сира ҳам,
Қамиша хушнуд, бардам.

* * *

Қовлиқма соч, соқолдек,
Сочиласан похолдек.
Кичрик, қошдек тинч ишла,
Меҳнатда кўнгил кушла,
Бўлсанг доим камтарин,
Қамма дейди офарин.

НАМАСАН

(Ғўзасига ишлов бермаётган қолоқ бир бригадирга)

Неча кунлаб дала юзин кўрмайсан,
Ғўзаларнинг қоли қандай — сўрмайсан.
Мақтанчоқсан, хатоингни билмайсан.
Анқовмисан, ялқовмисан, намасан?

Ғўзаларниг ўтларга ем бўлмоқда,
Кўчатларниг гам-аламга тўлмоқда.
Ишлови йўқ, заъфарондек сўлмоқда,
Хурракмисан, туллакмисан, намасан?

Вақтида қондириб сувни бермайсан,
Экинлар фарёдин кўзга илмайсан,
Қачонгача бир инсофга келмайсан,
Юлғичмисан, сўргичмисан, намасан?

Баландапарвоз гап кетмайди, билиб қўй,
Қуруқ ваъданг тумор қилиб, илиб қўй.
Вақт ғанимат, зарур ишни қилиб қўй,
Ужармисан, баттармисан, намасан?

ЖОН БОЛАМ

Пахта шараф-шонимиз,
Номус, қудрат, оримиз.
Чақирар давронимиз,
Уйғон тезроқ, жон болам.

Бу йил съездлар йили,
Юртимнинг жону дили.
Ғафлатдасап сен ҳали,
Уйғон тезроқ, жон болам.

Ғўзанг ишловсиз, чанқоқ,
Бригаданг паст, қолоқ.
Сен бўлсанг беғам, иўноқ,
Уйғон тезроқ, жон болам.

Меҳнат қилгин пок, ҳалол,
Бор кучингни ишга сол.
Ҳосиланг қилма увол,
Уйғон тезроқ, жон болам.

Илғорлардан ол ўрнак,
Мўл ҳосилдир зўр тилак.
Ҳа, деб шошилиш керак,
Уйғон тезроқ, жон болам.

**Расул Ҳайдаров ўғлон,
Унга қойил бу замон.
Пахтазорда ур жавлон,
Уйғон тезроқ, жон болам.**

**Онанг сўзин унутма,
Меҳнатсиз зафар кутма.
Юзингга қора суртма,
Уйғон тезроқ, жоң болам.**

СЕН БЎЛМАСАНГ ЁНИМДА

(Бир ароқхўрнинг ўз шишасига қараб айтганлари)

Кўнглим асло тўлмайди,
Сен бўлмасанг ёнимда.
Ишим олга жилмайди,
Сен бўлмасанг ёнимда,
Қўл-оёқ қалтирайди,
Сен бўлмасанг ёнимда,
Кўз ҳеч нарса кўрмайди,
Сен бўлмасанг ёнимда.
Шиша ичида менга
Мунча муқом қиласан.
Нозу карашма бирлан
Юрак-бағрим тиласан.
Сенга бўлган меҳримни
Ўзинг яхши биласан.
Дилим ором олмайди,
Сен бўлмасанг ёнимда.

Ўзингсан танҳо мени
Улоқ қилиб сурдирган.
Ғурра қилиб бошимни
Устунга ҳам урдирган,
Юзу баданларимни
Тахта каби йўқдирган.
Сира шундай бўлмайди
Сен бўлмасанг ёнимда.
Роса тегдинг жонимга,

**Энди сени ичмайман.
Минг хил мақом қилсанг ҳам,
Алдовингга учмайман.
Менга берган азобинг
Улгунимча кечмайман.
Баграм гуддай яшнайдн,
Сен бўлмасанг ёнимда.**

Яқинда рўй берди қизиқ ҳангома,
 Бу сирдан ҳайратда Чиноз, Яллома.
 Бир дўстим эчкисни элтди бозорга,
 Яллиб топширди уни даллолга.
 «Кўтарганга сотиб беринг, тогажон,
 Хизматингиз унутмайман ҳеч қачон.
 Эчкимизнинг елинида сути йўқ,
 Улардек очолат, аммо эти йўқ.
 Ҳеч тинмасдан ўйноқлайди, сакрайди,
 Еб туриб бу очкўз яна маърайди.
 Гул кўчат қолмади бунинг дастидан,
 Хабардор ҳовлининг баланд-пастидан.
 Алмаштиринг буни бошқа эчкига,
 Пул берсам ҳам майли яна устига».
 Рози бўлди бу ишга шу пайт даллол:
 «Қотирамиз буни албат, бемалол,
 Ҳозир менга эллик манат чўзингиз,
 Сўнгра ўзни четга олиб турингиз.
 То кечгача келманг асло ёшимга,
 Қистайвериб тегманг яна жонимга».
 Лаққа тушди бунга дўстим бечора,
 Бошқа илож йўқ-да ахир, не чора!
 Даллол олдин кесди эчки шохини,
 Кечирсин ташгри, деб ўз гуноҳини,
 Сўнгра эса кесиб олди соқолин,
 Қорага бўлди оқ қаниқа холин.

Қайтадан пулади дўстимга буни,
Рўй берди бу аҳвол худди шу куни.
Дўстим хурсанд, дўшпилари чамбарак,
Йўқолди, деб жонга теккан тартарак.
Эчкини келтирди дўстим уйига.
Қўшиқ айтиб омонёрнинг куйига :
«Мана, хотин, эчкиларнинг сараси,
Гўшти ширин, гўё қўзи барраси».
«Ҳайт» демасдан учиб қолди эчкивой,
Маълум эди унга ҳамма эски жой.
Лип этди-ю, ирғиб деворга чиқди,
Шохларни қайириб огзига тикди.
Аввалгидек ўйноқилаб сакради,
Кўрганини чайнамасдан ямлади.
Хотин деди шу дам эрига қараб,
Бу аҳволдан роса кулиб, қаҳ-қаҳлаб :
«Адашибсиз, болаларнинг дадаси,
Шундай бўлар одамларнинг соддаси.
Эчкимизга қўл урибди сартарош,
Шохсиз, аммо ўша кўзу ўша бош,
Бу ўша ҳийлакор даллолнинг иши,
Шундай бўлар фирибгарнинг қилмиши».

Во ажаб, бу бедаво дангасага ўхшайди-ку,
Қаққайиб қоққан қозик ё ҳассага ўхшайди-ку,
Кўрмадим бундайин асло, ишламасдан тишлаган,
Қилиги ниш урмаган норастага ўхшайди-ку.

Далада қайнар ҳаёт, бу нусха-чи, ноз уйқуда,
«Ишга чиқ», десам кўзи шокосага ўхшайди-ку.
Юзлари шолгомсифат, қудрат муҳайё бастада,
Ишламас, ёлгон касал барвастага ўхшайди-ку.

Мунча ҳам бибурд бўларму эл ичида дангаса,
Аслини сўрсам, текинхўр «хаста»га ўхшайди-ку.
Таъна-танқид бирла ур ялқовни Акмал доимо,
Беҳаё, туллак, қаранг, нокастага ўхшайди-ку.

ЙИҒЛОҚИ ОШИҚ, ҲАҚ СЎЗЛИ МАЪШУҚА

О ш и қ

Қора кўзингга шайдо бўлибман,
Ҳажринг ўтида гамга тўлибман.
Босар-гусарим билмайман зинҳор,
Арзимни эшит, гўзал Ғулбаҳор!

М а ъ ш у қ а

Зор-зор йиғлайди бечора ошиқ,
Тайёр ош деса, қўлида қошиқ.
Соядек юрар доим ёнимда,
Унга йўқ севги зарра қонимда.

О ш и қ

Сенинг кўйингда доим бедорман,
Ойдек юзингга муштоқи, зорман.
Ҳеч алдамайман, гапимга ишон,
Ҳамма сирларим ўзингга равшан.

М а ъ ш у қ а

Сири асроринг яхши биламан,
Ҳақ сўзни айтиб бағринг тиламан.
Ўзинг колхозда дангаса, ялқов,
Ишдан қочувчи, сояпар, анқов.

О ш и қ

Майли, сочингга бўлайин тороқ,
Танқид, таънаг ҳам ҳеч шубҳасиз, ҳақ.
Не десанг, шунга, майли, кўнайин,
Далада сендек жавлон урайин.

М а ʻ ш у қ а

Қани бўлмаса, ўзингни кўрсат,
Ҳа, дегин тезроқ, ўтмасин фурсат.
Кутмоқда бизни олтин пахтазор,
Шунда шод бўлар сендан Гулбаҳор.

О ш и қ

Сенинг-чун, жоним, кўтараман тоғ,
Чўлда яшайди янги гулшан-боғ.
Чин ошиқлягим кўрсатай элда,
Меҳринг яшайди ҳамиша дилда.

И к к о в и

Шунда раҳмат дер бизга диёримиз,
Кузда тўй қилиш аҳду қароримиз.
Қани меҳнатда бир беллашайлик,
Ваъдани дўндириб куй куйлашайлик.

ДАҲШАТЛИ ТУШ

(Бир беғам ферма мудири тилидан)

Жуда ҳам севаман сара қаймоқни,
Қурбони бўлайин тухум қуймоқнинг
Сут, қатиқ, мазали жигар қовурдоқ,
Дардларга даводир ҳар минут, ҳар чоқ.
Димлама еганда яйраб кетаман,
Булбулдек боғларда сайраб кетаман.
Ширгуруч, ширқовоқ, қуртова, ширчой.
Ҳаммаси, ҳаммаси витаминга бой.
Қоракўл териси кўрқидир елкамга,
Сур телпак ҳамиша турар чеккамда.
Еглиқ ҳасиц, пўстдунба, қазиню қарта,
Хилма-хил овқатлар маҳсули чорза.
Куни кеча қовурдоқни урибман,
Сўнгра мизғиб, даҳшатли туш кўрибман:
Атрофимни ўраб олиб қўчқорлар,
Мени сузмоқ бўлишяпти беорлар.
— Елғончи, ваъдабоз, — дейди бир ҳўкиз, —
Хайф кетар сендайга колхоз берган туз.
Этагимдан тишлаб тортар бир эчки:
— Молхонанинг аҳволини кўргин-чи!
Қиши билан бизлар қотдик совуққа,
Сен чопасан «табака» деб товуққа.
Гўшти яхши, чорва ўзи ёмонми,
Озуқасиз, еганимиз сомонми?!
Бармоқ шимиб ҳар кун эрта-наҳорга,
Чўзилишиб, зўрға чиқдик баҳорга.

**Үтган йил ҳам худди шундай бўлганди,
Ранг-рўйимиз заъфарондек, сўлганди.
Бу йил эса яна вақтнинг ўтмоқда,
Қўй-қўзилар сендан нажот кутмоқда.
Ҳамон келмаётир ёдинга хашак,
Амалда бажаргип, кўп урмай чакак.
Ҳар минут ганнмат, ўтти йингиб ол,
Бекорчи улфатни дарҳол ишга сол.
Тайёрла сенажу силосни қишга,
Барҳам бер фойдасиз саёқ юришга!
Барига «хўп, хўп» деб, уйғонса мудир,
Туш экан, ўй суриб хўрсинди оғир.**

Кокилларинг узун қилиб қўйибсан,
Силлиқ тараб орқанг узра ёйибсан.
Уялмайсан эл ичида, тасқара,
Тор кийимда қорнинг худди ногора.
Шимларинг торлиги ўхшар сурнайга,
Эл-юрт кулиб боқар доим сендайга!
Узун соқол, яяккача мўйловинг,
Ёнингдаги қизми ёки куёвинг?
Ажратиб бўлмайди биринг бирингдан,
Огоҳ қил бизни ҳам бундай сирингдан.
Салом-алиқ нималигин билмайсан,
Одам бўлиб бир инсофга келмайсан.
Шапалоқдек қора ойнак кўзингда,
Зарра маъно йўқ ҳеч айтган сўзингда.
Тартибни билмайсан кўча-кўйларда,
Келтирасан иснод йиғин, тўйларда.
Шөвқин солар магнитофон қўлинигда,
Қарамайсан қари-ёшми йўлинигда.
Бу аҳволда қоласан-ку армонда,
Ёмон қилиқ сени қилар шарманда.
Кокилингни узун қилиб қўйибсан,
Силлиқ тараб орқанг узра ёйибсан,
Уялмайсан эл ичида, тасқара,
Одамликни қилма бундай масқара!

ЎЗЛАРИ

Бу йил иш соз бўлар деб,
Чорва, план тўлар деб,
Дўстлар шодон кулар деб,
Ваъда берган ўзлари.

Қишлов аъло ўтар деб,
Бизни зафар кутар деб,
Хашак сероб, етар деб,
Кўкрак керган ўзлари.

Номлари Омон Полвон,
Сут ичишда паҳлавон,
Гаплари қуруқ, ёлгон,
Бозор кезган ўзлари.

Ваъда қолди ваъдада,
Ҳозир ишлар палагда,
Емсиз қолиб гам-доғда,
Чўпчак терган ўзлари.

Ем-хашак йўқ, сигир оч,
Молхопа шир яланғоч,
Буйруғи қулоч-қулоч,
Утдек куйган ўзлари.

Қаранг чорва ҳолига,
Йиғлайсиз аҳволига,

**Ким қолар уволига,
Барин билган ўзлари.**

**Ҳар дамда янги қоғоз,
Юришлари мисли гоз,
Гап сотади баҳор, ёз,
Тери шилган ўзлари.**

**Гўё шолғом юзлари,
Пириллайди кўзлари,
Қани айтган сўзлари,
Ваъда берган ўзлари!**

**Бизнинг мудир фермага келиб кетди, ёр-ёр,
Бир жуфтгина насиқат қилиб кетди, ёр-ёр.**

**Насиқатдан чорвалар тўғрмикан, ёр-ёр,
Ваъдабозлар одатин қўғрмикан, ёр-ёр.**

**Бегам мудир ваъдаси адо бўлмас, ёр-ёр,
Қуруғ гапдан бўш қоплар тикка турмас, ёр-ёр.**

**Ез фаслида мақтанди гоэ мисоли, ёр-ёр,
Қиш келганда чорванинг войдир қоли, ёр-ёр.**

**Мудиримиз қаймоққа томдан ташлар, ёр-ёр,
Ем-хашақда сўз очсак, жанжал бошлар, ёр-ёр.**

**Сигир-бузоқ маърайди, ранги сариқ, ёр-ёр,
Бегам мудир дастидан гўштсиз, ориқ, ёр-ёр.**

**Утган йил ҳам фермада шундай бўлган, ёр-ёр
— очиб говмишининг, бузоқ ўлган, ёр-ёр.**

**Хуш келибсиз фермага, мудир тўра, ёр-ёр,
Қовулмоқда, қаймоқда нафси ўра, ёр-ёр.**

**Ялтирай... — ферма мулки, ёр-ёр.
Копки бўлса ем-хашақ шэрва кўрки, ёр-ёр.**

**Мудиримиз қаймоққа томдан ташлар, ёр-ёр,
Акмал сўзин эшитиб, жанжал бошлар, ёр-ёр.**

ЎЗИНГСАН

Иўлла қўйиб тулкини,
Талаб халқинг мулкини,
Ортиб ҳасрат юкини,
Лойга ботган ўзингсан.

Жавобгарлик не — билмай,
Қонун не — писанд қилмай.
Қўлга тушдинг, бурилмай,
Виждон сотган ўзингсан.

Мукка тушдинг ароққа,
Бошинг суқиб товоққа.
Суф сен ҳаром томоққа
Лойга ботган ўзингсан.

Фирибгарлик қилмишинг,
Шубҳали ҳамма ишинг.
Нечуи яна болишинг,
Гуноҳ ортган ўзингсан.

Зарра йўқ номус-оринг,
Безди сендан дўст-ёринг.
Айт, не сўнгги қароринг,
Виждон сотган ўзингсан.

БИЛМАДИМ

Тўйдан кейин кўрдим келин-куёвни,
Бир-бирига ўхшаш икки найновни,
Қайим бир хил, танимадик икковни,
Қайси келин, қайси куёв, билмадим.

Олачипор қуроқ-қуроқ кўйлаги,
Халтасида тўла упа-элиги,
Кўаларида қўпол, қора ойнаги,
Қайси аёл, қайси мўйлов, билмадим.

Олифта деб ном олибди ўзига,
Ҳеч киши тушунмас бўтқа сўзига.
Ҳаё, одоб ёт кўзларин бўзига,
Қайси кулу қайси олов, билмадим.

Китоб, газет ўқиш унга бегона,
Савлат тўкиб юришлари ягона.
Турқи совуқ, жирканар эл, замонда,
Қайси дала, қайси яйлов, билмадим.

БАҒИРОҚЛАРГА

(Бир томоша залидан)

**Уч бақироқ келди концерт залига,
Тиним бермас томошабин қолига.**

**Саҳнага қаратиб чалишар қуштак,
Қилиғи гўёки ақлсиз, тентак.**

**Одамлардан уялмайди пасткашлар,
Қовоқ бош, бетайин, юзи баркашлар.**

**Кишиларга озор берар бақириб,
Шовқин солар, бир-бирини чақириб.**

**Гоҳо «дўст!» дер, кўкрак муштлаб баралла,
Жим, деганча ўшқириб, қўяр калла.**

**Мол бозорда эмассан-ку, эй, нодон,
Сендайларни лаънатлар эл ва замон.**

**Тарихда бақириб обрў тошган ким,
Томошада кўп қатори ўтир жим!**

**Уч бақироқ келди концерт залига,
Тиним бермас томошабин қолига.**

**Саҳнага қаратиб чалишар қуштак,
Бас энди, номеринг ўтмайди, тентак.**

Тушимми ё ўнгимда
Кўрдим қизиқ ҳодиса.
Агар тушим бўлса-да,
Тингланг, керак бу қисса.

Шундай бўлди:
Бир куни
Мудир келди фермага.
У эшикдан мўралаб,
Қайтмоқ бўлди орқага.

Уни кўргач, барча лол,
Қарши олди хўмрайиб.
Айниқса, бир кўк буқа
Пинқирарди ўқрайиб.

Деди:— «Сенда юз борми,
Бермайсанми озиқни.
Тинкамиз ҳам қуриди,
Чайнай бериб қозиқни.

Колхоздаги кенганда
Керилибсан уриб лоф:
«Ем-хашаклар кўл», дебсан,
Қани хашак, излаб топ!

Молхонани кўриб қўй,
Ҳеч йўқ ойна, эшиги.
Совуқ кирар ҳар ёқдан,
Сувалмаган тешиги.

Дурустроқ боқ бизларга;
Ҳаммамиз ҳам қоқ суяк
Қимирлашга дармон йўқ,
Оғирлик қилар туёқ.

Бу йил сясос, кўк поя
Кўп деб, қилгандинг ваъда.
Бир граммни кўрмадик,
Қолдирдинг бизни доғда.

Сен ёлгончи, ваъдабоз,
Барин чиқардинг йўққа.
Гап уқмайсан барибир»,—
Дер иш бошлаб кўк буқа.

Арқонни узиб бирдан,
Мудирни илди шохга.
(Улоқтирди куч билан)
Мудир тушди узоққа.

Тўйга деб йўлга чиқди очкўз даллол,
Иш бошлади енг шимариб дарди маҳол.
Совчи деб ном қўйгандилар бу айёрга,
Алдаркўса, олгир, чаққон, шум маккорга.
Нафси учун ёлгонларни тўқир бу шахс,
Лозим эмас бу тўғрида ҳеч узоқ баҳс,
Бу фирибгар қиз томонни лақиллатди.
Қудаларни роса алдаб йўлга солди,
Пияниста, шум куёвни мақтаб қолди.
«Куёв тўра мўмин-қобил, барно», деди,
«Ошигнга чин юракдан шайдо», деди,
«Такрор айтай ёлгон айтсам кўр бўлайин,
Ажалимдан беш кун олдин мен ўлайин,
Мақтанмайман, куёв тўра бахти боққан,
Меҳнат билан қўни-қўшним, элга ёққан.
Ҳай-ҳай, унинг «Волга»сини айтмайсиэми,
Хурсанд бўлиб, менга раҳмат айтмайсиэми!»
Ана қаранг, келин томон тушди қўлга,
Ўзи билмай қараб кетди хато йўлга,
Олиқ-солиқ ишлари ҳам бажарилди,
Катта тўйга ҳамма нарса жамгарилди.
Ҳисобсиз нон, озиқ-овқат бўлди нероф,
Косаларда қотиб қолди манти, кабоб.
Тўс-тўполон, кенг кўчада тўй келади,
Ўйинчилар минг букилиб, минг елади.
Чалинмоқда карнай-сурнай ҳам ногора,

Авжга чиқди ҳатто томда ҳам тоғора.
Қўйилди-ю ароқ, вино, коньяклар ҳам,
Тўхтамади қичқиринлар ҳатто бир дам.
Лозиям эмас бу тўғрида ҳеч узоқ баҳс,
Даллол икки ойлани туширди, бас.

Халқимда шундайин доно бир гап бор:
Ҳасадгўйга асло берма ихтиёр.

Ҳазар қил, ичи қора бундай пасткашдан,
Ўз шахсин ўйловчи нафси баркашдан.

Ҳушёр бўл, қўл чўзма, номард берса қанд,
Номарднинг вужуди ҳийла, ейсан панд...

Синамоқ бўлиб мен буздим бу шартни,
Қанотим остига олдим номардни.

Сал ўтмай ҳасадчи кўрсатди ишини,
Ҳуноҳсиз сийнамга ботирди ишини.

Ўзи экан гўё хира бир пашша,
«Ғинг-ғинг» дея зимдан бошлар машманна.

Заҳар сочмоқ бўлиб ширин ошимга,
Тухмат тошин отди тўплаб бошимга.

Ахир синди тухматчининг болтаси,
Фош қилинди игво тўла халтаси.

Мақсадига етолмади фирибгар,
Ноҳақдан оғриди қанча вақт жигар.

Помени айтмадим, у кўйига таниқ,
Ҳақ ўрини топини муқаррар, апиқ!

ЖОҲИЛГА

«Жоҳил аҳли бирла кимки улфат бўлгай,
Ул улфати ичра юз минг офат бўлгай».
Алишер Навоий

На қилай, жоҳилга тушди эҳтиёж,
Қақшади жону дил топмай ҳеч илож.

Қичқариш, дўқ уриш жоҳилнинг иши,
Бошқага изтироб барча қилмиши.

Ужарлик, қайсарлик жоҳилга ҳамроҳ,
Шу тариқа ошар баттарроқ гуноҳ.

Юраклар чил-чилдир жоҳилдан, қайҳот,
Жоҳилда бўлмайди заррача уят.

Мақтаниш, ҳовлиқиш жоҳилга хосдир,
«Шаллақи» деган сўз ўшанга мосдир.

Қолоқлик жоҳилнинг чирик илдизи,
Ватанда қақшайди қолмаса изи.

Акмал жоҳилларни доим қилган фож,
Жаҳолат — кенг йўлда ётган харсанг тош.

БИР ҚҰПОЛ ҲАҚИДА

Афсуски, бор ҳали шундайин мудир,
Унинг зардасидан юраклар зир-зир.
Қўполлик авжида, қўрс, ўжар ўзи:
«Хайр сента», «Ҳайдайман» — энг «ширин» сўзи.
Ходимни чақирса олдиға агар,
Даҳшатдан зирқираб огрийди жигар.
Дам-бадам ўтказар фойдасиз мажлис,
На илож, мажлисда ўзидир раис.
Дўқ уриб сўзлайди, қўланса гапи,
Муштидан синади ҳар кун графин.
Қондани олдин ўзи бузади,
Қуруқ ваъда, қоғозларда сузади.
Сифатсиз маҳсулот, план ҳам чатоқ,
Ўз шахсини ўйлайди, фирибгар ҳар чоқ.
Бу жоҳил бор жойда танқид бўғилар,
Қўз бўяш, ёлгонга имкон тугилар.
Иш ўрнига учирар ҳисобсиз қоғоз,
Қуруқ буйруқ осмонда гўё ўрдак-ғоз.
Ҳамон шовқин солар, бақирар фақат,
Қўполни кўришга қолмади тоқат.
Замонамиз ёқтирмайди қўполликни,
Еқай десанг элга, йўқот бу қилиқни...
Афсуски, бор ҳали шундайин мудир,
Давримиз йўл қўймас бундайга ҳеч бир.

От бойладим тол ёгочнинг ходасига,
Ақсиялар гап бермайди отасига.
Тайёр ошга баковул-да, помус қайда,
Қулоқ солманг баҳонаю ваъдасига.

Зовур олиб, ишга солдик захкаш ерни,
Меҳнат қилдик, мардонавор боглаб белни.
Пастқам ерда нисиб ётмай, ҳой дангаса,
Сафимвзда сен ҳам тўккиш қайноқ терми.

Кўринмайсан, сув тагида балиқмисан,
Кунжутмисан, зигирмисан, тариқмисан.
Бу ярамас одатингни ташла тамом,
Офтоб кўрмай ётган ранги сариқмисан?

Кунда касал, меҳнат деса дармонинг йўқ,
Бошқалардай пахтазорда хирмонинг йўқ.
Унутмагин Акмал сўзин, дангасавой,
Меҳнат қилган кишининг ҳеч армони йўқ.

ДУТОРСАН

Хипча белниг тўрт энлик,
Ендирасан бепиллик,
Оҳанглариинг миинг турлик,
Элга ёққан дуторсан.

Чертсам меҳр торинигни,
Гапирасан боринигни,
Биламан хушторинигни,
Дилга ёққан дуторсан.

Ўзинг доим иззатда
Қорнинг турар тиззада,
Рақибларинг иззада,
Куй-ла чаққон дуторсан.

Узоқ, зўр тарихинг бор,
Икки қулоқ, икки тор,
Шайдоларинг сенга ёр,
Садаф таққан дуторсан.

Иинглар эдинг ўтмишда.
Бахтинг кўрардинг тушда.
Энди гард йўқ турмушда,
Шумга қоққон дуторсан.

Бахтинг келди, ўйнайвер,
Шўх қўшиқлар куйлайвер,

Ҳақиқатни сўйлайвер,
Кулиб боққан дуторсан.

Акмал кўнглини овла,
Юрагига ўт қала,
Чиниқтир, яна тобла,
Элга ёққан дуторсан.

Хипча белинг тўрт энлиъ,
Ендирасан бепилик,
Оҳанглариинг минг турлик,
Кулиб боққан дуторсан.

БУ ҲАМ ЛАЙЛО

(Сохта ошиқ тилидан)

Хаёлингги яна буздимми?
Сарғайтирма гулдай юзимни.
Рухсат берсанг, сархуш бўлсам ҳам,
Огушнингда кўрсам ўзимни.

Гар истасанг, мастликда
Қалбимни очай, Лайло.
Кўзларимни лўқ қилиб,
Ёнингда ичай, Лайло.

Пайдо бўлдим яна йўлингда,
Хаёлингда тинмай бўзладим,
Ҳеч тўймайин қараб кўзингга,
Кўзларингда фақат кўзларим.

Пулларимни сарф қилиб,
Хазондек сочай, Лайло.
Агар кайфиятимни буэсанг,
Сендан ҳам қочай, Лайло.

Қишнинг айна совуқ кунларида кўнгилна хонадонларнинг иситувчи баъзи батареялари ишламасдан қолади. Бу тўғрида ремонт идораларига арыз қилсангиз, фақат: «Эрта келинг», дейдилар.

Бажарамиз,— деди бошлиқ,— эрта келинг,
Ҳамма нарса тартиб билан, яхши билинг,
Дўндирамиз маромида ишингизни,
Жаҳл билан гижирлатманг тишингизни.
Ҳали вақт бор, шўх дарёдек тўлиб-тошманг,
Сабр қилинг бошқалардек, асло шошманг,
Асабингиз бузиб зинҳор, ҳовлиқманг ҳеч,
Кўп қатнайсиз ҳали бизга, толиқманг ҳеч,
Ёзу қиш бор, ишингиз ҳам битиб кетар,
Унутмангиз, қон бузилса, ақл кетар.

Батареям ремонтни деб, уч ой юрдим,
Ваъдабозлар дастидан кўп сарсон бўлдим.
Бир кун уйга уч азамат кириб келди,
Печкадаги нуқсонларни айтиб берди.
Дафтарига ёзиб олди бўлар ишни,
Бир амаллаб ўтказарсиз бу йил қишни.
Тўхтамасдан қатнайвердим мен бошлиққа,
Ремонтим ҳеч қолмасин деб қиш — совуққа.
Ойлар ўтди, бошладилар ремонтни ҳам,
Ҳамон, қаранг, исимади уйим бир дам.
Бир хона деб, ҳамма хонам совиб қолди,

**Такрор қатнаб беғамларга ишим қолди.
Эй дўстларям, менга беринг бир маслаҳат.
Беғамларга қатнайвериб битди тоқат.
Бақарамиз,— деди бонлиқ,— эрта келинг,
Ҳамма нарса тартиб билан, яхши билинг.**

Жиянгинам, сўзларимга сол қулоқ,
Ҳолингга кулмоқда бутун бир қишлоқ.
Ўтган йил ҳам худди шундай бўлганди,
Қолоқликдан бағринг гамга тўлганди.
Ўнутмагин дилдан айтган сўзимни,
Саргайтирма эл олдида юзимни.
Бўчагадирсан шундай машҳур колхозда,
Йиғач аҳли турар ҳар дам ҳақ сўзда.
Авлод, аждодимиз бободоҳқондир,
Меҳнат билан эл-юртига ёққандир.
Ҳавас қилар бизни кўрган халойиқ,
Илгорлар ҳамиша ҳурматга лойиқ,
Номимиз колхозда кимсан — фалончи,
Орамиздан ўзинг чиқдинг ёлгончи.
Ҳар йили муштлайсан уриб кўкракка,
Ваъданг ўхшар худди тепшик челақка.
Йил бошида, бу йил бошлаймиз дейсан,
Меҳнатда ўзимиз тоблаймиз дейсан.
Қуруқ гапни учирасан мисли ғоз,
Сўзларинг ҳаммаси, пуч, баландпарвоз.
Ўтган йил ҳам роса бошлаб алдадинг,
Ёлгон гапда ҳеч ким бўлмас сенга тенг.
Ваъдалар устига берасан ваъда,
Охирида ҳамма ишинг палағда,
Вултурги хатолар бўлмоқда такрор,
Ҳар бир кўчат кутар сени интизор.

Ана, қара гўзаларнинг ҳолига,
Қулоқ солмас ҳеч ким унинг додига,
Еввойи ўтларга емишдир гўзанг,
Гўза-ку бойлигинг, чин олтин кўзанг.
Ишловсиз қолмоқда зумрад ерларинг,
Бозор кезар Али, Боқи шерларинг.
Бу аҳволда яна дейсан аттанга,
Вақтинг ўтгач, чиранишинг биттанга.
Ишлов бер еривгга илгорларсимон,
Дилингда қолмасин заррача армон,
Сув тара, экинлар ичсин қониқиб,
Овқатни кутмоқда гўзанг орзиқиб.
Қўйгин дейман мўл ҳосилга пойдевор,
Далага ташлагин қанча кучинг бор.
Унутма, беғамлик виён ўзингга,
Эл олдида доғ туширар юзингга,
Илгорлар сафидан тезроқ ўрин ол,
Бошқалардек ишла сеп ҳам пок, ҳалол.

ҚАЙДАДИР, ҚАЙДА?

Кўклам чоғи, қизгин палла,
Кенг далада меҳнат, ялла,
Бозор кезар Розик калла.
Анқовхон қайдадир, қайда?
Ялқовхон қайдадир, қайда?

Қазишмоқда зовур, ариқ,
Илгорларнинг юзи ёруғ,
Қочиб юрар Мамасолиҳ,
Анқовхон қайдадир, қайда?
Ялқовхон қайдадир, қайда?

Тракторчи ер сурмоқда,
Зафарга замин қурмоқда.
Колхозчи жавлон урмоқда.
Анқовхон қайдадир, қайда?
Ялқовхон қайдадир, қайда?

Меҳнат қилмас Ҳоним полвон,
Савлатлари мисли қоплон,
«Ишла», деса қочқоқ қуён.
Анқовхон қайдадир, қайда?
Ялқовхон қайдадир, қайда?

**Чойхонада Соли мўйлов,
Бригадирга кенжа куёс,
Ҳар кун бўлса уч вақт палов.
Авқовхон қайдадир, қайда?
Ялқовхон қайдадир, қайда?**

ҚУЛОҚ СОЛ

Әй дангаса, сўзларимға қулоқ сол,
Лақаб олдинг: «Беғам», «Ҳожив бемалол».

Дарё тошса тўпинингта келмайдн,
Таъна-танқид заррача кор қилмайди.

«Лақма» дейди сени ҳамма билганлар,
Ишдан қочиб юришингни кўрганлар.

Терим чоғи асл шерлар далада,
Сен қуённинг номи йўқдир санада.

Баҳор чоғи ваъданг әди ўзгача,
Ҳозир эса кайфи сафо бўлакча.

Сен ўзингсан бригадага тўғаноқ,
Ош деса тайёру теримда чўлтоқ.

Долзарб кунларда дўппинг чамбарақ,
Шундаймиди сендан етилган тилақ.

Шу дамда қимматли ҳар еун, ҳар онлар,
Ўрнак бўлсин сенга марду майдонлар.

Кишилардек сен ҳам ишда койит экан,
Шунда ҳалол бўлур есанг бурда нон.

**Унутма, элимда бу йил катта тўй,
Зафарга ярашар ялла, қўшиқ, куй.**

**Кўзинг очиб, сўзларимга қулоқ сол,
Асло бўлма: «Бегам», «Ҳожи бемалол!»**

ШУНАҶАСИ ҶАМ БҮЛАДИ

Колхозда қар куні кенгашу мажлиси,
Тўхтамай сўзлайди минбарда раис.

Бошлаймиз иланини, дейди у, тезда,
Жўжани санаймиз, албатта, кузда.

Кун келди, қор ёғди эсон ва омон,
Раис гапбозликдан тўхтамас ҳамон.

Пахталар далада ҳали кўп жуда,
Оқ олтин қолсинми қорлар остида.

Вақт ганиматдир, териб ол, дейди,
Қор остида қолмай, тезроқ бўл, дейди.

Раис акамлар-чи, бепарво бироқ,
Ишлари мажлису кайфлари тароқ.

Уша ваъдаларни чақиб кўрсанг — пуч,
План энди бўлган фақат саксон уч.

Далада имиллар, икки-уч киши,
Қолганларда эса бозор ташвиши.

Планини тўлдирад чапаги билан,
«Хўп, хўп», деб аталган чўпчаги билан!

Мана қош қорайди, кечки соат ўн,
Бошқарма райондан қоқар телефон:

— Хўш, қалай, бугунги териш, топшириш?

— Маза йўқ, юришмай қолапти иш...

— Ғайрат қилинг, раис, ўтмоқда фурсат,

— Хўп, хўп, хўп бўлади, бошлаймиз, албат!

Ҳозир мажлис қилиб шоширмоқчиман,

Бир талай вазифа топширмоқчиман!

Далада пахтаминг ҳали анча кўп,

Нима? Ташвишлапманг, бўлади! Хўп-хўп!

РАИС ТОҒАМҒА ХАТ

*(Ҳозирги долзарб кунларда гўзага ишлов беришни сусайтириб
қўйган бир колхоз раисига)*

Иўл тушиб колхозга боргандим,
Ранжидим далани кўриб бир неча.
Унда ўзингизни тополмай қайтдим,
Дилдаги гапимни айтолмай қайтдим.
Йил бошида катта ваъда бергансиз,
Гапда роса олтин қаср қургансиз.
Байрам йили қотирамыз, дедингиз,
Даромадни орттирамыз, дедингиз.
Бонг урдингиз, пахтамыз тоғ бўлар, деб,
Ишимиздан кўнглингиз чоғ бўлар, деб.
Энди қаранг гўзаларнинг ҳолига,
Қулоқ солмас ҳеч ким унинг додига.
Ёввойи ўт бўлган ҳиқилдоғдан,
Яганасиз ётар ўсиш чоғида.
Фарёд чекар ҳар бир кўчат аламлик,
Авжга чиқди колхозда кўп беғамлик.
Ишга чиқмас Нормату Али полвои,
Маишатдан бўшамас бўйни йўғон,
Елғон касал Холдор сатанг ҳамиша,
«Оқ» ичишдан қилмас сира андиша.
Бу аҳволда қоласиз-ку армоида,
План тўлмай эл ичида шарманда...
Инсоф билан қаранг қўшни колхозга,
Берилмас ҳеч улар қуруқ гап-сўзга.
Илғорлардан яхши ўрнак олингиз,
Бор кучларни тезда ишга солингиз.

Бутун куч, техника далада бўлеп,
Ваъдага яраша ҳосил етилсин.
Сув таранг, гўзалар ичсин қониқиб,
Уғитланг, қолмасин яна толиқиб.
Тагини юмшатинг, яйрасин, ўссин,
Бегона ўтларнинг қораси ўчсин...
Унутманг сўзимни, азиз тоғажон,
Ҳамма ишлар тезда бўлсин саранжом.
Шунда ёруғ бўлар юзингиз кузда,
Мос келар ишингиз айтилган сўзга!

Хатга қўл қўювчи жиянингиз
Акмал ПУЛАТ.

ОШПАЗМАН

Тутун чиқмас газ олов,
Пиширар кунжут палов.
Нуқул девзира гуруч,
Зира, пиз ва муруч.,
Ҳунарга бой ошпазман.

Капгир, чўмич ёнбошда,
Кўзим дам егап ошда.
Қази-қартаси қат-қат,
Тўқчилик, вақти чоғлик,
Шўх, эркатой ошпазман.

Коватоки ош бўлди,
Қари еса — ёш бўлди.
Олинг-э, мулла Бурқон,
Луқмаси жонга дармон,
Келтирай чой, ошпазман.

Лиқ тўла гардун товоқ,
Кўп ҳузур қилар томоқ.
Юртимизда — ишлар соз,
Еғанимиз ўрдак, ғоз,
Ичганим мой, ошпазман.

ЭРКАТОЙЛАР

Баҳор чоғи, қизгин палла,
Кенг далада қўшиқ, ялла.
Колхозчида меҳнат завқи,
Аммо қани, Қосим, Боқи?
Кўринмайди Омон полвон,
Қилигидан ҳамма ҳайрон.
Дангасами ёки ишчан?
Четлаб юрар огир ишдан.
Чойхонадан чиқмас Рустам,
Юришлари «Ҳожи там-там».
Қоровулмиш тегирмонга,
Ялқовлиғи тегди жонга.
Маиа кўриниш, Розик шоввоз,
Юришлари бабақхўроз.
Кўрмас сира дала юзин,
Оқламасдан колхоз тузин.
Меҳнатга ҳеч йўқдир ҳуши,
Югурдаклик қилар иши...
Колхозда бу эркатойлар
Меҳнат қилмас йилу ойлар.
Лекин чўнтак тўла пулга,
Қачон тушар юлғич қўлга,
Марди майдон йигит-қизлар,
Мудом ҳосил йўлин кўзлар:
Пахтазорда жанг қилмоқда,—
Қўриқ очиб, ер тилмоқда.
Аммо ҳамон эркатойлар
Ишламасдан оғзи мойлар.

Қизиқ воқеанинг бўлдим шоҳиди :
 Бир сигир ва бир қўй ўтлашар эди,
 Молхона томондан ташлаб кўз қирин,
 Бидон олиб келди ферма мудирин.
 Ийдирмоқ бўлиб у сигирни шу дам,
 Ҳар кунги гапини бошлар бугун ҳам :
 — Мўл-кўл сут бер, говмиш сигир тарғилим,
 Бу йил ем-хашакнинг ейсан сархилин.
 Эсон-омон огзинг илинди кўкка,
 Ўтган қишни унут, қилма ҳеч ўшка...
 Сигир арқонини узгудай бўлиб,
 Мудирга ўшқирди сузгудай бўлиб :
 — Қуруқ ган қулоққа ёқмайди, мудир,
 Қиш бўйи сут ичиб қилдинг хўп ҳузур.
 Чеккада оч-наҳор ётдик сулайиб,
 Қуруқ суяк бўлдик, кўзлар мўлайиб.
 Қани жўна, бизни кўп лақиллатма,
 Ваъда бериб, бидонни тақиллатма.
 Аввал гамла қишлик хашак силосни,
 Янги молхона қур, ўтказма ёзни,
 Ушанда сут десанг ярашар бизга...
 Она қўй дер шунда : — Бир ган бор сизга :
 Гўшт, жун, тери деб урмайин чакак,
 Биз учун вақтида гамланг ем-хашак.
 Ваъда-ю, аврашдан фойда йўқ сира,
 Орқага қайтавер, бўлмасдан хира...
 Мудирнинг қўлтиқдан тушиб тарвузи,
 Ғинг демай жўнади, олайиб кўзи.

Қаламқаш ҳақида. Миртемир	3
-------------------------------------	---

Сени улуглайман, улуг партиям

*Қўшиғимда	5
*Турналар	7
*Миллионлар овози	8
*Улуғвор кунлар қўшиғи	9
Москvam	11
*Давр таронаси	12
Кишилик бир боғ бўлса	13
Шонли партиям	14
Ленинни куйлайман	16
*Муқаддас китоб	17
Ватан ишқи	18
Советлар юртида	20
Ўзбекистоним	21
Раҳмат советлар халқига	22
Меҳр	23
Октябрга шарафлар	24
*Комсомол марши	26
Водийларингда	27
Оловли йиллар	28
Ғолиблар лапарни	29
Ўзбекистон қизлари	30
Гулистонлар аро	32

Ургандим	33
Ота насиҳати	34
*Билим ол	35
Йиллар	36
Ўзбекистонга келинг	37
Тапиш	38
Диёрим	39
Бизнинг қишлоқ	40
Фарғона	41
Зарафшон	42
Бўстонлиқ	43
Сўх	44
Дўстларим	45
Нурафшон Тожикистондан	46
Яхшилик	49
Давримиз	50
*Саодатли Ватанда	51
Аҳдингии бузма	52
*Меҳмоним	53
Олқиш	54
Қўшиқ айтайлик	55
Тўй лапар	56
Ушбу кун	58
Бахт ялласи	59
Ҳаёт завқи	60
Баҳор таронаси	61
*Қаҳрамон бўлди	63
Омонми?	64

Меҳнат баёти

Пахтакорлар додруғи	65
Ўргилай	66
*Катта карвон қўшиғи	67
Гулдаста	68

Озод диёринг	69
Карвон келадн	70
Машинам	71
*Қувондиқ	72
Бирга куйлайлик	73
*Баракалла	75
*Далада байрам	77
*Пахтакор Ўзбекистон	79
Довругинг	81
*Сувчиларга	82
Бизники	84
Теримчилар термаси	85
Олтин далалар	87
*Пахтазоримга келинг	88
*Пахтакор ўртоқ	89
Турсуной	90
*Колхозимиз боғида	91
Пахтакорнинг қизиман	92
*Расул Ҳайдаров ҳақида қўшиқ	93
Тожиҳон	94
Инобат	96
Ойшаҳон	97
*Олпоғой	98
*Ҳиммат билан	99
Нон азиз	100
Меҳнат аҳли	101
Донолардан ўқиб	102
Жигарбандим	103
Отам	104
Муаллим	105
*Яхши ном	106
*Ойбўстон	107
Ешлик қўшиғи	108
Йигитлар	109
Мардларга	110

Ёш ишчи қизлар	111
*Ўзбекистон дарёси	112
Марғилон луччаги	113
Маликага	114
Нурчилар	116
Тошкентим метросида	117
Шофёрлар	118
Милициям	119
Келдилар	121
Сизга	122
Қутлуғ бўлсин	123
Устида	124
Гулзор энди	125
Салом	126
Равон бўлсин	127
Келинг	128
Марказий Фарғонага	130
Жиззах чўллари	131
*Мирзачўл полвоилари	132
Чўлқувар йигит	134
Сирдарё қизи	135
Чўл ва дарё қўшиғи	136
Мирзачўл қизлари	141
Қорабайир	142
Чўпоним	143
*Арғумоқлар	144
Сирдарё	145
Фарғона	149
Тошкентим	153

Севги таронаси

Муҳаббат юлдузи	155
*Жондан азиз	156
Ойгулим	157

Дил куй	158
*Хуморман	159
Муҳаббатингдан	160
*Келмадинг	161
Айтайин	162
Деманг	168
Ўшатдим	164
Айрилма	165
Ёрга атаб	166
*Айтишув	167
Гуллоласан	169
Ишқ китобин ким битган	170
Севганим-севган	171
Келин тушган оқшомда	172
*Баҳоримсан	173
*Сизни кўргандан бери	174
*Қарорим ўша-ўша	175
Лапар	176
Қизларжон	177
Гулчеҳра ёр	178
Мунча лобар	179
Согиндим-ку	180
Кўнглима	181
Севмасмидинг	182
Интизорман	183
Дуторим	184
Тозагул	185
*Меҳр-вафо	186
Учратдим	187
Кимга айтай	188
Кўзингдан	189
Ўйна	190
Азизим	192
Қайдасан	193
Қарамади	194
Ёлғиз ўзинг севганим	195

Ишқига иқро	196
Тасаддуқман	197
Бўлмас	198
Тўй устига тўй бўлсин	199
Севги мадҳи	201
Қиаларга	202
*Ер яхши	203
*Ун саккизда ёр ёши	204
Ўзинга	205
Юзинг	206
Кўрган сари	207
Соҳибжамолим	208
Мен бир қизни учратдим	209
Дил куйчиларига	210
Мактуб	211
Сирдарёда бир қиз бор	212
Анорхон	214
Юмалаб-юмалаб	215
Ким керак	216
*Уйнаб-кулинг	217
Армоним йўқ	218
Ҳунарим	219
Бувижон	220
ТошДУ йигит-қизлари	222
Текстилнинг қизиман	224
Магазинчи қиз қўшиғи	225
*Москва қизларига	227

Ҳажвий шеър ва қўшиқлар

Тухмат ва илон	228
Лаъли бадахшон	232
Мақтанчоқнинг шўри	234
Қочоқ	237
Манман	238

Қайғана ва келин лапары	239
Гапирсаиғ-чи	242
Кулгидан	244
Қилпиллама	246
Бир гап бўлар, кетарда	247
Али билан Вали	249
*Тилнинг жиловин ушла	250
Деяверинг	252
Воҳ, эй бола	254
Ҳовлиқма	256
Намасан	258
*Жон болам	259
Сен бўлмасаиғ ёнимда	261
*Даллол	263
Ўхшайди-ку	265
*Йиғлоқи ошиқ, ҳақ сўзли маъшуқа	266
*Даҳшатли туш	268
*Кокилли йигитга	270
Узлари	271
Ёр-ёр	273
*Ўзингсан	274
Билмадим	275
Бақироқларга	276
*Кўк буқа қангомаси	277
Бир тўйнинг машмашаси	279
*Иғво халтаси	281
Жоҳилга	282
Бир қўпол ҳақида	283
Тер тўк	284
*Дуторсан	285
Бу ҳам Лайло	287
*Эрта келинг	288
Жиянимга хат	290
Қайдадир, қайда?	292
Қулоқ сол	294
Шунақаси ҳам бўлади	296

Ҳамс тоғамга хат	298
Ошпазман	300
Эркатойлар	301
Тарғил сугирнинг зардаси	302

На узбекском языке

АКМАЛ ПУЛАТ (ПУЛАТОВ АКМАЛ)

ЗВЕЗДА ЛЮБВИ

С т и х и, п е с н и, с а т и р а

Редактор *Ч. Эргаш*

Рисом *Я. Жирков*

Расмлар редактори *А. Бобров*

Техн. редактор *Э. Саидов*

Корректор *Ш. Собирова*

Босмахонага берилди 30/XII—76 й. Босишга рухсат этилди 9/II—77 й.
Формати 70×108^{1/2}. Босма л 9,75. Шартли босма л 13,65. Нашр л. 8,21+0,07 вкл.
Тиражи 35000 Р 09380. Ғафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.
Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 188-76

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб
савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг 1-босмахонасида № 1 қозога
босилди. Тошкент. Ҳамза кўчаси, 21. 1977 йил. Заказ № 185. Баҳоси 1 с. 02 т.

Пўлат Акмал.

Муҳаббат юлдузи. Шеър, қўшиқ, ҳажвиялар. Т., Адабиёт
ва санъат нашриёти, 1977
312 б.

Ушбу китобга Акмал Пўлатнинг кўп йиллик шеърий ижодидан энг яхши намуналар саралаб олинди. Уларда озод ва обод турмушимиз мадҳ этилади, меҳнат кишиларининг зафарли одимлари улуғланади. Ҳажвий-юмористик шеърларида шоир ҳаётда учраб турадиган айрим иллатларни аёвсиз фош қилади.

Пуллат Акмал. Звезда любви. Стихи, песни, сатира.
Уз2